

**Захиридин Мұхаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети**

**Комилжон ЖҮРАЕВ
Салимахон МИРЗАЕВА**

МДХ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

”Адабиётшунослик (Ўзбек адабиёти)“
5A220101 магистратура мутахассислиги бўйича
ўқув-услубий қўлланма

**Тошкент,
“Истиқлол”- 2006**

Захиридин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедраси (2005 йил 28.08 даги № 1 баённома) ва университет ўқув-услубий кенгаши (2005 йил 30.09 даги № 2 баённома) йиғилишида тасдиқланган ва босишига этилган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Б.САРИМСОҚОВ

Тақризчилар:

филология фанлари доктори Д.ҚУРОНОВ,
филология фанлари доктори Н.ЙЎЛДАШЕВ.

Олий таълим тизимида ўқиётган бакалаврият ҳамда магистрантларга Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) адабиётлари ҳақида тизимли таълим берувчи бирор бир қўлланма ёки дарслик ҳазиргача йўқ, аммо бу нарсага эҳтиёж ҳар қачондан кўра катта. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида мазкур қўлланмана яратилди.

Унда муаллифлар украин, белорус, молдаван, озарбайжон, арман, грузин, доғистон, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман адабиёти, уларнинг ўзбек адабиёти билан алоқалари ҳақида чуқур маълумотлар берганлар.

© ЖЎРАЕВ К., МИРЗАЕВА С.

СҮЗ БОШИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) 1991 йилнинг декабр ойида ташкил топди. Унга Болтиқбўйи мамлакатларидан ташқари Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Марказий Осиёда – Тожикистон, Кирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Ўзбекистон аъзо бўлиб кирди.

Қадими тарих ва бой миллий ҳамда маданий анъаналарга эга бўлган бу мамлакатлар халқларининг адабиёти ва уларда яратилган бадиий асарлар жаҳон адабиётининг дурдоналарини ташкил қиласди. Уларнинг энг саралари А.М.Горький ташкил қилган 200 жилдли ”Жаҳон адабиёти кутубхонаси” мажмуасида чоп этилган. Бу адабиётлар анъанавий тарзда уюштириб турилган республикалараро ҳафталиклар ва ўн кунликлар ҳамда машҳур адабиёт намояндайларининг таваллуд кунларига бағишланган тадбирлар муносабати билан бир-бирларининг асарларини таржима қилиб, ўзаро озиқланди ва таъсирланди. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидағи каби, энг аввало, адабиёт оламида *глобаллашув* жараёни юз берди. Адабиётлар маҳдудлик иллатларидан ҳоли бўлиб, ўрталаридағи сунъий ва табиий тўсикларни ҳам бартараф эта олди. Жаҳон адабиёти тизимида дунё халқлари маданияти бисотидаги ёзма ҳамда оғзаки адабий қадриятларни қиёсий-типологик тарзда тадқиқ этувчи *адабиётлараро муштараклик* деган фавқулодда бой ва таъсирчан тушунча пайдо бўлди. Махсус институтлар ва илмий тадқиқотчилик йўналишлари уни ўрганишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Айниқса, Братиславадаги Словакия Фанлар академиясининг Жаҳон адабиёти институти (бу ердаги Диониз Дюришин асослаган илмий мухит), Россия Фанлар академиясининг Жаҳон адабиёти институти, Болқоншунослик институти, М.Горький номидаги Адабиёт институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти ва бошқа илмий муассасаларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўрганилажак ушбу курсда МДҲ халқлари адабий бисотидаги ўчмас из қолдирган буюк қалам соҳибларининг ижодий таржимаи ҳоли, уларнинг машҳур асарлари ҳақида гап боради. Адабиёт мухлисига маънавий озиқ берувчи бадиий қадриятлар таҳлилга тортилади, улар қиёсий-чоғиширмада ва типологик йўсинда ўрганилади. Мустақил ва танқидий фикрлаш малакаларини янада такомиллаштирилади. Далилланган эссе ёзиш, ақлий “хужум” каби янги



педагогик технологиялар тамойиллари, ўқитишининг энг самарали шакллари – аниқлик ва пухталик, ижобий хулосаларга эришиш, танқид қилмаслик, фикрни маъноли ва қисқа ифодалаш, сұхбат ёки баҳс-дебат чоғида бир-бирининг гапини бўлмаслик, сўзга чиқиш ва фикр билдиришда ихтиёрийлик, бағрикенглиқ, сўзловчи шахсиятини ҳурмат қилиш, унинг нутқидаги нуқсон ёки фикрлаш тарзидаги камчиликларни очиқ ошкор қилмаслик, яъни сир сақлай билиш, бир хиллиликдан қочиш, матндаги вазиятни баҳолаш, таҳлил қилиш, қарама-қарши нуктаи назар билдириш ва уни ҳимоя қилиш, масала юзасидан қисқача дебат-баҳс ўтказишга ундаш каби интерфаол услубларга амал қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бизнинг ягона мақсадимиздир.

Мустақил фикрловчи ўқувчи шундай шахс турики, у доим изланувчи бўлади, ўз устида тинмай ишлайди, баҳс-мунозарани жуда ёқтиради, турғунлик кайфияти, эскича яшаш, ўқиши ва фикрлаш тарзи унга мутлақо ёт. У ташаббускор, некбин, доим олдинга интилевчан бўлади. Бугунги ҳеч кимга тобе бўлмаган мустақил ҳаётимизда, янги демократик жамият қуриш жараёнида худди шундай ўқувчи керак. Бундай ўқувчининг мураббийси ва устози эса ўз соҳасининг ҳақиқий устаси, миришкори бўлмоғи зарур.

Ўқитишининг самарадорлиги тўғрисида гапириб, К.Д.Ушинский таъкидлаган эди: “Ўқувчи бирон идиш эмаски, уни тўлдириш керак бўлса. У – машъала. Уни ёндириш керак, холос”. Бу ерда *идиши* ўқитишининг *анъанавий* шаклини ифодаласа, тасаввуримиздаги қўл (ёзиш белгиси), қулоқ (эшитиши), кўз (кўриш), юрак (хис этиши), мия (ахборотни ўзлаштириши) билим олишнинг фаол йўсинини билдиради. Анъанавий дарсларимиз **монолог** тарзида ўтилган бўлса – яъни бир киши, яъни ўқитувчи гапиради, ўқувчи тинглайди; ёки ўқувчи гапиради, бошқа ўқувчилар фақат тинглайдилар – бу жараён ўқувчиларнинг фаол иштирокини назарда тутмайди. Таълимнинг янги, энг маъқул тури ўқувчи *калласининг* ишлаши, *юрагининг* хис этиши, кўзи билан кўриши, қулоги билан эшитиши, қўли билан ёзиши ва имо-ишора қилишини кўзлайди. Бунда **диалог** ва **мунозара** тамойиллари икки ва қўп томонлама ўзаро мулоқот шакли тарзида намоён бўлади. Мутахассисларнинг хисобига кўра, одамлар фақат эшитганда 100 фоиз ахборотнинг атиги 10-20 фоизинигина хотирасига жойлашга улгуради, маълумотни кўрганда эса 30 дан 50 фоизгача, кўриб-эшитиб, ёзиб, таҳлил қилиб, дарсда мудрамай, фаол қатнашиб ўтирганда, ўқитувчи берган ахборотнинг 60 дан 90 фоизигача ўзлаштириб олади. Бу тажрибада синаб кўрилган натижа кўрсаткичи.

“Буюк муаллим” деган шарафли унвон соҳиби Конфуций бу амалларни 1500 йил аввал таърифлаб, “Эшитганим ёдимдан чиқади, кўрганим ёдимда қолади, ёзганим ва таҳлилим менга тушунтиради”, – деган эди.

Янги педагогик технологиялар талабларига жавоб берадиган бу услублар яратилаётган қўлланмада илк бор синаб кўрилади.

1. УКРАИН АДАБИЁТИ

Бу адабиёт шарқий славян халқлари (рус, белорус) адабиёти гурухига киради. У қадимги рус адабиёти заминида шаклланди ва ривожланди. XI-XII асрларда ёк жуда бой оғзаки ижод асарларига ва ёзма ёдгорликларга эга бўлган қадимги рус адабиёти украин адабиёти ривожига кучли таъсир этди. Украин шоирлари Т.Шевченко, И.Франко, С.Руданский, П.Мирний ҳамда М.Рильский ва Н.Забилаларнинг хусусан “Игорь жангномаси”га бўлган қизиқишлари жуда кучли эди. Улар бу ажойиб адабий ёдгорликни украин тилига таржима қилдилар.

Украин адабиётининг энг қадимги намуналари халқ оғзаки ижоди шаклида яратилган бўлиб, кўпроқ антифеодал ва антикрепостнойлик хусусиятига эга эди. Халқ яратган қўшиқ, эртак, дума (катта хажмдаги эпик ва лиро-эпик асарлар), латифа ва ривоятларда меҳнаткаш омманинг асрлар давомидаги орзу-умидлари, чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари, жумладан 1648-1654 йилларда кенг кулоч ёйган халқ озодлик кураши, 1812 йил Ватан уруши воқеалари ўз аксини топган.

Украин халқининг 1648-1654 йилларда поляк панларига қарши олиб борган озодлик курашлари Украинанинг Россияга қўшилиши билан якунланди. Икки халқнинг қўшилиши ”Казак йилномалари” ва мемуар асарларда акс этди. Рус ва украин адабиётлари ўртасидаги дўстона муносабатлар шу вақтдан бошлаб Яна ҳам авж олди. Э.Славинецкий, С.Полоцкий, Ф.Прокопович сингари украин шоирлари Москвага кўчиб бордилар. Улар ўз асарларида жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршиликларни акс эттиридилар; янги адабий жанрлар ва шаклларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Григорий Сковорода – XVIII аср украин адабиётининг улкан арбоби. У ўз замонасининг илфор ўқимишли кишиси ва файласуфи хукмон доиралар учун хизмат қилишдан бош торти, аксинча, мавжуд ижтимоий тузумни қаттиқ қоралади. Халқ унинг ҳаёти ва панларга қарши олиб борган кураши тўғрисида ҳар хил ривоятлар тўқиди. Сковорода сатирик шоир ва файласуф сифатида XVIII аср рус маърифатпарварлари (А.П.Сумароков, Д.И.Фонвизин, Г.Р.Державин, А.Н.Радищев, И.А.Крилов, Н.М.Карамзин) га яқин тураг эди. Унинг ижодида буюк рус олими ва шоири М.В.Ломоносов, сатира усталари Новиков, Кантемир ва Фонвизин каби ёзувчилар ижодига хос мотивлар қўп эди. Чунончи, Сковорода ҳам улар сингари ўз ижодида инсон тарбияси масаласига катта эътибор берди.

Сковорода XIX аср украин адабиётида кенг тараққий этган *масал жанрини* бошлаб берди.

XVIII аср охири, XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган *Котляревский* ижодида 1812 йил Ватан уруши мавзуи катта ўрин эгаллади. 1825 йил воқеалар арафасида Котляревский ўзининг ”Энеида” достони ва ”Наталка-Полтавка” пьесаларини нашр эттириди. ”Энеида” достони қадимги

юонон шоири Вергилийнинг “Энеида” достонига ўхшатма бўлишига қарамасдан, бадий юксак ва оригинал асардир. Бу достон ўзининг образли ва жонли халқчил тили, ўткир сатираси, хушчақчақ юмори ва воқеликни реалистик акс эттириши билан кўп тақлидик асарлардан тубдан фарқ қиласди. Чунки Котляревский антик адабиётдан олинган сюжетга воқеликдан танлаб олинган ёрқин ва жонли образларни сингдирди, шу йўл билан крепостнойлик тузумини сатира остига олди, ижтимоий тенгиззикни қоралади ва ўзининг прогрессив гуманистик қарашларини ифодалади. Бироқ у крепостнойлик тузуми ва самодержавияни йўқ қилиш зарур деган инқилобий холосалар чиқариш даражасига кўтарила олмади.

И.П.Котляревскийнинг замондошлари Г.Ф.Квитка-Основьяненко, С.С.Гулак-Артемовский ва Е.Н.Гребёнка биринчи украин масалчилари сифатида танилдилар.

XIX асрнинг биринчи чораги янги украин адабиётининг шаклланиш даври эди. Бу давр украин адабиёти эзилган халқнинг инқилобий талабларини ўзининг ажойиб бадий асарлари орқали катта ижтимоий кучга айлантирган Тарас Шевченконинг адабиёт майдонига кириб келиши билан якунланди.

Т.Г.Шевченконинг гениал ижоди украин адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Шевченко янги украин адабиётининг асосчиси ва ундаги демократик йўналишнинг тўнгич куйчиси эди. Унинг дунёқараси ва ижоди Россиядаги меҳнаткаш халқнинг озодлик ҳаракати, декабристлар ва рус революцион-демократларининг таъсири остида шаклланди. Буюк рус танқидчиси Н.А.Добролюбов таъбири билан айтганда, “Шевченко суюк-суюги билан халқ шоири эди”. У буюк ватанпарвар сифатида чоризмни ёқтирумас ва рус революционерлари билан ёнма-ён туриб, украин халқини ва бошқа қардош халқларни самодержавие ҳамда крепостнойлик исканжасидан қутқариш учун кураш олиб борар эди. Шевченко халқни озод қилишнинг бирдан-бир йўли рус халқи билан бошқа славян халқлари бирдамлигини мустаҳкамлашдир, деб тарғиб қилди.

”Катерина“ достонида Т.Шевченко воқеликни тўла реалистик акс эттиришга эришди. Панларнинг ахлоқий тубанлигини аёвсиз фош этиш бу асарнинг асосий ғоясидир. ”Гайдамаклар“ поэмасида 1768 йилда поляк панларига қарши кўтарилган дехқонлаор қўзғолони тасвиранган. “Уч йил” номли шеърлар тўпламида ҳам крепостнойлик тузумини фош қилиш ва дехқонлар қўзғолонига даъват этиш тенденцияси кучли. “Туш” достони ҳам бошдан-оёқ кўтаринки инқилобий рух билан сугорилган асар.

1847 йилда Т.Шевченко ўзининг революцион-демократик руҳдаги асарлар учун қамоқقا олинди. Николай I нинг шахсий буйрӯғи билан у солдатликка юборилиб, ёзиш ва расм чизиш хуқуқидан маҳрум этилади. Лекин барibir шоир узоқ сургунда ҳам ўзининг революцион фаолиятини тўхтатмайди. Сургунликнинг қаттиқ тартибларига қарамасдан, шоир ”Казематда“ шеърлар туркумини, ”Варнак“ поэмасини, ”Хизматкор хотин“, ”Музикант“, ”Рассом“, ”Эгизак“ сингари қиссаларини яратди. Самодержавиени аёвсиз фош қилиш ва халқларнинг озодлигига ишонч кўзи билан қараш – бу асарларнинг умумий ғоявий мазмуни ана шу.

Т.Шевченконинг янги украин адабиётидаги буюк ролини Пушкиннинг рус адабиётидаги, Мицкевичнинг поляк адабиётидаги, Гётенинг немис адабиётидаги ғоят катта хизматлари билан тенглаштириш мумкин. М.Горькийнинг ибораси билан айтганда, “Шевченко, Пушкин, Мицкевичлар меҳнаткаш халқ руҳини чуқур ва зўр бадиий куч билан ифодалай олган кишилар эдилар”.

XIX асрнинг 50-60-йиллар украин адабиётида танқидий реализмнинг иирик вакили сифатида *Марко Вовчок* (Мария Александровна Вилинская) кўринди. Бу буюк украин ёзувчининг ғоявий, ижодий камолотида унинг Н.А.Добролюбов, А.И.Герцен, Н.П.Огарев ва Т.Г.Шевченко каби буюк революционерлар билан бўлган дўстлиги ғоят муҳим роль ўйнади.

Марко Вовчокнинг ижодига Н.Г.Чернишевский, буюк украин шоири И.Франколар юксак баҳо берганлар. Уларнинг қайд этишларича, М.Вовчок украин прозасида крепостнойлик тузумини фош қилувчи ҳикоя ва повестларнинг энг яхши намуналарини яратган ёзувчи эди. Унинг ижоди халқчиллик ва танқидий реализм принципларига асосланган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида И.Франко, П.Мирний, П.Грабовский ва Л.Украинкаларнинг ижоди кенг қулоч ёйди. Уларнинг барча асарлари эксплуататорлик тузуми ва самодержавиега қарши кураш руҳи билан сугорилган.

И.Франко буюк шоир адабий Шевченко мактабида тарбияланди. 1887 йили босилиб чиқсан “Чўққилар ва тубанликлар” тўпламига кирган шеърларида И.Франко меҳнаткаш халқ орасидан етигшиб чиқсан, метин иродали революционер образини чизди. У биринчи бўлиб украин шеъриятида ииши образини яратди. “Веснянка” шеърлар цикли ўзининг ғоявий-бадиий юксаклиги билан катта аҳамиятга эга. Бу туркумдаги шеърларида, масалан, ”Қуёш қизитмоқда”, “Гулдирамоқда” шеърларида И.Франко қуёш, шамол, момақалдироқ сингари мажозий образлар (чўлпон, Фитратлар билан қиёс) ёрдамида ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришларни тасвиirlади.

И.Франконинг машҳур достонларидан яна бири “Мусо” (“Моисей”) 1905 йил революцион воқеалари таъсирида юзага келган асар. Бу асарнинг негизида Мусо тўғрисидаги бир диний ривоят ётади. Франконинг поэтик маҳорати шундаки, у диний ривоятдан халқ билан йўлбошли ўртасидаги муносабатларни тўғри оча олган.

И.Франко ўзининг ёзувчилик, таржимонлик, танқидчилик адабиётшунослик, фольклористлик ва тилшунослик фаолияти билан фақат украин адабиётида эмас, балки рус, поляк, Чех, болгар ва француз адабиётларида ҳам шуҳрат қозонди.

Леся Украинканинг ижодий фаолияти Россияда революцион-озодлик ҳаракати авж олган вақтга тўғри келди. Унинг лирикасининг бош мавзуси – Ватанга муҳаббат. Унинг тасвири ва талқинида Ватанга муҳаббат душманга нафратдан иборат. Шоира ўз достонларида тарихий ва замонавий масалаларни кўтариб чиқади. Масалан, халқ қўзғолони мавзуси “Роберт Брюс” поэмасида дадил кўтарилиган бўлса, “Қадимги эртак” достонида ўрта аср воқеалари ҳикоя

қилиниб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашган шоир образи гавдалантирилада.

Хуррият ва миллий озодлик учун кураш масаласи Л.Украинка саҳна асарларида ҳам марказий ўрин тутади. Бу жиҳатдан унинг "Кассандра", "Катаомбаларда", "Ўрмон қўшиғи" каби пъесалари диққатни ўзига жалб қиласди.

XX асрнинг биринчи чорагида юзага келган янги украин адабиёти янги ижтимоий тузум шароитида рус, украин ва бошқа қардош халқлар классик адабиётларининг энг яхши анъаналари таъсирида шаклланди ват обора ривожланиб борди. Шу даврларда П.Тичина, М.Рильский, И.Кочерга, И.Ле, Ю.Яновский каби навқирон ижодкорлар етишиб чиқди.

Фашистлар Германияси билан уруш йилларида украин ёзувчиларининг ҳикоя, очерк ва романларида Ватан мудофааси етакчи мавзу бўлди. Уларнинг асарларида Қизил Армия жангчиларининг кўрсатган жасорати, турли миллатларга мансуб халқларнинг фронт ва фронт орқасидаги биродарлик ва дўстлик ҳис-туйгулари тараннум этилди. Уруш даври воқеаларини кенг миқёсда тасвирловчи "Украина қони" (В.Собко), "Улар ўтолмадилар" (Ю.Смолич), "Профессор буйко" (Я.Баш), "Ҳаётнинг қадри" (В.Козаченко) каби роман ва қиссаларда, "Партизан ўлкаси", "Партизан генерали Руднев" (А.Шиян ва П.Воронько) очерклар тўпламларида душман вақтинча босиб олган ҳудудларда қизиб кетган партизанлик ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Украин шоирлари П.Тичина, М.Бажан, А.Малишко, Л.Первомайский, В.Сосюра, И.Гончаренколарнинг ватанпарварлик руҳи билан суғорилган жанговар шеърлари уруш йилларида ватан буйлаб янгради, жангчиларнинг қаҳрамонлиги улугланиб, тинчликсевар халқларнинг ёвуз душманга нисбатан туганмас ғазаб-нафроти ифодаланди.

60-70- ва ундан кейинги давр украин адабиёти тараққиётида ҳамма асосий жанрларнинг жадал ривожланиши ва янги-янги насрый, шеърий ва драматик асарларнинг пайдо бўлиши билан характерланди. Бу йилларда тобора халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бўла борган украин ёзувчилари қалами остидан чиққан турли-туман долзарб мавзуларда ёзилган романлар, повестлар, ҳикоя ва очерклар, достон ва шеърий туркумлар, драматургия ва кинодраматургия асарлари китобхонлар ва томошабинлар қалбига йўл топди. Кўп украин шоир ва ёзувчилар юксак давлат мукофотлари совриндорлари бўлишди, Мехнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлдилар.

Бу мавзу бўйича гап боргандага адабий алоқалар ҳақида гапирмай бўлмайди.

Украин ва ўзбек (рус, қирғиз, қозоқ ва б.) халқлари ўртасидаги адабий алоқалар, асосан, Туркистоннинг Россияга қўшиб олинишидан сўнг бошланди. Ўзбеклар дастлаб ўша вақтларда Орол денгизи бўйида сургунда яшаган Т.Шевченко ижоди билан танишдилар. Ўзбекистон тобора қардош украин шоирларининг иккинчи ватанига айлана борди. Ҳ.Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Амин Умарий ва Ҳасан Пўлат ва кўпгина шоирлар таржимасида Т.Шевченконинг "Қўбизчи" тўплами, А.Қаҳҳор таржимасида И.Ленинг "Тоғ оралиқлари" романи, Ҳ.Олимжон таржимасида А.Корнейчукнинг "Платон

Кречет” пьесалари ўзбек китобхон ва томошабинларига тақдим этилди. Бу асарларнинг аксарияти ўзбек тилига қайта-қайта таржима қилиниб, бир неча марта нашр этилди.

Уруш йилларида украин ва ўзбек халқларининг дўстлиги янада мустаҳкамланди. Ўзбек жангчилари Украинани фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишда жонларини аямадилар.

Ўша йилларда Украинадан Ўзбекистонга келган кўпгина фан ва маданият арбобларининг республика маданий ҳаётида фаол иштирок этиши, ёзувчи ва санъат ходимларининг ўзаро тажриба алмашишлари, бир адабиётнинг иккинчи адабиёт учун ижодий мактаб вазифасини ўтаганлиги уларнинг ҳар бирининг янада тараққий этишига сабаб бўлди.

М.Бажан, М.Терешченко ва бошқа йирик украин ёзувчилари ўзларининг янги асарларини Ўзбекистонда ижод этдилар. Ўз ишини уруш йиллари Тошкентда давом эттирган И.Франко номидаги Академик давлат драмтеатри томошабинларни “Ўғирланган баҳт” (И.Франко), “Маруся Босулавка” (Т.Шевченко) ва “Украина чўлларида” (А.Корнейчук) пьесалари асосида яратилган ажойиб спектакллар билан танишилди.

Ўзбек адабиёти ва санъати ходимлари билан укрин адабиёти ва санъати усталари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик жуда яхши самаралар берди. Муқимий номидаги музикали драма театри Миртемир таржимасижа И.Котляревскийнинг ”Наталка-Полтавка” асарини, Наманган театри ”Запопрожъелик Дунай ортида” пьесаларини саҳналаштириди.

Ўзбек ёзувчилари украин касбдошларининг ”Ғазабли Украина” шеърлар китобини, А.Ильченконинг ”Қалб хотираси”, О.Иваненконинг ”Тезда қуёш чиқажак” номли ҳикоя ва очерклар тўпламларини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттиридилар. В.Василевскаяяниң А.Қаҳҳор таржимасида босилиб чиқсан ”Камалак” қиссаси, А.Корнейчукнинг ”Фронт” пьесаси немис фашистларига қарши курашда ўткир ғоявий қурол вазифасини ўтади.

Урушдан кейинги даврда укрин ва ўзбек халқлари, украин ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Маданий-адабий алоқалар кучайиб, ҳар иккала халқ ёзувчилари бир-бирлари билан ижодий мавзуларда фикрлашиб турдилар. Чунончи, ўзбек ёзувчиларидан Ойбек, Ғ.Ғулом, Уйғун, К.Яшин, А.Қаҳҳор, Ш.Рашидов ва Зулфияларнинг украин ёзувчилари П.Тичина, А.Корнейчук, М.Бажан, М.Терешченко, И.Ле ва бошқа кўпгина ёзувчилар билан дўстона муносабатлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Ўзбекистонда урушдан кейинги йилларда, айниқса, бугунги кунда қардош халқлар адабиётидан, айниқса, рус ва украин ёзувчиларининг асарларидан қилинган таржималарнинг сони ортди, сифати яхшиланди. Ўз навбатида украин халқи ҳам рус тилида ва ўз она тилида ўзбек адабиёти асарларини севиб ўқимоқда. Алишер Навоийнинг ”Фарҳод ва Ширин” достони (М.Бажан таржимаси), Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Зулфия ва Миртемирларнинг шеърий асарлари, Ойбекнинг ”Навоий”, Ш.Рашидовнинг ”Ғолиблар” каби роман ва қиссалари украин тилига таржима қилиниб нашр эттирилди.

Украин ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва яқинлик яна шунда кўринадики, украин адиблари ўз китобларида Ўзбекистон ва ўзбек халқи фарзандлари образларини зўр маҳорат билан яратган, ўз асарларининг бош қаҳрамонлари қилиб ўзбек йигит-қизларини танлаган бўлсалар, ўзбек ёзувчилари ҳам қаҳрамон укрваинага мадҳ ўқидилар. Украин шири М.Терешченконинг ”Навоийга офарин”, ”Адабий дўстлик” шеърлари, шоир Уйғуннинг ”Украина еллари” достони, Ҳамид Олимжоннинг ”Роксананинг кўз ёшлари” балладаси, Комитл Яшиннинг ”Ўлим босқинчиларга” ва Яков Башнинг ”Профессор Буйко” пьесалари, И.Ленинг ”Тоғ оралиқлари” романи, А.Қаҳҳорнинг ”Олтин юлдуз қиссаси” украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги ана шундай бузилмас дўстликни таранnum этувчи бадиий асарлар жумласига киради.

ТОПШИРИҚ. Қуйидаги шеърларнинг ғоявий мазмуни, бадиий тасвир воситалари, лингвистик-услубий хусусиятларини таҳлил қилинг.

Т.ШЕВЧЕНКО

Васият

Ўлсам менинг жасадим
Украинага кўмилсин;
Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин.
Поении йўқ она ер
Ва зангори Днепр
Кўриниб турсин менга,
Вағиллаб оққан дарё
Билиниб турсин менга!
Душман қонини дарё
Ювиб оқизган замон,
Элим топган кун омон.
Кўзғаларман қабримдан.
Чиқиб олай даргоҳга
Худога топинарман.
Келмай туриб ўша кун,
Худо йўқдир мен учун!
Кўминг-у қўзғанг исён,
Кишанлар кул-кул бўлсин,
Эрк жангида душманнинг
Қора қони тўкилсин.
Сўнг улуғ оилада
Бошлангиз эркин ҳаёт,
Секингина мени ҳам
Ёд этиб қилингиз шод. (1845)

ЛЕСЯ УКРАИНКА

УМИД

Бахтим қаро экан, толеим нигун,
Ёлғиз умид билан яшайман бугун:

Умидим – бир кўрсам Украинамни,
Диёrim – мунисим, жоним онамни.

Зангор Днепрга бир боқар бўлсам,
Армоним йўқ эди сўнг майли, ўлсам.

Қиру адирларда юрсайдим яна,
Тошқин ўйларимни сурсайдим яна...

Бахтим қаро экан, толеим нигун,
Фақат умид билан яшайман бугун (1880)

2. БЕЛОРУС АДАБИЁТИ

Белорус халқининг тарихи рус ва украинлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. У кўп асрлар давомида санъат-адабиёт соҳасида бой ва хилма-хил адабий-маданий меросга эга бўлди. Белорус адабиёти ўз тараққиётида халқнинг ҳаёти, маданияти, тили ва миллий хусусиятларини акс эттириб, узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Унинг илк намуналари халқ оғзаки ижоди маҳсули шаклида пайдо бўлди. Жуда кўп белорус эртаклари, афсона ва ривоятлари. Лирик ва тарихий қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзларида меҳнаткаш халқнинг ҳаёти, унинг орзу-умидлари ўз аксини топди. Белорус фольклорида халқнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган кураши ва рус халқига бўлган муҳаббат ва садоқати ҳам ифодаланади. Бу асарлар эксплуататор синфларга, крепостнойлик тузумига ғазаб, нафрат ҳисси билан. Хушчақчақлик, оптимизм ва озодликка интилиш руҳи билан тўлиб-тошган. Уларда ватаннинг ҳимоячилари. Қаҳрамонлар мадҳ этилиб, ёрқин келажак сари интилиш ғоялари илгари сурилган. Белорус фольклорида панлар, савдогарлар, поплар, умуман, эксплуататор доираларни аёвсиз фош этувчи ҳажвий эртаклар катта ўрин тутади. Белорус халқ шеърияти юксак ҳоявий мазмун билан суғорилган ва бадиий хусусиятларга бой.

Белорус адабиётининг ибтидоси Киев Русининг маданияти, ёзма адабиёти ва фольклорига бориб тақалади. Чунки у вақтларда рус, украин ва белорус халқларининг ота-боболари бир хил тилда сўзлар эдилар.

XI-XII асрларда Киев Русида яшаган халқларнинг ёзма адабиёти ҳийла тараққий этди. Қадимги Рус адабиётининг бир қанча асарлари ҳозирги Белорусь тупроғида яратилди. Белоруссиянинг Полоцк ва Туров шаҳарларида черков адабиёти ва дунёвий адабиётлар кўчирилди, йилномалар тузилди.

Георгий Скорина XVI асрнинг биринчي ярмида яшаб ижод қилган адиб, олим, таржимон, ношир. Белоруссиядан китоб нашр қилишни бошлаб берди. Белорус халқ жонли тили асосида белорус адабий тилини асослашга кириши. Унинг ватанпарварлик хисси билан тўлиб тошган ноширлик ва маърифатпарварлик фаолияти белорус адабиётининг бундан кейинги тараққиётида сезиларли из қолдирди.

Белорус прогрессив адабиётининг XVI охири, XVII аср бошларида яшаб ижод этган йирик вакиллари Симон Будний, Василий Тяпинский, Стефан Зизаний, Афанасий Филиппович, Леонтий Карпович, Симеон Полоцкий белорус халқи манфаатларини ифодалаб, феодал католик зуғумига қарши кураш олиб бордилар. Улар рус халқи билан белорус халқининг бирлашишларини ёқлаб чиқдилар.

1697 йилда Польша сейми белорус тилида китоб нашр эттириш ҳамда суд, мактаб ва муассасаларда белорус тилида иш олиб боришни ман этди.

Шу пайтларда авжга чиққан католик реакция белорус адабиёти, маданияти тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Ёзма адабиёт инқизотга юз тутди: муаллифи номаълум бўлган айrim шеърлар, интермедијалар яратилди, холос.

Бу даврда поэтик ижод, асосан фольклор шаклида ривожланди. Феодал ва миллий зулм кучайган бир шароитда халқ шеърияти меҳнаткаш омманинг орзу-интилишларини ифодаловчи бирдан-бир восита бўлиб қолди. Бу шеърият янги белорус адабиёти тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

XVIII аср охирларида Белоруссиянинг Россияга қўшилиши буюк тарихий воқеа бўлди. Бу қўшилиш белорус халқига рус маданиятидан баҳраманд бўлиш имконини берд ива XIX аср бошларида янги белорус адабиётининг шаклланишига туртки бўлиб хизмат қилди.

Тўғри, Белоруссия Россияга қўшилгандан кейин ҳам чор ҳукуматининг босқинчилик сиёсати белорус адабиёти тараққиётига тўсқинлик қилди. Бироқ, рус революцион ҳаракати ва демократик маданияти белорус адабиётига суюнчиқ бўлди. Шунинг учун Белоруссия Россияга қўшилгандан кейин ҳам чор ҳукуматининг халққа қаттиқ зулм қиласверганига қарамай, белорус адабиёти турғун ҳолатдан қутула бошлади. XIX асрнинг 20-30-йилларида адабий ҳаракатда жонланиш сезилди.

Бу давр адабиёти асосан аноним характердаги адабиётдир. У халқ оғзаки ижодига яқин турарди. Унинг асосий жанрлари, сатирик поэмалардан ташқари, айтишмалар, ҳажвий шеърлар, тарихий ва маросим қўшикларидан иборат бўлган. “Даниилнинг Стефан билан сұхбати”, “Панинг дехқон билан сұхбати”, “Ҳақиқат” сингари аноним асарларда дехқонлар кайфияти, уларнинг крепостной тузумга қаршилиги ифодаланган.

60-йилларда Россияда бошланган революцион кўтарилиш Белоруссиядаги адабий-ижтимоий қарашларга ҳам ижобий таъсир қилди.

В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернишевскийларнинг илғор революцион ғоялари белорус халқининг энг яхши вакилларини уйғотди.

1863 йил дәхқонлар қўзғолонининг йўлбошчиси *К.Калиновский* белорус демократик публицистиканинг асосчиси бўлди.

Франшик Казимирович Богушевич “Белорус найи”, “Белорус камони” достонларида дәхқонларнинг самодержавие ва помешчикларга қарши норозилигини ифодалади. У белорус адабиётида танқидий реализм методига асос солди. У ўз ижодига хос гражданлик пафоси, ўткир демократик ғоялари, реализм ва халқчиллиги билан XX аср илғор белорус адабиётининг шаклланишига замин ҳозирлади. Богушевич белорус адабиётини сатирик шеър, баллада, ҳикояга ўхшаш янги поэтик жанрлар билан бойитди. Белорус шеъриятининг такомили ва адабий тил тараққиёти учун курашди.

1905 йил революцияси Янка Купала, Якуб Колас, Алоиза Тётка, Максим Богданович сингари белорус демократ ёзувчиларининг адабий ижод майдонига қадам қўйишларини таъминлади. Бу даврда Я.Купала, Я.Колас белорус адабиётидаги революцион-демократик йўналиш бошида туриб, реалистик, халқчил адабиётни ривожлантиридилар.

XX аср бошларидағи тарихий шароит илғор белорус адабиётининг мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Революцион-демократ ёзувчилар ўз ижодларида ижтимоий тараққиётнинг муҳим масалаларини. Жумладан аграр ва миллий масалани акс эттиридилар.

Ёш белорус адабиётига М.Горький ижодининг таъсири яққол сезилди. Чунки Горький прогрессив белорус шоирлари ижодини зўр қизиқиш билан кузатар, ўрни келганда, уларга яқиндан ёрдам берар эди. У украин ёзувчиси Коцюбинскийга ёзган хатида белорус шоирлари Янка Купала ва Якуб Колас шеърларига юксак баҳо берган эди. Улар ҳам кейинчалик Горькийни ўзларининг устози деб олганлар.

Я.Купала ва Я.Колас рус классик адабиётининг эстеттк принципларига амал қилиб, адабиётни халққа, жамиятнинг илғор кучларига хизмат эттириш учун курашдилар. Улар ҳозирги белорус адабий тили нормаларини ишлаб чиқдилар, бадиий ижоддда миллий тил бойлигидан баракали фойдаланиш намунасини кўрсатдилар. Я.Купала ватанга бўлган садоқатини ифодаловчи мазмундор шеърларини эълон қилди. “Игорь жангномаси”ни белорус тилига таржима қилди.

20-йиллар белорус адабиётида сиёсий сатира жанри ҳам тараққий этди. Ҳажвий шеър ва фельетонларда немис, инглиз ва америкаликлар ёрдамига катта умид боғлаган маҳаллий бойлар, помешчиклар масхара қилинди. 1923 йилда белорус ёшларининг газета-журналлар нашр этиш ҳуқуқига эга бўлган “Молодняк” номли оммавий-адабий уюшмаси тузилди. 1928 йилда бу уюшма асосида Белоруссия ёзувчилар уюшмаси ташкил топди.

1941-45 йилларда белорус адабиёти халқнинг орзу-истаклари. Ватанга садоқати, душман устидан ғалаба қозонишга бўлган ирода ва ишончини ҳаққоний ёритди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ, белорус ёзувчилари найза ва сўз, ўқ ва қалам билан қуролланиб, ёвуз душманга қарши курашга қўзғалдилар. К.Крапива, П.Бровка, М.Танк, П.Панченко каби адиблар фронт ва

партизан газеталарида фаол иштирок этиб, жангчи партизанлар қалбига йўз топувчи, уларни курашга даъват этувчи ғоявий ўткир, бадиий пишиқ асарлар ижод этдилар. Айниқса, К.Крапива сатира қуролининг фош қилувчилик кучига мурожаат этиб, ҳажвий шеърлар, масаллар ёзишга киришди.

Урушдан кейинги йилларда ”Палимя”, ”Беларусь” журналлари ҳамда ”Адабиёт ва санъат” газетаси белорус адабиётининг фаол жарчисига айланди. Я.Колас, А.Кулешов, П.Бровка, П.Панченко, М.Танк, М.Линьков, И.Шамякин, Я.Брил, К.Крапива ва бошқаларнинг асарлари илк марта шу нашрларда элга танилган.

Шу йилларда проза жанри анча тарақкий эта бошлади. *И.Мележнинг ”Ботқоқдаги одамлар”* романи барчамизга таниш 20-йиллар воқеалари, янгича ҳаётнинг томир отиши, янги хулқ-авторнинг шаклланиши, синфий кураш жараёнида чиқиниқиб бораётган белорус халқи вакиллари образи яратилган. Қишлоқ ўқитувчиси Вл.Карпов жанг йиллари маҳсус топшириқ билан фашистлар қўли остида қолган белорус ерларига юборилади. У ”Немиганинг қонли соҳиллари” романида кўрган-билганлари асосида Минск подпольечиларининг қаҳрамонликларию фронт ортидаги халқнинг оғир аҳволи ҳақида ҳикоя қиласди.

Я.Бриль ”Қушлар ва уялар” романида уруш даври ёшлари ҳаётига мурожаат қиласди. Асар қаҳрамонлари Алесь Руневич ва унинг тенгқурлари урушнинг жаҳшатли гирдобида чиниқадилар. Масалан, Алесь дастлаб Польша армиясида хизмат қиласди. Сўнг асир тушади ва немис концлагерида ишлайди. Кўп машаққатлар билан у ердан қочиб партизанларга қўшиласди. Роман урушни лаънатловчи асар бўлиб, унда немис миллатчиларининг разиллиги ва гитлерчиларнинг вахшийлиги фош қилинган.

Белорус адабиётининг кўзга кўринган ёзувчиси *И.Шамякин* романнависларнинг олдинги сафида бормоқда. Унинг ”Кафт устидаги қалб” романи замонамизнинг муҳим масалаларидан бири – номлари бир вақтлар унутилган, ноҳақ қораланган айрим кишилар тўғрисидаги ҳақиқатни қайта тиклаш масаласига бағишлиланган. Бу роман докторлар, инженерлар, шаҳар ижроия комитетининг ходимлари ҳамда журналистларнинг ишлари ва ҳаётидан ҳикоя қиласди. Романнинг бош қаҳрамони – доктор Ярош – довюрак ва қўрқмас киши. Уруш йилларида қўлга қурол олиб фашистларга қарши курашди. Кейинчалик ҳақиқат учун, чин инсонлар учун кураш олиб борди. У доктор сифатида жисмоний касалларни оёққа турғазса, инсон сифатида кишиларни руҳий иллатлардан тозалайди.

И.Новиковнинг 70-йилларда нашр этилган ”Йўллар Минскда туташади” қиссасида чехословак ва белорус партизанларининг мардлиги ҳақида ҳикоя қилинган. Унда тасвирланишича, хоинона ҳужум бошлаган немис фашистлари ўзлари билан бирга бир вақтлар чет элларга қочиб кетган сотқин белорусларни олиб келадилар – улар ёрдамида қўғирчоқ буржуа давлатини тиклашга уринадилар. Ёзувчи аниқ тарихий хужжатларга таяниб, белорус партизанларининг ана шу ватан хоинларига қарши олиб борган мардонавор курашлари ҳақида бадиий лавҳалар чизади. Асар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

В.Биков барча қардош мамлакатлар китобхонларига ўзининг “Алп балладаси”, “Учинчи ракета”, “Фронт варакалари”, “Тузок” каби асарлари билан таниш. Бу китобларда ҳам уруш даҳшатларини биринчилардан бўлиб ўз таналарида синаган белорус халқининг жасорати қўйланган.

60-70-йилларда белорус адабиётида ғоявий-бадиий жиҳатдан етук насрий, шеърий ва драматик асарлар кўплаб яратилди. Республикада адабий танқид ва адабиётшунослик билан шуғулланувчи истеъдодли кадрлар отряди етишиб чиқди. Сўнгги йилларда жадал ривожланган *адабий танқидчилик* намояндлари Николай ва Никифор Пашкевичлар (Азиз ва Лазиз Қаюмовлар каби), Марина Барсток, Григорий Березкин, Алесь Адамович, В.Коваленко, В.Баран каби танқидчилар томонидан ёзилган мақола, рисола ва ҳимоя қилинган диссертацияларда белорус адабиётининг муҳим назарий ва амалий масалалари кенг муҳокама қилинди. Болалар адабиёти ривожланди. Адабий таржима билан шуғулланувчи профессионал таржимонлар мактаби юзага келиб, мустаҳкамланди. Юрий Гаврук Шекспир асарларини, Язеп Семежон Бёрнсни, Эдди Огнешвет Беранжени, Василь Семуха Гётени, Хвадерович Ш.Пётефи асарларини муваффақият билан белорус тилига ўгирдилар.

Ёзувчилар П.Бровка, М.Танк, И.Мележ энг юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Белорус адабиёти қардош халқлар адабиётлари билан ҳамкорликда ривожланмоқда. Бу адабиёт билан ўзбек ёзувчилари ўртасида дўстона ижодий ҳамкорлик мавжуд. Белорус шоирларининг жўшқин шеърлари урушдан олдинги даврларда ҳам ўзбек китобхонларини ўзига ром қилган эди. Айниқса, Я.Купала, Я.Колас, П.Бровканинг ўрта мактаб хрестоматияларидан ўрин олган бадиий етук асарлари ёшларни одоб-ахлоқли, меҳнатсевар, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнади. Я.Купаланинг ”Халққа раҳмат”, ”Белорус партизанларига”, Я.Коласнинг ”Ватан қуёши остида” (Миртемир таржимасида), ”Ўзбекистонга” (Мирмуҳсин таржимасида), П.Бровканинг ”Юрак онти”, ”Ўй”, ”Эман барги”, ”Ҳақиқий америкаликка” (М.Бобоев таржималарида) шеърлари ўзбек мактаб болаларига таниш.

Белоруссияда ҳам ўзбек адилларининг асарлари завқ билан ўқиб келинмоқда.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг юбилейлари муносабати билан унинг ўнлаб ғазаллари ва ”Фарход ва Ширин” (М.Бажан таржимасида) достони белорус тилида нашр этилди. Сўнгги йилларда белорус китобхонлари ўзбек ёзувчиларининг ”Навоий”, ”Синчалак”, ”Бўрондан кучли”, ”Опа-сингиллар” сингари насрий асарлар билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистонда яшаб ижод этган Я.Колас, Э.Огнешвет сингари ўнлаб белорус шоирлари билан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфиялар ўртасида дўстлик яхши натижа берди.

Э.Огнешветнинг Ўзбекистон ва унинг кишилари ҳақида яратган мазмундор шеърларини шоира Зулфия ўзбек китобхонларига етказган бўлса, Зулфиянинг бир қанча шеърлари Э.Огнешвет таржимасида белорус тилида жаранглади. Мана Огнешвет шеърларидан бири – ”Салом, Ўзбекистон”. Унда

қардош белорус халқининг ўзбек халқига бўлган муҳаббат-садқатини белорус шоираси шундай ифодалайди:

Менга атлас кўйлак совға қилибсан,
Шиғиллаши менга шундай туюлди:
Шаҳрингда, Зулфия, ўйноқлаб оққан
Шўх Салор шарпаси келгандай бўлди.
Қадрдон тераклар,
Гўзал лолалар
Сўрадилар:
– Бизни унумадингми?
... Шимол бўронидан елиб майишган –
Қайн новдаларин тагидан ўтиб,
Софиниб эслайман кўм-кўк майсангни,
Кор ва совуқларни бирпас унутиб,
Чаманда гулларинг юлдуздай порлар,
Кишилар бу ҳақда бежиз демаган:
Ўзбекистон сувин бир ичган одам
Умр бўйи қўмсар, унумас экан.
... Ўтган оғир йиллар у ерда яшаб,
Иккинчи ватаним,
Дедим у юртни. (М.Бобоев таржимаси)

50-80-йиллар давомида ҳар бир республикада мунтазам равиша қардош халқлар адабиёти ва санъати хафталиклари ва ўн кунликлари – декадалари бўлиб турди. Худди шунингдек Белоруссияда ўзбек адабиёти ва санъати, Ўзбекистонда белорус адабиёти ва санъати декадалари ўтиб турди. Халқлар байрамига айланиб кетадиган бу тадбирлар муносабати билан ўзаро адабиёт асарлари алмашинар, таржима қилинар, тадқиқот ишлари олиб борилар, таржима тилларида китоблар нашр этилар, мақолалар ёзилар эди. Энди шу анъаналарни яна тиклаш керакка ўхшайди.

ТОПШИРИҚ. Якуб Коласнинг қуидаги шеърини лингвоуслубий томондан таҳлил қилинг.

ЎЗБЕКИСТОНГА

Пайти етди, жўнаймиз бу чоғ,
Ўзбек ери, азизсан мунча!
Жуда оғир қардошга айтмоқ;
Хайр энди, хайр кўргунча!

Бошқа осмон менинг тегамда,
Баҳор, ёрқин чироқлар ва мен...
Бунда майин чодир – капамда
Кўз олдимда жонланасан сен!

Бутун қалб-ла сезиб тураман,
Кенг далалар – эй тенгсиз чаман.
Чўққилари нурда болқиган
Тоғларингни кучиб ўпаман.

Хотирамда шаҳар ва боғлар –
Кийиб олган ям-яшил либос.
Ариқчалар, лиммо-лим Салор,
Қатор теракларга виқор хос.

Хотирамда сокинликк қасри,
Қор қўйнида у гўзал Чимён.
Юрак бўлган сенингасиринг,
Эй тоғ эли, жон Ўзбекистон.

Жанг йиллари, оғир кунларда,
Сен бизларни олдинг бағрингга.
Қўшиқни ҳам куйладик бирга,
Сен чорладинг юрак – боғингга.

Қилични ҳам ясадик бирга,
Ёв бошини кессин деб жангда.
Қувват, оташ бердинг сен дилга,
Ўзбек иним , сен доим жонда!

Яна учди ҳаётбахш еллар,
Бу муazzам еримиз узра.
Қабул этгин қўшиқни, йиллар
Дўстлик ўтин совутмас сира,
Хайрлашмоқ қўшиғимдимр бу! (1943)

3. МОЛДАВАН АДАБИЁТИ

Молдаванлар узоқ вақт 1940 йилгача ҳозирги Молдова ва Руминия республикалари худудида яшаб келганлар. Халқ кўпроқ боярлар Руминияси зулми остида ҳаёт кечирди. Уруш арафасида улар яна собиқ Иттифоқ таркибиға киритилди. Шунингдек бу халқ адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши ҳам жуда нотекис кечди.

Бу адабиёт ўзига хос мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Чунончи, милодий II-III асрларда молдаван халқининг тили ва адабиёти тараққиётига юон тили ва адабиёти кучли таъсир ўtkазган бўлса, V асрдан кейин, унинг

миллий адабиёт бўлиб шакланиши жараёнида славян халқлари, айниқса, рус, украин халқларининг тили ва адабиёти катта роль ўйнади.

Молдаван адабиётининг илк намуналари ҳам халқ оғзаки ижоди асарлари шаклида вужудга келди, фольклорга оид ажойиб ёдгорликлар узоқ асрлар давомида ёзма адабиётниминг, айниқса, ундаги демократик йўналишнинг тараққиёти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Молдаванлар яратган мавсум-маросим қўшиқлари, эртаклари билан славян халқлари фольклори мотив ва сюжетларининг ўхшашлиги бу халқларнинг узоқ замонлардан буён ўзаро яқин иқтисодий-маданий алоқада бўлганликларини тасдиқлайди.

Молдаванлар жуда бой халқ оғзаки ижодига эга. Мехнаткаш халқ яратган эртак ва қўшиқларда Фэт-Фрумос ва Иляна-Косьнязяна сингари тадбиркор, доно ва жисмонан соғлом қаҳрамонлар образи яратилган. Ҳикматли сўз ва мақолларда халқнинг қадимиҳ ҳаёт тажрибаси ва фалсафаси ўз аксини топган.

Молдаван фольклорига хос жанрлардан бири халқ балладалари, аникрофи, халқ достонлари бўлиб, уларда турли ижтимоий табакалар ҳаёти, халқ оммасининг ўз озодлиги учун кураши ёрқин акс эттирилган. Чўпонлар ҳаётига бағишланган “Миорица”, турк истилочилариға қарши курашчи, қасоскор гайдукларнинг мардлигини тасвирловчи “Паҳлавон Груя Гроздован”, “Груя ва Новак”, “Дончилла”, “Бужор” ҳамда гайдук Кордяну ҳақидаги балладалар халқ орасида жуда машҳурдир. Бу балладалар билан ўзбекларнинг “Алпомиш”, туркман ва озарбайжонларнинг “Тўрўғли” (“Кўрўғли”), қирғизларнинг “Манас”, қозоқларнинг “Қўбланди ботир” каби халқ достонлари ўртасида кўп ўхшаш мотивлар борлиги дикқатга сазовор.

IX-XI асрларга келиб ҳозирги Молдавия ерлари Киев Руси таркибиغا кирди. XII-XIII асрларда эса бу ерлар Киев-Волинский князлиги ихтиёрига ўтди. XIV асрда мустақил Молдавия князлиги ташкил топгач, славян тили черков, давлат тили ва адабий тил бўлиб қолди. Бу молдаванлар билан славян халқлари ўртасида моддий-маънавий яқинлик мавжудлигидан гувоҳлик берар эди. XIV-XVII асрларда славян тилида яратилган қадимги молдаван адабиёти диний мазмундаги адабиёт эди. “Авлиё ва жафокаш Иоанн Новий” номли биринчи диний оригинал асар ана шу адабиётнинг йирик вакили ва тарғиботчиси Григорий Цамлак томонидан ёзилган эди. Тарихий-бадиий адабиётнинг илк ёдгорликлари бўлган молдаван йилномалари ҳам шу аспрларда славян тилида яратилган. Ҳатто таржима асарларида ҳам славянларнинг таъсири сезила бошлади.

Бу даврда вужудга келган бир қанча йилномалардан молдаван, рус ва украин халқлари дўстлиги ҳамда ўзаро ҳамкорлиги ҳақида, Богдан Хмельницкий, Петр I ларнинг фаолиятига доир қимматли маълумотларни топиши мумкин.

XVII аср Дунай бўйи князликларида гуллаган ўрта аср адабиёти Уреке, Мирон Костин, Некулче каби забардаст йилномачилардан ташқари, Николай Милеску Спафарий ва Дмитрий Кантемирга ўхшаш дунёга машҳур донимшманд ёзувчиларни ҳам етиштиргди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Молдавияда француз маърифатпарварлари ҳамда А.Н.Радищев каби рус демократ ёзувчиларининг асарлари таржима қилинди. Бундан ташқари молдаванлар М.В.Ломоносов, Г.Р.Державин, И.А.Крилов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов асарларини она тилида ўқиши имкониятига эга бўлдилар.

XIX асрнинг 30-йилларида Молдавия мактабларида она тилида ўқитиладиган бўлди. Биринчи театр томошалари кўрсатилди. ”Румин болариси” номли газета нашр этила бошлади. Шоир ва ёзувчилар асарларидан парчалар эълон қилиб турган бу нашр молдаван адабиёти тараққиётида катта рол ўйнади.

40-60-йилларда ҳозирги замон молдаван тилиши шакллантириш учун кураш қизиб кетди. В.Александри, К.Негруци ва А.Руссо сингари прогрессив ёзувчилар турли реакцион оқимларга қақшатғич зарба бериб, она тилининг софлигини ҳимоя қилдилар. Уларнинг биринчиси, *Василе Александри* аввал Яссидаги, кейинчалик Парижда тиббиёт, математика ва хуқуқ фанларини ўрганган бўлса-да, ватанига қайтгач, кўпроқ адабиёт билан шуғулланди. У 1848 йил революциясида фаол қатнашди. Революция енгилгач, Фарбий Европа мамлакаларини кезиб чиқди, кўп маслакдошлари билан танишди. Унинг шу даврда яратган ”Молдавия билан ҳайрлашув”, ”Руминиянинг уйғониши” номли шеърларида ватанга муҳаббат ҳис-туйғулари ўзининг чуқур ифодасини топди. 60-йиллардан бошлаб у сиёсий курашдан четланиб, адабий-ижодий ишга берилиди. Унинг шеърияти ижтимоий ғоялар билан суғорилган халқ қўшиқларини эслатарди. Александри ҳажвий, тарихий драмалардан иборат 50 дан ортиқ саҳна асари ёзди. Улада замонаси хукмрон доираларининг ахлоқи, нодонлиги, фаросатсизлиги фош қилинар ҳамда ватанпарварлик ғоялари ташвиқ этиларди.

Рус революцион-демократлари анъаналарини давом эттирган ёзувчилардан *Б.Хашдеу* санъат халққа хизмат қилиши керак деган талабни кўтариб чиқди. У ўз истеъодини давлатмандлар пулига сотувчи ёзувчиларни қаттиқ қоралади. Хашдеунинг фикрича, мазмун ва шакл новатори, шериятни юқори поғонага кўтарган ҳақиқий ёзувчилардан бири *Михай Эминеску*дир.

Эминеску 1850 йил 15 январда Молдованинг Ботошан шаҳарчасида дунёга келди. У оиласдаги еттинчи фарзанд эди. Бошланғич таълимни Черновици шаҳрида ола бошлади, лекин камбағалчилик уни мактабни ташлаб уйига қайтишга мажбур қилди. 16 ёшида унинг шеъри мактаб тўпламди босилди. 17 ёшида сайёҳ артислар гуруҳига қўшилиб ишлай бошлади. Суфлерлик қилди, меҳмонхонада отбоқарлик қилди, Журжу портида юқ ташиди. Артистлар билан Молдова, Трансильвания, Буковина, Валахия шаҳарларини кезиб чиқди. Ва ниҳоят унинг ўқишини давом эттиришга имконият туғилгандай бўлди. 5 йил Вена ва Берлин университетларида фалсафа билан шуғулланди, адабиётни, Кант, Гегель, Шопенгауэр, Маркс Энгельс асарларини ўрганди, фалсафа доктори илмий даражаси ни олиш учун диссертация ёзди, лекин ҳимоя қилишга улгурмади. Ватанига қайтгач, Эминеску румин халқ шеърияти намуналарини йигишга киришди. Бу иш унинг бадиий ижодига ҳам сезиларли таъсир қилди. Ёзган шеърий асарларида фольклор мотивлари,

оҳанги, тузилиши, таркиби, ўзига хос хусусиятлари кўриниб турарди. “Кэлин” ёки “Пахлавон йигит”, “Лучафэр” поэмаларини эртак ўқигандай ўқийсиз. Эминескунинг таржималари ҳам асосан эртаклардан иборат. У Пушкиннинг барча эртаклари таржима қилди, лекин улар нашр қилинмай, қўл ёзмадалигича йўқолди. Шоирнинг яқин бир дўсти унинг мингта қўл ёзмаси босилмай қолди, деб маълумот берса, шоир ижодининг тадқиқотчилари унинг вафотидан кейин 15 минг варакдаги юзта шеър муаллиф ҳаётлигига Дунё юзини қўрмади дейди. Эминеску Пушкин эртакларидан ташқари унинг ”Хайкал”, ”Овидийга” шеърларини ҳам она тилига ўғирди. Асаллар тарихи ҳам Эминеску ҳаётига оҳангдош. Икала шеърда ҳам шоирларнинг фожиали тақдириҳақида сўз боради. Қора денгиз бўйларига сургун қилинган Қадимги Рим шоири Овидий Назон қачонлардир Эминеску юртида сарсон-саргардонликда шеълар ижод қилган. Бессарабияга сургун қилинган Пушкин ҳам Овидийнинг бу аччиқ тақдирини қаламга олган. Эминеску бу икки буюк шоир овозини эшитиб ўзи ҳам жўр бўлгиси келиб, Пушкин шеърини таржима қилади.

У ўз замонасининг ҳис-ҳаяжонини шеър билан ифодалай олди. Шеъриятнинг мавзусини бойитди, шаклини ихчамлаштириди. Унинг ижоди халқ ҳаёти ва тарихи билан чамбарчас боғланган, асалларнинг тили сода, услуби равон эди. Шоир ликасида жонажон ўлка тасвири билан пок севги тасвири ҳар доим бир-бирини тўлдириб туради. Турмуш қийинчиликлари, моддий етишмовчилик, касалмандлик шоирни синдириди. У 39 ёшида – 1889 йил 15 июнида вафот этди. Юртдоши шоир Михаил Садовянунинг айтишича, “шу қиска ҳаёти давомида Михай Эминеску шеърият санъатини ҳалигача, ундан кейин ҳеч ким эгалламаган чўққига олиб чиқди. Бу санъатни у янги ритм, янги қофия, янгича бадиий ифода воситалари билан бойитди. У оддий сўзларга ҳам янги мазмун ва ажойиб тасвирийлик, ҳиссиётларга – бетакрор теранлик, фикрларга – чексиз уфқ бахш этди”. “Шоирнинг жаҳон аҳамиятига эгалиги ҳам шунда эмасми?” – деб баҳолайди И.Л.Андроников Эминескунинг ”Лирика“ китобига ёзган сўз бошида

Истеъдодли адаби *И.Крянгэ* Эминеску бошлаган ишнинг изчил давомчиларидан бири эди. У адабиётда эртак устаси бўлиб танилди. Крянгэнинг бессараб, рус ва украин эртаклари сюжети асосида ёзилган эртакларида мавжуд ижтимоий тузумдаги тенгсизлик танқид қилинди.

Хозирги молдаван адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида илгор рус адабиёти, хусусан М. Горький ва В.Маяковскийлар ижоди кучли таъсир ўтказди. Молдаван ёзувчилари А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, А.М.Горький, В.В.Маяковский, П.Тичина каби сўз усталарининг асалларини молдаван тилига таржима қилиш жараёнида улардан бадиий маҳорат сирларини ўргандилар.

30-йиллар молдаван адабиётида шеърият билан бирга проза ва драматургиянинг жанрларининг ҳам равнақ топган даври бўлди. Бадиий прозанинг тараққиётида ёзувчилардан Д.Милев, Н.Марков, И.Каннларнинг ҳиссаси катта бўлди. Булар дастлабки ҳикоя, повесть ва романларида халқ ҳаётини ҳаққоний ёритишга интилдилар. Ижобий қаҳрамон образини яратиш

орқали улар ўз халқини маънавий-маданий идеаллар руҳида тарбиялашни асосий вазифа деб белгиладилар.

Молдаван драматургиясининг илк асарлари 30-йилларда турли шаҳар ва қишлоқларда ташкил топган ҳаваскорлар бадиий тўғараклари учун ёзилган бир пардали пьесалардан иборат эди. Кейинчалик театрлар репертуарини мазмундор оригинал пьесалар билан бойитиш мақсадида энг яхши саҳна асари учун танлов эълон қилинди. Натижада 5-6 йил ичида тарихий ва замонавий мавзуда бир неча пьесалар яратилди. Улар асосида янги спектакллар қўйила бошланди. Бу асарлар қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий инқилоб, одоб-ахлоқ, ватанпарварлик каби долзарб масалаларни ёритишга бағишлианди. Бундай асарларни саҳналаштириш ёш молдаван миллий театри санъатини тараққий эттиришда катта рол ўйнади.

Немис фашистлари томонидан уруш бошланганда молдаван ёзувчиларидан П.Крученюк, Ф.Пономарь, Л.Барскийлар қўлга қурол олиб душманга қарши жангга отландилар. Е.Буков, А.Лупан, Б.Истру каби сўз усталари ўзларининг ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғоялари билан суфорилган асарлари орқали ғалаба кунларини яқинлаштириш мақсадига хизмат қилдилар. Шу даврларда яратилган барча шеърий ва насрый асарларда жангчиларнинг матонати, партизанлар ҳаракати ва меҳнат фронти азаматларининг ҳаёти зўр ҳаяжон билан тасвирланди, уларда халқлар дўстлиги мавзуси тараннум этилди.

Публицистика соҳасида қалам тебратган Е.Буков ўзининг ”Нилдан Боннгача”, ”Бурдаланган Муссолини”, ”Қовоғи солиқ масхарабоз” каби фельетон ва мақолаларида халқаро фашизмнинг моҳиятини очиб ташлади.

Қизиқарли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган ва қардош миллий адабиётларнинг тажрибаларидан сабоқ олган молдаван адабиётида сўнгги 10-15 йил ичида эпик шеърият (поэма, шеърий роман ва баллада) анча тараққий этди. Шоирлар яратган достонлар тарихий мавзуларга ва ҳозирги замон воқеаларига бағишлиган бўлиб, уларда молдаван халқи ҳаётининг муҳим босқичлари, турли ижтимоий табақа вакилларининг жонли характеристери ўз аксини топди.

Молдаван шоирларининг катта ҳажмли шеърий асарлар яратиш тажрибаси уларнинг таржимонлик фаолияти билан узвий боғлиқ равища ортди. Рус ва қардош халқлар шоирлари асарларини таржима қилиш А.Лупан, Ем.Буков, Ю.Баржанский, А.Бусуёк ва И.Крецулар учун маҳорат мактаби бўлиб қолди. Бунинг ёрқин мисолини, айниқса, А.С.Пушкиннинг ”Евгений Онегин” шеърий романи, ”Мис чавандоз”, ”Полтава”, ”Лўлилар” достонларини муваффақиятли таржима қилган Ю.Баржанский ижодида кўриш мумкин.

Сўнгги йиллар молдован шеъриятида лирика жанрида ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммал асарлар яратила бошланди. Сиёсий лирика билан ёнма-ён ҳажвий шеърлар, масаллар ҳам пайдо бўлди. Бу шеърият МДХ халқлари адабиёти ичида илгор миллий адабиётлар шеърияти даражасига кўтарилиди. Молдаван насли ҳақида гап борганда И.Чобану, А.Шалар, М.Кахана, И.Друце, С.Шляху, Г.Баннару, В.Малеваларнинг ижодини қайд этиш лозим. Уларнинг роман ва повестлари молдаван бадиий прозасининг тематик доираси хийла кенгайгандигини, адабиёт майдони проза билан шуғулланувчи

истеъдодоли адиблар билан бойиганлигини кўрсатди. Муҳими шундаки, уларнинг салмоқдор асарларидан ҳар бир романнависнинг ўзига хос услуби ва воқеликни идрок этиш йўли сезилиб туради. Ўтмишда эзилган ва ўз озодлиги учун кураш олиб борган меҳнаткаш халқ, янги дунё қураётган оддий ишчи, колхозчи, деҳқон ва зиёли бу роман ва повестларнинг бош қаҳрамони бўлиб қолди.

Авваллари молдаван адабиёти ичидаги болалар адабиёти деган тушунча ҳам бўлмаган. Бу адабиётнинг мустақил жанр сифатида шаклланиши урушдан кейинги йилларга тўғри келди. 50-йилларга келиб кўпгина ҳикоялар тўпламларидан ташқари “Чин ўртоқ”, “Бизнинг хонадонда” (К. Кондри), “Янги Мегури пионерлари” (А. Шаларь), “Дўстлар йўлга чиқдилар” (Д. Ветров) сингари ўнлаб қиссалар нашр этилди.

Молдаван адибларининг бу роман, повест ва ҳикоялари молдаван прозасининг сўнгги йилларда катта тараққиёт йўлига чиқиб олганлигини, эндиликда унинг фақат Молдавиядагина эмас, балки МДХ халқлари адабиётининг барча ихлосмандларига манзур бўлаётганлигини кўрсатади. И. К. Чобану, И. Друце, А. Шалар, М. Кохана, А. Лупан, С. Шлаху, Л. Барскийлар қалами билан яратилган энг яхши повесть ва романларнинг дастлаб рус тилига, сўнг бошқа қардош тилларга таржима қилиниб, кўп нусхада нашр қилиниши фикримизнинг далили бўла олади.

Молдаван адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги ҳам адабиёт тараққиётидан четда қолмади. Қисқа вақт ичидаги молдаван классик ва ҳозирги замон ёзувчилари ижодига бағишлиланган бир қанча дарсликлар, ўкув қўлланмалар, монографиялар, очерклар яратилди, диссертациялар ҳимоя қилинди.

Дастлаб 1960 йилда Москвада, ундан кейинги йилларда МДХ таркибидаги барча республикаларда молдаван адабиёти ва санъати декадалари зўр муваффақият билан ўтди. Декадалар молдаван адабиётидаги ҳамма жанрларнинг, айниқса поэзия ва прозанинг кўпгина ғоявий-бадиий етук асарлари билан бойиганлигини кўрсатди. Бугунги кунда драматургия соҳасида ҳам туб бурилиш юз берди. Молдаван драматурглари яратган 50 дан ортиқ пьесанинг ярмидан кўпроғи Молдова Республикаси театрлари саҳналарида намойиш қилинганди. Ион Друце ва Конструантин Кондраларнинг пьесалари молдаван адабиётининг шуҳратини чет элларга ёйди.

Ҳозир Виктор Телеукнинг ўйчан, ўткир лирикаси, Павел Боцунинг мазмундор шеърлари, Анатолий Кондрунинг жозибадор шеърияти, Георгий Воденинг оптимистик рух билан сугорилган шеърий асарлари, Ион Ватаману ва Петри Кареренинг асарлари барча кўп тилларга таржима қилинган. Молдаван адабиётининг забардаст вакиллари юксак унвонлар билан тақдирланган: Емилиян Нестерович Буков – Меҳнат Қаҳрамони, Андрей Лупан “Йўллар” шеърий туркуми учун Давлат мукофоти совриндори бўлди.

ТОПШИРИҚ. М. Эминескунинг “Я иду за милой следом...” деб номланган шеърини таржима қилишга уриниб кўринг.

Я иду за милой следом
В темной чаще, глухомани.
Чуть приближусь к ненаглядной –
Прерывается даханье.
Еле выговорил слово,
Что огнем души согрето, –
Смотрит мимо дорогая,
Не давая мне ответа.

Подхожу к ней ближе, ближе,
Уговариваю нежно –
Озирается пугливо,
Отстраняется поспешно.

Изогнулась, вырываясь,
Чуть я обнял стан прелестный;
Жарких рук не размыкаю,
К сердцу привлекаю тесно.

То ль не рада, то ли рада
Мне на грудь она склониться.
Без конца целую губы
И смежонные ресницы.

Крепче к сердцу прижимаю,
Даже дух перехватило,
Отчего грустит, спросил я,
Неужели разлюбила?

И она мне отвечает,
Озарив сияньем глаз:
— Ты мне дорог бесконечно,
Только дерзок ты подчас. (1876)

4. ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ

Озарбайжон халқи Кавказ ва Кавказ ортида яшовчи халқлар (картвел, абхаз-адигей, нах-доғистон тиллари каби қарийб 40 та тилда сўзлашадилар) орасида қадимий маданият тарихи ва бой адабиётга эга бўлган халқлардан биридир (озарбайжон тили туркий тиллар оиласига киради). Унинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт шаклида яратилган энг қадимги намуналарида одамийлик, ҳакиқат ва адолат учун кураш, меҳнатга муҳаббат ва қардош халқларга хурмат сингари олижаноб туйғулар ўз ифодасини топган.

Турли-туман адабий жанрларда яратилган халқ ишқий-қаҳрамонлик достонлари, эртаклари, маросим ва муҳаббат қўшиқлари, шунингдек, халқ латифалари ва мақолларидан иборат фольклор асарлари турли тарихий даврларда яратилиб, оғиздан оғизга кўчиб, бизгача етиб келган. Булардан энг машҳурлари ”Китоби дада Кўркут” (бугун унинг ёзувчи Анор қаламига мансуб нусхаси ҳам бор) ва ”Кўр ўғли” эпослари, ”Ошиқ Ғарип”, ”Шоҳ Исмоил”, ”Асли ва Карам” ишқий достонлари, Малик Мамед ва Кал Аҳмад саргузаштларидан ҳикоя қилувчи кулгили эртаклар, инсоний муҳаббатни олқишлиовчи тўртлик баётлардир.

”Китоби дада Кўркут” эпоси тахминан VII-VIII асрларда, ҳали озарбайжон тилида ёзма адабиёт унча тарақкий этмаган бир шароитда, она тилида ижод этилган йирик бадиий асар сифатида катта аҳамиятга эга эди. Унинг 12 қиссасида ўғиз-туркий қабилаларининг ўз мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари тасвирланган. Ҳозирги кунда халқ достонлари сюjetи асосида яратилган бир неча мусиқали драмалар озарбайжон театри сахналарида муваффакият билан намойиш қилинмоқда.

Халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш ва ўрганиш ишлари Озарбайжонда VI асрлардан буён мунтазам равишда давом эттирилмоқда. Озарбайжон халқ оғзаки ижоди ва қадимий ёзма адабиёти билан Ўрта Осиёда яшовчи ўзбек, тоҷик, туркман, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг адабиёти ўртасида бир-бирига ўхшаш жуда кўп анъаналар мавжуд. Кейинчалик озарбайжон классик адабиёти ва ўзбек, тоҷик, туркман мумтоз адабиётларининг йирик вакиллари ижодида ҳам ўзаро алоқа ва таъсир турли-туман шаклларда давом этиб келди ва ҳозир ҳам давом этмоқда (бу ҳақда пастрокда гап боради).

Буюк шоиризиз Алишер Навоийнинг ўлмас ”Хамса”си (XV аср), тоҷик адиби ва мутаккири Абдураҳмон Жомийнинг ”Ҳафт авранг”и (XV аср) уларнинг буюк Низомий Ганжавий яратган ”Панж ғанж”дан баҳраманд

бўлганликлари туфайли юзага келгани сингари, буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг ўйноқи ғазаллари, бадиий юксак "Лайли ва Мажнун" достони Алишер Навоий ижоди таъсири остида яратилди. Ўзбек ва тожик адабиётининг асосчилари Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва С.Айнийлар ижодининг шаклланиши ва камол топишида озарбайжон адабиётининг йирик вакиллари М.Охундов, Ж.Мамадқулизода ва А.Собирларнинг илфор дунёқараши сезиларли даражада таъсир қилди.

Кавказ орти ва Ўрта Осиё халқлари адабиёти ўртасидаги ўзаро алоқа ва таъсир кейинги йилларда катта-кичик миллатларнинг қардошлиқ оиласида яшаётган бир шароитда янгича мазмун касб этмоқда, янги-янги шаклларга эга бўлмоқда.

Озарбайжон адабиёти тарихи мундарижасини биз ҳозирги Озарбайжон ва Эрон Озарбайжони худудида жуда қадим замонлардан бери яшаб ижод этиб келаётган озарбайжон халқининг бир бутун миллий адабиёти шаклида тасаввур қиласиз. Чунки бу адабиёт узоқ асрлар давомида Закавказъеда бирин-кетин ҳукмронлик қилган эрон шоҳлари, турк султонлари, араб ва мўғул истилочиларига қарши олиб борилган кураш жараёнида шаклланди ва ривожланди.

Озарбайжон мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналаридан озиқланиб ижод этаётган Эрон Озарбайжони шоирлари – Озар ўғли, Мадина Гулгун, Акима Биллурий, Али Туде, Фитрат ва бошқалар шеърияти, С.Вурғун таъбири билан айтганда, "том маънодаги қаҳрамонлик шеъриятидир". Чунки улар мамлакатда миллий ва ижтимоий зулм ҳукмрон бўлган оғир бир шароитда шеъриятни меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик кураши манфаатларига хизмат қилдирмоқдалар. Масалан, Озар ўғли ўзининг "Фаридун Иброҳимий" номли шеърида Фаридунни халқ фарзанди, халқ ва революция йўлида курбон бўлган курашчи сифатида тасвирлайди. У дорга осилаётганда ҳам озодлик ва революция душманларини фош қилади:

Айтинг, бўйин эгарми мард киши ёвга?
– Йўқ, йўқ! Кўркоқнинг иши – қилмоқлик тавба.
Мен жуда оз яшадим. Афсус, жуда оз,
Аммо ўқинмайман ҳеч – халқим сарфароз.
Жаллод! Кўрсат ҳунгаринг – Ажалдан зўрман!
Тика боқиб ўлимга, халқимни дерман.
Дорга оссанг, осавер, тушсам заминга,
Сакраб туриб барибир, юргум устингга!

Озарбайжонда VII-VIII асрларда араб тили, IX асрдан бошлаб эса форс тили расмий давлат тили хисобланганлиги туфайли ўнлаб озарбайжон шоирлари ўз асарларини араб ва форс тилларида ёзишган. Кейинчалик бу анъанани озарбайжон шоирларидан Хоқоний-Шервоний, Низомий Ганжавий, Муҳаммад Фузулий ва, қисман, ҳатто М.Ф.Охундовлар ҳам давом эттирганлар. Бу сўз санъаткорлари яратган асарлар, табиий, озарбайжон адабиёти маҳсулидир. Чунки турли тарихий шароитда яшаб қалам тебратган бу шоирлар

ижодида Озарбайжондаги турли ижтимоий табақаларнинг ҳаётини акс эттириш асосий ўрин тутган эди.

XII аср озарбайжон шеъриятининг гуллаб-яшнаши, шубхасиз, *Низомий Ганжавий* номи билан боғлиқ. У ўз давринингилғор ўқимишли кишиси, буюк даҳо ва мутафаккири сифатида адолатли, маърифатли подшоликка ишонди ва унга катта умид боғлади. Низомий ўз лирикаси ва хамсачиликка асос солган беш гениал достонида Шарқ шеърияти эришган ютуқларга якун ясади ва шеърият тараққиётида узок асрлар салмоқли рол ўйнаган янги анъанани бошлаб берди. Романтик достонларида пок инсоний севгини тарғиб этди, оддий дехқон ва ҳунарманднинг меҳнатини улуғлади.

“Хамса”нинг биринчи достони “Махзанул-асрор” ўз дидактикаси билан, “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Ҳафт пайкар” севги ҳақидаги фалсафаси билан, “Искандарнома” эса шоир дунёқарашига хос ижтимоий қарашлари билан жаҳон адабиёти тараққиётига кучли таъсир қилди.

Буюк шоир қалами билан сайқал топган Фарҳод, Ширин, Лайли ва Мажнун образлари ҳозирги кунда ҳам ўз бадиий етуклиги ва гуманистик йўналиши билан кишини ўзига мафтун этади.

Мұхаммад Фузулий ижоди озарбайжон шеъриятининг юқори чўққиси эди. Фузулий лирикасининг асосий мотивқ инсонга шодлик ва қувонч, ташвиш ва алам бағишлоғчи пок муҳаббатдир. Шоирнинг фикрича, севги кишиларга адолат учун олиб бориладиган курашда куч бағишлайди. Фузулий лирикасида ишқ-муҳаббат мавзуи кўпинча турли ижтимоий-фалсафий масалалар билан чамбарчас боғланган ҳолда талқин этилар экан, шоир золим ва фаросатсиз ҳукмдорларни қаттиқ танқид остига олади. Шоирнинг инсонпарварлиги унинг озарбайжон тилида яратган достони “Лайли ва Мажнун”да ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бу асарда Фузулий ўз устозлари Низомий ва Навоий ижодидаги энг яхши анъаналарни давом эттириб, пок инсоний севги, муҳаббатни олқишлиди.

XVI-XVII асрларда турк сultonларининг Озарбайжонга қилган хужуми натижасида мамлакат яна харобага айланди, ёзма адабиёт инқизозга юз тутди. Халқ оғзаки ижодида ватанпарвалиқ, халқлар дўстлиги ғояларини тарғиб қилувчи бир қанча қаҳрамонлик достонлари юзага келди. Бу асарларда озодлик ва мустақилликка интилиш, босқинчиларга қарши ғазаб ва нафрат мотивлари озарбайжон, арман ва грузин халқлари ўртасида дўстликка чорловчи куйларга ҳамоҳанг бўлди.

Видодий билан Вокиф XVIII аср халқ шеъриятининг энг яхши хусусиятларини ўз ижодига сингдирган атоқли озарбайжон шоирлари эдилар. Вокеликни ҳаққоний акс эттириш, халқ орзу-умидларига яқинлик ҳамда шеърни ниҳоятда сода ва халқчил услубда ёзиш бу икки дўст ва маслақдош шоир ижодининг фазилати эди. Ҳар иккала шоирнинг ҳам лирикаси халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан озиқланди. Меҳнаткаш оиласида туғилиб вояга етган, ўз ақл-идроқи туфайли, Навоий каби, вазирлик лавозимиға кўтарилган Мулло Паноҳ ўғли Вокиф давлат арбоби сифатида санъат ва адабиётни халқ манфаати учун хизмат қилдиришга уринди. У қўшни давлатлар ўртасида, айниқса, Россия билан дўстона алоқани қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида

жонбозлик кўрсатганлиги учун муҳолифлари уни коғирликда айблаб, таъқиб остига олдилар. У бошлаган шарафли иш – адабиётда реализмни шакллантириш ва янада мустаҳкамлашни Абулқосим Наботий, Шукухий ва Ошуқ каби шоирлар давом эттиридилар.

XIX аср бошларида Озарбайжон, Ўрта Осиёдан олдинроқ, Россияга қўшиб олинди, унинг мустамлақасига айланди. Халқ икки томонлама зулм ва қолоқлик гирдобида қолди. Шу даврдан юртда *марифатпарварлик* ҳаракати кучая бошлади. Бу ҳаракатнинг дастлабки вакиллари атоқли шоир ва олимлар Аббосқули Боқиҳонов, Мирзо Шафий Возеҳ ва Исломбек Куткашинскийлар бўлиб, улар адабиётга новелла, реалистик достон каби янги жанр элементларини олиб кирдилар. Шу билан бирга турмуш ҳодиса-воқеалари ҳақида кенг муҳокама юритиш, эркин фикрлаш ва халқнинг ночор аҳволига ташвишланиш кайфиятларини рӯёбга чиқара бошладилар.

М.Ф.Охундов XIX асрнинг буюк маърифатпарвари, драматурги ва мутафаккири ҳисобланади. Саводини эски мактабда чиқарган, бир неча тилни мукаммал эгаллаган, адабиётни чуқур билган. Тифлисдаги рус-татар билим юртида рус тили ва адабиётини зҳр ҳавас билан ўзлаштириди. Пушкинни севиб ўқиди. Рус революцион-демократларининг ижтимоий-сиёсий қараашлари билан қизиқди. Озарбайжон халқининг аянчли аҳволи унинг саводсизлигидан деган хulosага келиб, маърифат тарқатиш, меҳнаткашлар болаларини ўқитиш, уларни саводхон қилиш учун жон куйдирди. Араб алибосини лотин ёзуви асосида қайта тузиб чиқди. Охундов озарбайжон реалистик адабиётининг асосчиси сифатида танилди. У реалистик комедиялар яратиб, озарбайжон миллий театрининг шаклланиши учун замин ҳозирлади. Унинг ёзган комедиялари замонасининг ҳукмрон доиралари устидан чиқарилган айбномадай қабул қилинди. Охундов яратган драмалар билан Грибоедов асалари ўртасида маълум яқинлик мавжудлиги диққатга сазовор. Грибоедовнинг “Ақл достидан дод” комедиясидаги Чацкий образи Охундовнинг “Кимёгар Мулло Иброҳим Халил” асаридаги шоир Ҳожи Нурий образини эслатади.

Охундов рус поэзиясининг энг яхши анъаналарини Шарқ мумтоз шеъриятининг ажойиб анъаналари билан боғлаб ривожлантириди. У ўз шеърларида рус ва озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстликни тасвирлаган бўлса, 1837 йилда ёзилган “Шарқ поэмаси”да ”шеъриятнинг сўнмас қуёши” Пушкин образини яратди.

XIX аср охири, XX аср бошларида Нажафбек Везиров, Наримон Наримонов, Абдураҳимбек Ахвердов, Жалил Мамадқулизода, Алиакбар Собир каби ўнлаб истеъдодли адиблар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг барчаси Мамадқулизода муҳаррир бўлган ”Мулло Насриддин” ҳажвий журналининг фаол муаллифлари эдилар.

Ж.Мамадқулизода ўз даврининг ўткир ҳажвчи адиби сифатида Гоголга эргашди ва 30 йилдан кўпроқ вақт ичida жуда кўп ҳикоя, фельетон, повесть ва памфлетларни бостириб чиқарди. У яртганг сиёсий томондан ўткир ҳажвий асалланинг тифи ўзбошимча ҳукмдорларга қарши қаратилди. Унинг деярли ҳамма ҳикоялари ихчамлиги ва ғоявий ўткирлиги билан ажralиб туради. Ёзувчи уларда халқ ҳаётининг реалистик лавҳаларини чизади, турмуш воқеа-

ҳодисалари ҳақида кенг мuloҳаза юритади. Шунинг учун унинг ҳикоялари кенг китобхонлар оммасига тез тарқалди.

Алиакбар Собир ўз ижодини ғазал ёзишдан бошлади, аммо тезда истеъдодли ҳажвиётчи сифатина шуҳрат қрzonди. Унинг ижодида акс эттирилган реал воқелик, меҳнаткашларнинг аянчли аҳволи, озодликка интилиши, мустамлакачиларга қарши кураш каби долзарб масалалар шеъриятнинг таъсирчан чнги шаклини талаб қиласиди., Бу шаклини Собир анъанавий ғазал жанридан топди. Собир ижоди ҳаёт ҳақиқатини тўғри акс эттирувчи ойнага айланди. Унинг ҳажвияси эксплуататорларга нисбатан ғазабнафрат ҳисси билан тўлиб тошди. Чор ҳукуматининг халқлар ўртасида миллий адоватни кучайтиришдек босқинчилик сиёсатини фош қилувчи “Байналмилал” шеърини ёзишга журъат этди.

Ҳозирги Озарбайжон адабиётининг шаклланиши ва дастлабки ривожида Ж.Мамадқулизода, А.Ахвердов, Ж.Жабарли, Н.Везиров, Сулаймон Охундов, А.Шойик ва бошқалар ҳамда улардан кейин адабиёт майдонига кириб келиб вояга етган С.Вурғун, М.Хусейн, С.Рустам, М.Иброҳимов ва бошқаларнинг хизматлари катта бўлди.

М.Горький ва В.Маяковскийларнинг Закавказьега келиши ижод аҳлининг фаоллигини оширди, рус, арман ва грузин тилларидан ҳикоя ҳамда повестлар таржима қилиш иши йўлга қўйилди. Адабиётга янги-янги навқирон қучлар кириб кела бошлади. Ўз тараққиётининг дастлабки босқичида катта ҳажмдаги насрый асарлари (*романлар*) бўлмаган озарбайжон адабиёти рус ва жаҳон романчилигини таъсирида қисқа вақт ичida тарихий ва замонавий романнинг яхши намуналари билан бойиди.

Драматургия катта босқичга кўтарилди. Тарихий драманинг энг яхши намунаси ҳисобланган ”Воқиф” ўзининг кўп хусусиятлари билан Уйғун ва И.Султонларнинг “Навоий”, тожик драматурги С.Улуғзоданинг “Шоирнинг қисмати” асарларига яқин туради. Унда драматург XVIII асрда яшаб ижод этган буюк шоир ва давлат арбоби Мулла Паноҳ ўғли Воқифнинг ҳаёи йўлини, зулм ва жаҳолатга қарши олиб борган курашини акс эттириш орқали озарбайжон халқининг ўтмишдаги аянчли аҳволи ва озодлик учун олиб борган курашини тасвиirlаган.

Кейинги йиллар озарбайжон адабиётида Р.Ризо, Н.Хазри, И.Шихли, И.Қосимов, Анор, А.Айлисли, Мақсуд Ибрагимбеков ва бошқаларнинг насрый ва саҳна асарлари бу қардош адабиётга шуҳрат келтирди. Бу шоир ва ёзувчилар ижодий меҳнати давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Озарбайжон халқи билан Ўзбекистонда яшовчи халқлар ўртасидаги адабий-маданий алоқалар қадимий тарихга эга. Буюк Низомий ”Хамса”си ўзбек халқи орасида машҳур бўлганидек, Навоийнинг ғазал ва достонлари озарбайжон мадрасаларида ўқитилган. М.Ф.Охундов, А.Собир сингари демократ ёзувчиларнинг ижоди илғор ўзбек адабиётининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Ўз навбатида Ҳамза, Айний Ойбекларнинг драматургияси ва насрый асарлари озарбайжон драматургияси на романчилигининг ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Хамза озарбайжон театр, айниқса Ахвердиев, Наримонов драматургияси билан яқиндан таниш бўлган. Сидқи Рухулла бошлиқ озарбайжон театр труппаси Қўқонга келганда, Хамза бирорта ҳам спектаклни қолдирмай томоша қилган. Хамза тажрибали театр режиссери билан сұхбатларда ундан кўп нарсани ўрганди, ижодий озиқ олди.

Бокуда чиқадиган ”Мулла Насриддин”, “Дебистон” ва бошқа журналларда С.Айний, М.Сўфизода, А.Авлоний ва бошқа ўзбек маърифатпарварларининг мақола, шеър ва ҳажвий асарлари чиқиб турди. Масалан, С.Айний ”Мулла Насриддин”нинг 1910 йилги № 23 сонида ”Бухородан бир киши” тахаллуси билан ёзган мақоласида янги усулдаги мактабларнинг жорий этилишга қарши чиқаётган қолоқ кимсаларни амир ва бошқа амалдорларнинг малайлари деб қаттиқ танқид қиласди. Йирик давлат арбоби Ф.Хўжаев ”Таржимон”, ”Вақт”, ”Мулла Насриддин” журналларини Ўрта Осиё халқлари ўртасида илғор ғояларни шакллантириш ва ривожлантиришда хизматлари катта бўлган деб баҳо беради. Шунингдек, ўзбек тилида чиқадиган ”Туркистон волоятининг газети”, ”Садои Туркистон”, ”Садои Фарғона”, ”Ойна” газета-журналларида рус, озарбайжон, татар, турк адабиётидан таржималар, мақола, тақриз, театр ва адабиёт янгиликлари ҳақида ахборотлар босилиб турди. А.Авлонийнинг ”Адабиёт” китоби (1914)нинг биринчи қисмида Собир Тоҳирзоданинг ”Таржибанд”, ”Сўз” шеърлари, Воқифнинг мухаммаслари, хоразмлик шоир Табиийнинг Озарбайжондаги ”Фуузот” журналида босилган шеъри берилган.

Аваз Ўтар ўғли, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Сидқий (Ожизий), Сўфизодаларнинг 1905-1916 йилларда битилган илк шеърларида озарбайжон ва турк шеъриятининг таъсири бор. Озарбайжонлик қардошларнинг асарларини таржима қилишда Хамза, А.Авлоний, М.Уйғур, А.Қодирий, Хуршид, Ф.Юнус, Фитрат ва бошқалар фаол иштирок этдилар

Бокуда ҳарбий ўқув юртида таълим олган ўзбек шоири Шуҳратнинг ёзишича, у урушга кетаётиб С.Вурғуннинг китобини ўзи билан бирга олибю кетади. Урушнинг энг оғир кунларида ҳам бу китоб унга ҳамроҳ бўлган. Жароҳатланиб, хушидан кетиб қолган вақтларда ҳам, хушига келгач, китобни ппайпаслаб, қидирган. ”Самад Вурғун ҳудди тепамда тургандай ва мени яна Бокуда учрашажагимизни таъкидларди”, дейди.

Хаким Назир икки қардош халқ пахтакорларининг ўзаро учрашувлари ҳақида ”Севиль” номли очерклар тўпламини чиқарди. ”Мафтунингман, Озарбайжон!” номли очеркида шоир Боку, Мингечаур, Қорабоғ, Муғон, нефть конлари ва бошқа хушманзара жойларни тавсифлаб, Турсуной Охунова изидан бориб, машинада пахта терувчи 58 та озарбайжон қизини уюштирган Севиль Казиеванинг матонати ҳақида батафсил ёзган.

Озарбайжон шоири А. Кюрчайли Тошкентда Навоий номли опера ва балет театрида У.Хожибековнинг ”Кўр ўғли” операсини кўрганлиги, ўзбек театр мухлисларининг озарбайжон санъатига муҳаббати ҳақида ёза туриб, Озарбайжонда ҳам ўзбек адабиёти ва санъатига шундай муносабатда эканликларини эътироф этади:

Ахы орда Нðваи, Гафур Гулам, Мугими,
Севилир Низами тðк, севилир Вургун кими.
/ðмза/ðкимзадбнин одлу нðфмблбрини
□здирин нðфмбси тðк охујуруг □рбкðбн

ТОПШИРИК: 1. Эркин Воҳидовнинг қуидаги шеърини мазмун, услугуб, поэтик жиҳатдан таҳлил қилинг ва далилланган эссе ёзинг.

ФУЗУЛИЙ ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.

Денгиз, тўлқинларинг урма қирғоққа,
Шоир ўйларига бермагил халал.
Устоз юрагида шеър туғилмоқда,
Дунёга келмоқда бир муnis ғазал:

“Сабо ағёрдан пинҳон ғамим дилдора изҳор эт,
Хабарсиз ёрими ҳоли харобимдан хабардор эт,
Кўнгил, ҳам гунларин танҳо кечурма, иста бир ҳамдам,
Ажал хобиндин афғонлар чекиб Мажнунни бедор эт».

Япроқлар тебранар шеър мақомига,
Чечаклар жимгина эгиб турар бош.
Мармар сарҳовузнинг кумуш жомига
Шоир кўзларидан оқиб турар ёш.

Боку боғларига чўқмоқда оқшом,
Денгиз мавж уради товланиб зарҳал.
Шоир юрагидан тошганда илҳом,
Ёш билан қуилиб келади ғазал:

“Паришон ҳолинг ўлдим, сўрмадинг ҳоли паришоним.
Ғамингдан дарда туштим, қилмадинг тадбири дармоним,
На дерсан, рўзигорим бўйлами кечсун, гўзал жоним.
Гўзим, жоним, афандим, севдигим, давлатли султоним».

Ошиқлар ухлайди сахарга томон
Фузулий девонин бошига қўйиб.
Мажнун севгисидан ўқилса достон,
Булбуллар тинглайди бутоққа қўниб.

Халқым жондин севар дилбар күйларни,
Халқым шеъриятга шайдодир азал.
Нечун банд этмасин фикру ўйларни,
Нечун маҳв этмасин қалбларни ғазал?! –

“Муқаввас қошларингким, ўсма бирла ранг тутмишлар,
Қиличлардирки қонлар тўқмак ила занг тутмишлар.
Саҳар булбуллар афғони дагил бехуда гулшанда,
Фузулий нолай дилсўзина оҳанг тутмишлар”.

Ғазал ҳам бўлурму шунча дилрабо,
Бунчалар серишва, бунчалар серноз.
Менинг шоирлигим ёлғондир, аммо
*Фузулий шеърига ошиқлигим рост**.

Мажнундек беором бўлиб қолганим
Сарсари юргурган тўлқинлар айтсин,
Кечалар уйқусиз шеър ёд олганим
Тонги уфқдаги ёлқинлар айтсин.

“Шифои васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли шавқ-завқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Кўзу ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил.
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр”.

Еллар, бир дақиқа тўхтанг эсишдан,
Сернаво булбуллар, сайраманг бир оз.
Карбало даштида яёв кезишдан
Чарчаб тин олмоқда Фузулий устоз.

Денгиз, тўлқинларинг урма қирғокқа,
Шоир ўйларига бермагил халал.
Устоз юрагида шеър туғилмоқда,
Дунёга келмоқда янги бир ғазал.

* Бир неча йил муқаддам йирик адабиётшунос олим Ғайбуллоҳ ас-Салом Эркин Воҳидов ва бир неча рус шоирлари билан биргаликда Югославиянинг Струга шаҳрида ўтказилган XXVII анъанавий шеърият байрамида қатнашган эди. Ўша байрам кунларини эслаб буюк устозимиз ёзган эдилар: ”*Бизнинг Эркин Воҳид ўзининг улкан шоирлик иқтидоридан ташқари, ажсойиб қувваи ҳофизага, ўткир бадиҳавий қобилиятга эга...* У бир баркамол турк шоири билан кун бўйи, галма-галига Фузулий газалларини ёдаки ўқишига берилиб кетди. Мушионрага киришиган икки адаб, Фузулий даҳосидан завқланиб, бир-бирларини тўлдириб, баъзан эса тузатган ҳолда, буюк озарбайжон

шоурининг девонини бусбутун ёд ўқишиди” (Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эй умри азиз. – Тошкент: Шарқ. – 1997. – 132-б).

2. Қуидаги диалог кимнинг қайси асаридан олинган? Мазмуни ва услугига кўра у қайси драматургнинг асарини эслатади?

Хаджи Ибрагим. Милости просим. Давно к нам пожаловать изволили?
Шамданбек. Да уж несколько дней.

Хаджи Ибрагим. Я слышал, вы завтра уезжаете?

Шамданбек. Да, предполагаю уехать. Я тут несколько задержался – у губернатора дело было ко мне.

Хаджи Ибрагим. А вы знакомы с господином губернатором?

Шамданбек. Да, он мой хороший знакомый. Вчера на чай пригласил, так часов до одиннадцати отпускать не хотел, все никак не наговорится (хаджи Ибрагим бросает на Ниязбека торжествующий взгляд). Я потому и не уезжал, что на этих днях губернатор обед даёт. Ну, разумеется, просил, чтоб я был.

5. АРМАН АДАБИЁТИ

Арман халқи Закавказье, Туркия, Эрон, Ҳиндистон ва Америка мамлакатларида яшаб келади. Бу халқ ноёб қадимий, бой, ёзма ва оғзаки ижод намуналарига эга. Фольклор асарлари ичida эртак, қўшиқ ва термалар, эпик достонлар ва афсоналар, мақол ва бошқа хикматли сўзлар кўп учрайди.

Эртакларнинг қаҳрамонлари – киши умрини узайтирадиган олмалар,, учар отлар – тулпорлар, қўрқмас ака-ука ботирлар, фидокор меҳнаткашлар, адолатли ва золим подшолардир. Масалан, ”Азаран булбул” эртагида ёвуз кучлар томонидан топталган, таланганд бое ва гулзорлар баҳор тимсоли бўлган олов қушча қўшиғидан қайта кўкара бошлайди, гулга киради.

Арман халқ достонлари бошқа халқлар фольклори асарлари каби катта тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Буларнинг ичida энг машҳури – ”Сосунлик Довуд” достонидир. Унда VIII-X асрларда араб босқинчиларига қарши олиб борилган озодлик кураши зўр бадиий маҳорат билан қўйланган.

Эртак ва эпик асарлардан ташқари арман фольклорида маросим қўшиқлари ҳам анчагина. Уларнинг асосий мавзуси – чин севгини тараннум этиш, меҳнатни улуғлаш, жамиятдаги нуқсонларни ҳажв ўти билан куйдириш. Буларда баҳт излаб ватанини тарқ этган дарбадар ғарибларнинг қўшиқлари, порлоқ келажакка ишонч, некбинлик, душманга нафрат, ватанга муҳаббат ғоялари акс этган. Фольклор мавзу ва мотивларидан кўпчилик арман шоир ва ёзувчилари, жумладан, Х.Абовян,, П.Прошнян, Г.Агаян, А.Исаакян, О.Туманян каби бадиий сўз усталари ижодий фойдаланиб, ўзларининг оригинал, зўр асарларини яратдилар.

393 йили машҳур маърифатпарвар епископ Месроп Маштоц арман ёзувини ихтиро қилди. Бу оригинал ва таржима адабиётининг жадал суръатлар билан ривожланишига туртки берди. Диний-фалсафий ва черков шеърияти тараққий этди.

VII-IX асрларда араб истилоси шароитида дунёвий адабиёт батамом йўқолиб, ўрнини диний адабиёт эгаллади. 886 йилда Арманистон мустақилликка эришди. Шундан бошлаб санъат ва адабиётда чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган асарлар пайдо бўла бошлади. Бу, айниқса, Григор Нарекаци ижодида (унинг "Қўшиқлар", "Фожиалар китоби"да) яққол кўзга ташланди.

XI асрда Арманистон яна мустақиллигини йўқотди: энди у Византияга қарам бўлиб қолди. Кўп ўтмай салжуқийлар (турк-оғуз султонлари) бостириб кирдилар. XII асрга келиб, Грузия ёрдамида яна мустақилликни қўлга киритди. Яна дунёвий адабиёт ривож топа бошлади. Масалчи Мхитар Гош асарларида феодал тарқоқликни қоралаб, марказлашган давлат тузишга чақирди.

XIII аср арман адабиёти тарихида реакцион ва прогрессив йўналишлар вакиллари ўртасида кураш кескинлашди. Гуманистик адабиёт намояндадари Фрик ва Константин Ерзинкаци пантеистик (суфиёна) руҳдаги ишқий лирик шеърларни ёздилар. Вардан Айгекци халқ латифаларидан фойдаланиб ёзган масалларида феодаллар ва черковга қарши чиқди, реалистк ҳажвчиликни ривожлантириди.

XIV-XVIII асрларда дунёвий адабиёт изчил ривожлана борди. Бу даврнинг энг машҳур шоири Саят Нова арман, грузин, озарбайжон тилларида ёзган асарларида халқлар дўстлиги ва ватангча муҳаббат ғояларини тараннум этди.

XIX аср бошларида Арманистон ҳам Грузия ва Озарбайжон (кейинчалик Ўрта Осий мамлакатлари) га ўхшаб Россияга қўшиб олинди. Энди бу ерда Россиянинг таъсири сезила бошлади. Рус революцион-демократик ғоялар кириб келди. А.С.Пушкин даври рус адабиёти таъсирида вояга етган буюк маърифатпарвар-демократ шоир X.Абовян янги арман адабиётига асос солди. Ўзининг "Армания яралари" деб номланган биринча арман романини янги (ашҳарабар) арман тилида ёзди.

50-60-йилларда тараққийпарвар йўналишдаги арман матбуотининг фаолияти кучайди. Москвада нашр этиладиган "Юсисапайл" ("Шимол ёғдуси") журнали атрофига кўп истеъдодли ижодкорлар уюшди. Уларнинг орасида таниқли шоир ва олим Микаэл Налбандян алоҳида ажralиб туради. Налбандяннинг баракали адабий-илмий ижоди инқилобий демократик руҳ билан суғорилган эди. Бунга унинг А.И.Герцен ва Н.Огаревлар билан дўстона алоқада бўлиши ҳамда рус революцион-демократлари асарларини мутолаа қилиб, улардан илҳомланиб ижод қилиши сабаб бўлган эди. Чор хукумати Налбандянни унинг революцион фаолияти учун зинданга ташлади.

Арман адабиётининг йирик вакили саналган О.Туманян рус ва Дуне адабиёти классиклари нинг ижоди билан қизиқди. Пушкин, Жорж Байрон, В.Шекспир асарларидан таржималар қилди. Уларга эргашиб ўзи ҳам "Артавазд II", "Шоҳ Ованес" номли тарихий драмаларини ёзишга киришди. X.Абовян, М.Налбандян анъаналарини изчиллик билан давом эттирди, халқ оғзаки ижоди мотивларидан баракали фойдаланди

60-йилларда Арманистонда реалистик драматургия тараққий этди. Унинг йирик намояндаси бую карман драматурги Габриэль Сундуқян эди.

А.С.Грибоедов, Н.В.Гоголь ва А.Н.Островскийлар номи билан боғлиқ бўлган рус классик драматургияси анъаналари асосида тарбияланган Г.Сундуқян ўзининг ”Пепо”, ”Бузилган уй”, ”Яна бир қурбон”, ”Хатабала” номли саҳна асарларида буржуазия муҳитидаги жиддий ижтимоий зиддиятларнинг драматик тасвирини яратди, арман буржуазиясининг чирик ахлоқи ва ярамас урфодатларини аёвсиз фош этди.

Г.Сундуқяннинг замондоши А.Пароян реалистик проза ва драматургиянинг ғарбий арман адабиётидаги йирик арбоби эди. У кўпроқ ҳажвчи ёзувчи сифатида қалам тебратди. Унинг ҳажвий асарларида феодал тартиблар ҳукм сурган Туркиядаги аҳвол ҳаққоний ёритилди. Унинг ”Мұътабар тиланчилар”, ”Асос эсадаликлари” каби қиссаларида буржуа жамиятидаги ҳукмрон доиралар – бойлар, амалдорлар, юлғуч савдогарлар масхара қилинди, ”олий” табака оиласининг мустаҳкам эмаслиги, ноҳақликнинг ҳукмронлиги танқид остига олинди.

70-80-йилларда арман романчилигининг вакиллари Церенц ва Раффи рус-турк уруши даври, революцион-озодлик ҳаракати, турк султонлари зулмидан қутилиш учун қуролли қўзғолоннинг зарурлиги каби масалаларни ўзларининг тарихий романларида ёритиб бердилар.

80-90-йилларда арман адабиётининг етакчи йўналиши танқидий реализм бўлиб қолди. Носи рва драматург Шервонзода ”Хаос”, ”Вардан Аргумян” каби қисса ва романларида савдогарлар, саноатчи бойлар, амалдорлар, руҳонийлар, ишчилар образларини яратди. Унинг арман халқи ҳаёти тарихи ҳаққоний ёритилган ажойиб саҳна асарлари кўп тилларга таржима қилинди. Бир неча йиллар давомида Шервонзоданинг ”Номус” драмаси Тошкентдаги Ҳамза номидаги театр саҳнасида зўр муваффақият билан кўрсатилмоқда.

XX аср бошларида Ереванда ”Мурч” (“Болға”) номли ойлик журнал чиқа бошлади. Унинг атрофида уюшган А.Исаакян, О.Туманян, Акоп Акопян, Дерепин Демирчянлар арман демократик адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, О.Туманян ўзининг тўртликлари, достон, масал, эртакларида классик адабиёт анъаналарини давом эттириди. ”Ануш”, ”Эски кураш” ва ”Сосунлик Довуд” сюжети асосида ёзилган достонларини кўрсатиш мумкин (Қиёс учун: Азорнинг ”Қўрқуд китоби”, С.Липкиннинг ”Манас Великодушный” асарлари). Шу даврларда Ғарбий Арманистон адабиётига Ғарбий Европа символистларининг таъсири сезилди. Лекин маҳаллий символистлар М.Мецаренс, Д.Варужан, Р.Севан ва бошқалар арман классик адабиёти анъаналаридан ҳам воз кечмадидар. Уларнинг асарларида халқ миллий озодлик кураши ғояларини тараннум қилиш катта ўрин эгаллади.

20-йилларда ташкил топган турли адабий гуруҳлар, жумладан ”Учлар гуруҳи”, ”Мурч” ва ”Арман пролетар ёзувчилари уюшмаси” кабилар замирида 1929 йилда Арман совет ёзувчилари федерацияси тузилиб, у ҳамма ёзувчиларни бир ташкилот атрофига уюштириди. Бу ташкилий жараёнда ”Норк”, ”Мурч”, ”Нор Акос”, ”Грихан диркерум”га ўхшаш газета ва журналлар ва адабий танқид муҳим роль ўйнади.

Арман адиллари ўз асарларида қайси бир мавзуга мурожаат қиласынлар (янги инсонни тарбиялаш учун кураш, Хотин-қызылар озодлиги, меңнатда ўз қадр-қимматини топа билиш каби), воқеликни түғри акс эттириш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга уриндилар.

Арман насли билан бирга драматургия ҳам ривожланиб борди. Унинг энг яхши намуналарини яратган А.Шервонзода (“Морганнинг отахони”), Д.Демирчян (“Довюрак Назар”), Л.Сагателян (“Бир парча ер учун”), С.Багдасарян (“Конли сахро”) комедияларида ўткир сиёсий проблемалар кўтариб чиқилди. Халқ оғзаки ижоди материалларидан кенг фойдаланиш саҳна асарларининг узок вақт саҳнадан тушмаслиги учун сабаб бўлиши исбот этилди.

30-йиллар арман адабиёти ҳамма адабий жанрларда республика ва унинг халқи ҳаётида юз бераётган туб ижтимоий ўзгаришларни ҳамда арман халқининг машаққатли ва қаҳрамонона ўтмишини акс эттирувчи салмлқдор асарларининг яратилиши билан ўтган даврлардаги адабиётдан фарқ қиласи. Масалан, ”Олтмишинчи горизонтал” (В.Алазан), ”Ацаван” (Н.Зарян) романларида Арманистоннинг шаҳар ва қишлоқларидаги янги кишиларнинг ахлоқи, меңнатга янгича муносабати, синфий кураш, севги, оиласиий муносабатлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Бу романлар билан М.Шолоховнинг ”Очилган қўриқ”, А.Қаҳҳорнинг ”Қўшчинор чироқлари”, тожик прозаиги Жалол Икромийнинг ”Шоди” асарларидаги мавзу ва ғоявий мазмун ўхшашлигини қайд этиш мумкин.

30-йилларнинг охирида ”Сосунлик Довуд” халқ қаҳрамонлик достонининг 1000 йиллигини ношонлаш муносабати билан арман халқининг ўтмиш маданий меросига қизиқиш кучайди. Бу улкан достон ҳақида қўп илмий текшириш ишлари ёзилди, асарни нг ўзи кўп қардош халқлар тилларига таржима қилинди.

Фашизмга қарши кураш йилларида арман адабиётининг янги саҳифаси очилди. 40 дан ортиқ арман адиллари қўлга қурол олиб, жангга кирдилар. Қолганлари фронт ва фронт ортида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлик ва ватанпарварликни куйладилар, душманнинг ёвулиги ва босқинчилигини аёвсиз фош этдилар. Жанг йилларида арман шоирларининг инсонпарварлик ва байналмиллик ғояларини тарғиб этувчи қўшиқлари ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янгради, халқларни фашизмга қарши курашга чорлади, ғалабага ишонч руҳида тарбиялади. А.Исаакяннинг ”Жанговар чақириқ”, Н.Заряннинг ”Ватан овози” достонлари, С.Сарьяннинг ”Ўлим кемаси” асари, шунингдек иккинчи авлод шоирларидан С.Вауни, А.Граши, С.Капутикян, Р.Ованесян, Г.Эмин, Г.БЮоряннинг гуманистик-қаҳрамонлик лирикаси жанг йиллари арман гражданлик шеъриятининг энг яхши намуналариdir.

Сўнгги йиллар насрининг асосий улушини романчилик ташкил этди: жанг мавзуи кенг кўламда ёритилган йирик бадиий асарлар вужудга келди. Р.Кочарнинг ”Катта хонадон болалари”, М.Арменнинг ”Ясва”, А.Сираснинг ”Аарат”, В.Алазаннинг ”Шимол юлдузи” романлари билан бир қаторда чет эл халқлари ҳаёти ва кураши тасвирига бағишиланган ”Техрон” (Г.Севунц), ”Сахрода”, ”Мағлубият” (С.Алжанян) номли романлар шулар жумласидандир.

Бу асарлар Арманистон миқёсидагина эмас, балки бошқа юртларда ҳам бу адабиётнинг шухратини ошириди.

Арман прозасида тарихий мавзу замонавий мавзу билан боғланиб кетди. Роман, қисса, ҳикоя ва очеркларда ишчилар, дехқонлар, зиёлилар ҳаёти ва уларнинг онги, юриш-туриши, хулқи-атворида юз бераётган ўзгаришлар акс этди. Адибларнинг ўзлари ҳам шакл ва мазмунда оригиналлик, ўзига хослик излашга, арман классик адабиёти ва қардош халқлар адабиёти ютуқларидан ижодий фойдаланишга жиддий ҳаракат қилдилар. Булар қаторида Г.Эмин, С.Капутикян, Р.Ованесян, В.Давтян, Г.Тер-Григорян ва бошқалар алоҳила ўрин эгаллайди. С.Капутикян ва Г.Эмин охирги йиллардаги шеърий тўпламлари учун юксак Давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Сўнгги йилларда миллий адабиётлар ўртасида ҳамкорлик кучайди, маданий алоқалар кенгая борди. Ўзаро адабиёт ва санъат декадалари ва ҳафталиклари ўтказилди. Ўзбек ва арман адабиётлари ўртасидаги қадимий дўстлик ва маданий алоқалар мустаҳкамланди. Арманистонда Алишер Навоийнинг ”Фарҳод ва Ширин” достони М.Корюн таржимасида Чоп этилди. Ҳамза, А.Қаххор, Ф.Ғулом, Уйғун, К.Яшин, Ш.Рашидов, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Ориповларнинг асарлари кенг ёйилди. У ерда ”Ўзбекистон шоирлари”, ”Ўзбек ҳикоялари”, ”Ўзбек пьесалари” тўпламлари, Ш.Рашидовнинг ”Бўрондан кучли” романи, А.Қаххорнинг ”Синчалак” қиссаси, Ҳ.Ғуломнинг ”Шеърлар”, Зулфиянинг ”Лирика” китоблари, ”Кичкинтой дўстлар” мажмуалари босилиб чиқди. Бизнинг республикамиизда О.Туманяннинг ”Ануш” достони, Е.Чаренцнинг ”Чаренцдан салом” китоби, Н.Заряннинг ”Ацаван” романи, Г.Севунцнинг икки жилдли ”Техрон” эпопеяси, С.Капутикяннинг ”Шеърлар” тўпламлари ўзбек тилида босилиб чиқди. ”Сосунлик Довуд” эпоси М.Шайхзода ва Ҳ.Ғулом таржимасида чоп этилди.

Қадимий анъаналарга бой арман адабиёти ҳозирги кунда жаҳон адабиётининг таркибий қисми сифатида жадал скръатлар билан ривожланиб бормоқда.

ТОПШИРИҚ. Қуйидаги шеърларни лингвоуслуб жиҳатидан таҳлил қилинг.

Ованес Туманян

Арманнинг қайғуси

Арманнинг қайғуси тубсиз ва чексиз,
Худди денгиз каби бепоён,
Лойқа тўлқинланиб турган бу денгиз
Қаҳрида мен ҳасратда ҳамон.

Аламзада бўлиб баъзида бу жон
Ўзин ураг сароб – қирғоққа.
Баъсан сув тубига шўнғийди нимжон,

Туролмасдан у тик оёққа.

На у қирғоқ топар, на денгиз тубин,
Үзидан ҳам ҳаттоқи безор.
Арманга бу жақон тордир бус-бутун,
Жон қийналур noctor, бекарор.

1903.

Эркин Вохидов

Азгануш

Арман қизига

Күрдиму лол бўлди ақлим, ўнгмиди бу ёки туш,
Бўлса ҳам ўнг ё сени кўргач, бошимдан учди хуш.
Сен баланд тоғ узра эрдинг мисли оҳу ёки қуш,
Ёлвориб мен пастда дердим: бир нафас ёнимга туш.
Азгануш, ҳой, Азганушим, Азганушжон, Азгануш.

Сен хаёлинг бир дамилик жилвасиму чинмидинг,
Ё ғазалларда битилган ”ул париваш” сенмидинг.
Орази гул, сочи сунбул, бир тани сийминмидинг,
Балки Ширин Ширин эмас, сен ўзинг Ширинмидин?
Азганушим, Азганушжон, Азгануш, ҳой Азгануш.

Ўсма қўйдингму қошингга, бунчалар тим қорадир,
Билмадим, бу қошларингдан қанча диллар порадир,
Рахм қилғил битта ўзбек шунчалар ёлворадир,
Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдан борадир.
Азганушжон, Азгануш, ҳой, Азганушим, Азгануш.

Боқ, бу тоғлар ортида бир шлка бордир қўп йироқ,
Мен қанотли йўлчига бу бир нафаслик йўл бироқ,
Юр, париваш, мен билан юр, борми сенда ишиёқ?
Гул тутарман сенга сўлмас ул чамандан бир қучоқ,
Азганушим, Азганушжон, Азгануш, ҳой, Азгануш.

1962, Ереван.

6. ГРУЗИН АДАБИЁТИ

Грузин адабиёти арман адабиёти сингари қадимий тарихга эга бўлиб, у милодий асрдан минг йиллар даврларга бориб тақалади. Бироқ қадимий

ёзма адабиёт ва оғзаки ижод намуналари бизгача етиб келган эмас. Улар IV аср бошларида христиан черкови ва мамлакатни кўп асрлар давомида талаб келган чет эл босқинчилари томонидан йўқ қилиб ташланган.

Грузинларда ёзув ҳам қадимдан мавжуд. XI асргача улар хуцури (черков ёзуви) деб аталадиган, XI асрдан бошлаб мхедрули (фуқаро ёзуви) номли ёзувлар билан иш юритганлар. Ҳозирги грузин ёзуви ана шу мхедрулининг бирмунча ихчамлаштирилган туридир.

Грузин халқи, Закавказъедаги бошқа халқлар сингари, кўп асрлар давомида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши кураш олиб борди. Грузин адабиётининг тараққиёт тарихи меҳнаткаш халқнинг озодлик кураши тарихи билан боғлиқ эди. У халқ фарзандларининг қаҳрамонлигини улуғлаб, уларни ватанпарвалик руҳида тарбиялади. Илфор грузин адабиётидаги ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари грузин халқ шеъриятининг табиатига сингибиу кетган эди. Грузин адабиётининг кўп асрлик тарихи давомида бу ғоялар Яна ҳам чуқурроқ томир отди.

Грузин халқ оғзаки ижоди қўшиқ, афсона, эртак, қаҳрамонлик достонлари, баллада, мақол ва топишмоқларга жуда бой. Қадимги юонон тарихчиси Ксенофонтнинг айтишича, грузинларда милоддан олдинги IV асрларда ёқ аскарлар қўшиқларни хор шаклида ижро этганлар. Аполлон Родосский грузинларда Прометейнинг муқобили Амирани бўлганлигини эслатиб ўтади. Дарҳақиқат, грузин фольклорида Кавказ тоғларига боғланиб банди қилинган Амирани тўғрисида ҳикоя қилувчи достоннинг бир неча вариантлари бор. Ўрта асрларда яратилган грузин халқ оғзаки ижоди асарлари орасида ”Этериани” достони ажralиб туради. Унда шахзода Абессаломнинг Этери исмли чўпон қизга бўлган мухаббати, уларнинг Мурман девга қарши курашлари ҳикоя қилинган.

Грузин ёзма адабиёти ўзининг илк босқичида (XI асрга қадар) кўпроқ диний характерда бўлиб, бу грузин қабилаларининг ижтимоий моҳияти билан боғлиқ эди. Шарқ ва Фарбдан ҳужум қилиб келувчи душманларга (сосонийлар, халифалар, салжуқийлар) қарши курашни уюштирувчи куч грузин черкови эди. Шунинг учун мамлакатдаги етакчи маданий кучга айланган христиан черкови тарихий ҳаётнинг маълум босқичида грузин ёзма адабиётига кучли таъсир кўрсатди.

Грузин диний-черков адабиётининг қадимги намуналари кўпроқ таржима асарларидан иборат эди. Лекин тез орада христиан черкови манфаатини кўзловчи оригинал адабиёт ҳам вужудга келади. Бу тарихий адабиёт черковнинг диний ташвиқотчилик мақсадларига хизмат қилса-да, унинг тарихий ва бадиий адабиёт элементлари ҳам мавжуд эди. Унинг энг яхши намуналари сифатида V асрда ёзилган ”Жабрдийда Шушаники”, VI аср бошларида яратилган ”Жабрдийда Евстафия Мцхетели”, VIII аср мутафаккири томонидан бунёд этилган ”Жабрдийда Або Тбилели”, ”Нина Каппадокийскаянинг ҳаёти” (IX аср), ”Григорий Хандзтелининг ҳаёти” номли асарларни кўрсатиш мумкин.

Христиан дини ҳукмрон бўлган давларда ҳам грузин халқ шеърияти янги-янги мотивлар билан бойиб борди. Ёзма адабиёт билан оғзаки адабиёт

ўртасида ўзаро алоқа ва таъсир кучайди. Чунончи, черков адабиётининг йирик вакиллари Иоанн-Зосим ва Филипп халқ шеъриятининг вазнларидан фойдаландилар. XI-XII асрларда адабиёт черковдан тамомила ажралгач, ҳукмрон доиралар мафкурасининг ифодаси бўлган дунёвий адабиёт тобора ривожлана бошлади.

Грузин халқининг чет эл босқинчиларига қарши, бир бутун кучли мустақил давлат учун олиб борган кураши муваффақиятли якунланди. Грузия халқаро миқёсда катта рол ўйнай бошлади. Мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий ҳаёти юксала бошлади. Қишлоқ хўжалиги жонланди, савдо-сотик тараққий этди; ҳар хил иншоотлар, янги-янги шаҳар, қишлоқлар қурилди, адабиёт ва санъат равнақ топа бошлади. Кейинчалик грузин халқининг гениал шоири Шота Руставели ижодида ёрқин ифодаланган гуманистик ғоялар куртак ота бошлади.

XI-XII асрларда Грузиянинг қўшни мамлакатлар билан алоқаси яхшиланди. Қадимги юонон файласуфлари ва шоирларининг, жумладан буюк Гомернинг асарлари грузин тилига, грузин адибларининг асарлари озарбайжон, форс-тожик тилларига таржима қилинди. Грузин китобхонларининг ”Шоҳнома” ва ”Хамса” билан танишуви катта аҳамиятга эга бўлганидек, грузин ёзувчилари ижодининг қардош халқ шоирлари ижодига, жумладан озарбайжон шоирлари Низомий ва Ҳоқонийлар ижодига таъсири яққол сезилди.

Шундай қилиб, XII аср – грузин адабиёти тарихига классик грузин адабиётининг яратилиш даври бўлиб кирди. Бироқ бу даврнинг юксак маданий мероси мўғуллар истилоси натижасида ер билан яксон қилиниб, унинг оз қисмигина бизгача айrim фрагментлар шаклида етиб келган, холос. ”Амирсан-Даражониани” ва ”Висрамиани” қиссалари, шунингдек, Ш.Руставелининг ”Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони шулар жумласидандир. Бу достон ўрта аср адабиётининг кўп асарларидан ўзининг дорматизм, схоластика ва диний фанатизмдан холи эканлиги билан фарқ қиласиди. Достон сода ва халққа тушунарли тил билан ёзилган. Ш.Руставели бу асари билан Европада уйғониш даврида ижод қилган мутафаккир шоирлардан ўзиб кетиб, чинакам инсоний ишқ-муҳаббат, гуманизм, мардлик ва қаҳрамонлик туйгуларининг куйчиси сифатида танилди. Достоннинг Тариэл, Автандил, Фариудун (мардлик ва қаҳрамонлик тимсоли), Нестон-Даражон (оқила ва мард аёл образи) каби қаҳрамонлари ватан олдидаги бурчни, унинг баҳт-саодатини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Шу билан бирга халқлар дўстлиги ғоялари уларнинг сиймосида мужассамлашгандир. ”Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони дунй адабиётининг ноёб дурдоналаридандир. У грузин адабиётининг XII асрдан кейинги тараққиётiga баракали таъсир қўрсатди. Бугунги кунда грузин халқининг ажойиб анъанаси бор: совчиликка келган қуда-андаларнинг дастурхонига албатта шу достонни совға сифатида қўшиб қўядилар. Нақадар улуғвор одат!

Ш.Руставелининг буюк хизмати шундаки, у, биринчидан, Ўрта аср феодализми шароитида кучли адолатли монархияни ҳимоя қилиб чиқди. Иккинчидан, ватанини чет эл босқинчиларидан озод қилиш учун кураш ғоясини

илгари сурди. Учинчидан, турли миллат халқларининг дўстлиги, биродарлигини тасвирлаб халқлар дўстлиги ғоясини тараннум этди.

XV асрда мўғул босқинчилари ўрнини эронли ва усмонли турк истилочилари эгаллаб, бир неча асрлар давомида ҳукмронлик қилиб келдилар. Шундай оғир пайтда рус ва грузин халқлари ўртасида дўстлик дивожлана бошлади. Иван Грозний ва Борис Годунов даврида Грузия билан Москва ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди. Бундан ғазабланган қўшни Эрон шоҳи Аббос Грузияга бостириб кириб, халқ бошига қирғин келтирди, минглаб хонадонларни хайдаб. Эрон ичкарисига кўчириб кетди. Грузия Россияга қўшиб олинганидан кейингина халқ, қирғиндан халос бўлиб, осойишта яшай бошлади. Халқ миллий адабиёт ва маданият тараққиёти учун курашни давом эттириди. Бу даврда кўпгина истеъдодли шоир, мутафаккир ва олимлар етишиб чиқдилар.

Уйгониш даври, яъни XVI-XVIII асрларда Грузияда Шота Руставелининг адабий мероси учун кураш қучайди. Ижтимоий онгнинг илфор вакиллари Руставелини ўз байроқлари эълон қилиб, ундан ўрганишга чақирсалар, черков-дин аҳллари, аксинча, уни ”кофир”ликда айбладилар. Бундан ташқари, ўша давр адабий ҳаётида Шарқ (форс) шеърияти таъсиридан қутулиш ва халқчил грузин адабиёти учун кураш ҳам қизиган эди. Шоҳ Таймураз I форс адабиёти таъсирини ўз ижодида намойиш қилиб, “Юсуф ва Зулайхо” (“Иосебзилиханиани”), “Лайли ва Мажнун” (“Лейлмежнуниани”); “Булбул ва Гул” (“Вардбулбулиани”), “Шам ва Парвона” (“Шампарвариани”) достонларини грузин тилида қайта ишлаган бўлса, шоир Арчил, бунинг аксича, грузин адабиётида миллий-ватанпарварлик йўналишининг асосчиси сифатида Россия билан дўстолна алоқада бўлишни тарғиб қилган эди.

Арчилнинг хизмати шунда эдики, у ”Таймураз ва Руставелининг баҳси” номли дидактик достонида бадиий тасвирнинг реалистик методини, миллий тематика ва адабий тилнинг соғлигини ҳимоя қилиб чиқди.

Қадимги грузин адабиётининг йирик впакилларидан яна Вахтанг VI, Сулхан Саба Орбелиани, Давид Гурамишвили, Мамука Бараташвили, Таймураз II, Бесики ва Саят Новаларни кўрсатиш мумкин. Бу адиблар ўз ижодлари билан Таймураз I ва Арчил ўртасидаги баҳсни давом эттириб, грузин адабиёти тараққиётiga маълум ҳисса қўшдилар.

XVII-XVIII асрларда Грузия ошуғлик шеърияти кенг қулоч ёйди. Саят Нова ана шу поэзиянинг вакилларидан эди.

Саят Нова дехқончилик билан шуғулланувчи камбағал дехқон оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ, ўзи тўқиган шеърларини ўзи куйга солиб, озарбайжон, арман ва грузин тилларида ижро этарди. Саят Нова бирмунча вақт Ираклий II саройида сарой шоири ва созандаси бўлиб турди. Бироқ Сарой аҳлининг фисқ-фужури натижасижа тухматга йўлиқиб, 1765 йилда подшо даргоҳидан қувилди. Бу ҳодиса шоир ижодида кучли из қолдирди. У ўз шеърларида ҳасадгўй, иғвогар айрим зотларни “захар сочиб яшовчи қурт”га ўхшатган эди.

Саят Нова саройдан қувилганидан сўнг яратган қатор шеърларида мавжуд ижтимоий тузумдан нолиб, узлатга чиқиб, дунёдан воз кечишга чақирди. Ўзи ҳам жамиятдан монах-роҳиблиқ ҳаётини танлади. Саят Нова

ижодидаги қайғу ва нолиш мотивлари чуқур ижтимоий маънога эга эди. Бу қайғу ва нолиш унинг шахсий ҳаётидаги баҳтсизликлан кўра, ўша замон ва шоир мансуб бўлган ижтимоий синф баҳтсизлигининг натижаси эди. Шуларга қарамай, Саят Нова шеърлари гуманистик ғоялар билан суғорилгандир. У доим қувноқ. Оқилона ҳаёт кечиришни тарғиб этди. Шоир бу билан кишиларни инсоний фазилатли бўлишга даъват этади.

Тараққийпарвар зиёлиларнинг кўзга кўринган намояндалари А.Чавчавадзе, Г.Орбелиани, Н.Бараташвили, В.Орбелиани, Г.Ористави, С.Дадашвили ва бошқалар ватанга хизмат қилиш, унинг маданияти равнақи учун курашни ўзларининг муқаддас вазифалари деб билар эдилар.

XIX аср грузин адабиёти ва маданияти тараққиётида грузин зиёлилари билан илфор рус интеллигенцияси вакиллари ўртасидаги дўстона алоқалар катта аҳамиятга эга эди. Айниқса, А.С.Грибоедов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, декабристлардаен А.Одоевский ва Бестужев-Марлинскийларнинг кавказга тез-тез бориб туришлари ёки шу ерда сургунда яшашлари оқибатсиз қолмаган эди. Буюк грузин адаби Илья Чавчавадзе шундай деган эди: ”Бизнинг орамизда рус адабиётининг таъсирини сезмаган биронта ҳам адаб, биронта ҳам жамоат арбоби йўқ. Бу табиий ҳол, чунки бизга маърифат эшигини рус мактабим, рус фани очди. Бизнинг онгимизни рус адабиёти илфор ғоялар билан суғориб, ҳаракатга келтирди. Бизнинг биронтамиз бу шифобахш булоққа лаб тегизмай туриб ўз маънавий чанқоқлигимизни бостиrolмасдик. Шунинг учун биз рус адабимёти тарбиялаб вояга етказган кишилармиз дейишга ҳақлимиз...”.

Рус халқининг ажойиб фарзандлари А.С.Грибюоедов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов ва бошқалар ҳам Грузияга ўзларининг иккинчи ватани деб қарадилар, улар грузин халқ оғзаки ижодининг битмас-туганмас хазинасидан баҳра олиб, ўзларининг бадиий ўткир асарларини яратдилар.

XIX асрнинг бошларида грузин адабиётида романтизм методи тараққий этди ва ярим аср мобайнида у бадиий ижодда ҳукмон йўналиш бўлиб қолди. XIX асрнинг биринчи ярмида романтизм таъсирида бўлмаган биронта грузин шоири йўқ эди десак хато қилмаган бўламиз. Александр Чавчавадзе ва Григорий Орбелианилар билан бирга Н.Бараташвили, Вахтанг Орбелиани, Мих.Туманишвили, Соломон Размадзе, Георгий Эристави каби грузин ёзувчилари ҳам шу романтик йўналишнинг вакиллари эдилар. Грузин романтизми классицизмга қарши курашда, ҳаётдан узилмаган ҳолда, реал борлиқни акс эттириди.

40-50-йиллар грузин адабиёти реализмнинг шаклланиш жараёнини бошидан кечирди. Бироқ грузин адабиётига реалистик принцип эволюцион йўл билан эмас, балки романтизмнинг шартли белгилари ва образларига қарши кураш йўли билан кириб борди. Реализм грузин адабиётида бир неча босқични босиб ўтди. Реализм элементлари грузин романтикларидан А.Чавчавадзе, Г.Орбелиани, Н.Бараташвили асарларида яққол кўзга ташланган бўлса-да, аммо реализм бу ёзувчиларнинг услубини белгиловчи асосий хусусият эмас эди. Ниҳоят 40-50-йилларга келиб Г.Эристави, Л.Ардазиани, З.Антонов, Д.Чонкадзелар грузин адабиётида тараққий эта бошлаган реалистик йўналишни бошлаб бердилар. 60-йилларга келиб грузин адабиётида реализм юқори

босқичга күтарилиди ва А.Чавчавадзе, А.Церетели, Г.Церетелилар ижодиде етакчи роль үйнади.

Груиянинг бир бутун давлатга бирлашуви ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келади. Бу даврда илғор зиёлилардан катта бир гурухи – “тергдалеули”лар, яъни Терек дарёсидан кечиб ўтиб, Петербургда таълим олиб қайтган ёшлар гурухи адабиёт майдонига қадам қўйди. Бу гуруҳнинг кўзгакўринган вакиллари И.Чавчавадзе, А.Церетели, Г.Церетели, Нико Николадзе, Кирилл Лордкипанидзелар Петербургда Н.Г.Чернишевский ва Н.А.Добролюбов бошлиқ “Современник” атрофида уюшган революционерлардан таълим олиб қайтдилар. Улар кўп масалаларда, масалан, грузин тилини тозалаш, ундан эскириб қолган ёзув қоидаларини чиқариб ташлаш хусусида грузин зиёлиларининг ”Дискари” (“Тонг”) журнали атрофига тўпланган эски авлод вакиллари билан менозара бошладилар. “Ёшлар” ва “кексалар” ўртасида бошланган бу мунозара аста-секин сиёсий-ижтимоий масалаларга кўчиб, янада жиддийлашди. Бу мунозара ўлиб бораётган эски патриархал-крепостнойлик тузуми тарафдорлари билан янги туғулиб келаётган ижтимоий ҳаёт тарафдорлари ўртасидаги курашга айланди.

Илья Чавчавадзенинг сафдошларидан шоир Акакий Церетели “Буюк Баграт”, “Натела” номли тарихий достонларида, “Кахетиялик кичкинтой” драмаси ва “Тонг”, “Қўшиқлар қўшифи”, “Сулико” сингари ажойиб лирик шеър-қўшиқларида Грузиядаги миллий-озодлик ҳаракатини Россиядаги ишчи-дехконлар революцион ҳаракати билан боғлаб тасвирлади. А.Церетели, Э.Потъенинг ”Интернационал”ини грузин тилига ўгирди. Н.Г.Чернишевский билан дўстлашган, А.И.Герцен, Н.П.Огаревлар билан яқиндан танишган публицист ва адабиётшунос Н.Николадзе ўзининг адабий танқид ва эстетикага оид асарларида реализмни ёқлаб чиқди.

80-йиллар грузин адабиётида Александ Казбеги ва Важа Пшевала ижоди салмоқли ўрин эгаллади. Казбегининг ”Элгуджа”, “Хевисбери Гоча”, “Падаркуш” асарларида тоғлик грузинларнинг ҳаёти ва уларнинг озодлик учун олиб борган кураши акс эттирилди. В.Пшевала “Мехмон ва мезбон”, “Илон этини тотган киши”, “Алуда Кеталаури”, “Бахтриони” номли шеърий ҳамда бир қанча насрый ва сахна асарларида буюк гуманист ва табиат куйчиси сифатида кўринди. У ўша замоннинг мураккаб фалсафий масалалари ҳақида чуқур мулоҳаза юритди.

Бу давр грузин адабиётида *драматургия* жанри ҳам ҳийла ривожланди. Бу соҳада ”Ватан” номли қаҳрамонлик драмасининг муаллифи Давид Аристави, ”Хоним”, ”Энди ўзгача замон” комедияларини яратган А.Цагарели, шунингдек, В.Шекспир асарларининг таржимони, жамоат арбоби И.Мачабелиларнинг хизмати катта.

XIX аср охири XX аср бошларида грузин адабиётининг янги даври бошланди. Синфий кураш, ижтимоий воқеалар, жамиятни қайта қуриш масалалари бош мавзуга айланди. Бу давр адабиётида машҳур адабиётшунос А.Цулукидзе, прозаик Э.Ниношвили, шоирлар И.Эвдошвили ва П.Чхиквадзеларнинг ижоди катта ўрин эгаллади. Турли жанрларда ижод қилишларига қарамай, уларнинг дунёқарашларида яқинлик – уйғунлик кўзга

ташланар эди.. Чунончи, улар ўз асарларида камбағал дәхқонлар ва ишчилар синфининг озодлик учун кураши манфаатларини акс эттирап эдилар. Э.Ниношвили ўз асарларида меҳнаткаш омманинг қаттиқ эзилишини қўрсатиш билан бирга, дворянлар ахлоқининг тубанлашаётганлигини фош қилди.

Янги грузин адабиётининг шаклланишида ундаги турли адабий гуруҳларни ҳам айтиш жоиз. 1920-йилларда “Академик гуруҳ”, “Зангори шоҳчилар гурухи”, грузин лефчи-футуристлар гурухи ва ниҳоят, Грузия пролетар ёзувчилар уюшмаси бор эди. Ҳозир бу адабиётни *модерн адабиёт* деб юритилади. Бу адабиёт вакиллари турли хил дунёқараашдаги тажрибали ва ёш ёзувчиларни ўз атрофига уюштирап ва ўзаро кураш олиб борар эдилар. “Академик гуруҳ”нинг вакиллари (К.Гамсахурдия, А.Абашели, И.Гришашили ва б.) реакцион синф қолдиқларининг пролетариатга қарши миллатчилик қарашларини ифода этса, “Зангори шоҳчилар” (В.Гаприндашвили, Г.Леонидзе, К.Надирадзе ва б.) ашаддий символистик адабий оқим мафкурачилари эдилар. Лефчи-футуристлар (С.Чиковани, Д.Шенгелая, А.Белиашвили ва б.) янги ”революцион санъат-адабиёт” яратишни даъво қилиб, ўзларини аввалги икки гуруҳга қарама-қарши қўйдилар.

30-йилларда Ш.Руставели, И.Чавчавадзе, А.Церетели, В.Пшевала, Э.Ниношвили каби машҳур адиларнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонланди. Уларнинг сара асарларикўплаб қардош тилларга таржима қилинди.

40-50-йиллар адабиёти, бошқа халқлар адабиёти сингари, фашизмга қарши кураш, ватанпарварлик, фронт ортидаги оғир ҳаёт, ишчи-дәхқонларнинг шижаотли меҳнатини куйлади. Бу даврда очерк ва ҳикоя жанри ривожланди.

60-70-йиллар адабиётида мамлакат ва бошқа халқлар ҳаётида юз берайтган мураккаб воқеалар, ишчилар синфи ва қишлоқ ҳаёти акс этди. Ёш авлоднинг ахлоқий қиёфаси тасвирига бағишлиланган қисса, роман, трилогиялар ёзилди.

Грузин классик ва ҳозирги замон адабиётининг купгина асарлари 20-30-йилларданоқ ўзбек китобхонларини мафтун этган эди. Ш.Руставелининг машҳур ”Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони ўзбек тилида босиб чиқарилди. Атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли бу эпоснинг ўзи яратган вариантини ўтиришларда, йиғинларда куйлаб юрди. Драматург Т.Собировнинг Шота Руставели эпоси сюжети асосида яратган ”Уч баҳодир” музикали драмаси Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали драма театри сахнасида муваффакият билан ўйналди.

Грузин ёзувчиларидан И.Чавчавадзе, Г.Мдивани, С.Чиковани, И.Абашидзе ва бошқаларнинг поэтик ва драматик асарлари М.Шайхзода, Уйғун, Миртемир, Р.Бобоҷон таржималарида китобхонлар қалбига йўл топди. Грузияда ҳам ўзбек адилари Ҳамза, К.Яшин, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ш.Рашидов, Ғ.Ғулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, Ҳ.Ғулом ва бошқаларнингзам ва насрий асарлари нашр қилинди

ТОПШИРИҚ: Ш.Руставелининг ”Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонидан (XXV боб) парчани ўқиб, таҳлил қилинг.

Автандил дер: ”Биз мақсадга жазм қилиб борамиз,
Бу дунёning севгисида синов – заҳмат кўрамиз,
Шу фалакка бўйин эгмоқ одамзодга номус-ор, –
Ким ўзига қасд айласа, у иблисга хизматкор!

Донишманд бўл! Ҳикмат билан тўсиқларни ег-ташла!
Эр киши мард бўлмоғи шарт, кам йиғла-ю, кўп ишла!
Балоларга, баҳтсизликка қалъадай тур устивор,
Банда ўзи телба бўлса, дардга бўлар гирифтор.

Донишманлар одамларга ҳикматни она дейди:
Саҳроларда сув қидирган сароб кўриб панд ейди!
Сен ҳаммани ёмон кўрсанг, нур топасан кимлардан?!
Ахир ўзин танғиб турмас жароҳати йўқ одам!

Кимнинг қалби ишқ куйида куймаптикан бирон пайт?
Мұхаббатда дарду алам кўрмаган ҳам борми, айт!
Бу олам расми шундай, бадбин бўлмоқ не керак!
Гулни севиб узгувчининг қўлин тирнар тиканак.
Бирор гулдан сўраганки: ”Сенда лаълий важоҳат!
Шундай экан, бандларингда тиканларга не ҳожат?”
Гул дебдики: “Аччиқ кўрган билар чучук қадрини.
Қиз ҳаммабоп бўлиб қолса, очмас бирор баҳрини”.

Гуллаш фасли тез ўтса-да, гулнинг раъи шу йўсин.
Бу ҳаётда жафо кўрмай, ким топибди сафосин!
Ёмонликлар-яхшиликлар мангу ҳамроҳ, ажралмас.
Бешафқат деб сен дунёни қарғамагин! Ундоқмас!

Юр мен билан бирга – йўлга! Насиҳатим тинглагин!
Васвасалар тузогига тушган фикринг-тилагинг!
Сен нафсингга банди бўлма, васвасани тез унут!
Сўзларимда қаллоблик йўқ, юрагимда бу ўгут!”

7. ДОҒИСТОН АДАБИЁТИ

Бу адабиёт қардош Кавказ ва Кавказ орти халқлари адабиёти оиласида шаклланиб ривож топди. 2 млн. аҳолиси бор бу республикада аварлар, даргинлар, кўмиқлар, лезгинлар, русла рва бошқа халқлар истиқомат қиласи.

Милоддан аввалги 1 минг йиллар охирида Дөғистон Кавказ Албанияси, кейинроқ Сосонийлар давлати таркибиға кирган, Араблар хужумига учраган. XIII аср бошида мұғуллар босиб олган, 1813 йили Россияга қўшиб олинган.

Дөғистон ҳозир худуди жиҳатидан унча катта бўлмаса ҳам, Россия таркибидаги энг кўп тили мамлакат саналади. Бу ерда авар, анди, ботлих, годоберий, каратин, ахвах, багвалин, тиндин, чамалин, дидой, хваршин, гинух, бежитин, гунзеб, даргин, лак, табасаран, агул, рутул, қаҳур, криз, будух, хиналуг, арчин, удин тиллар бор. Дөғистон адабиёти рус Кирилл алифбоси асосидаги авар, даргин, лак, лезгин, табасаран тилларида яратилган. Санаб ўтилган бошқа тилларнинг ёзуви шаклланмаган.

Дөғистон адабиётининг ёрқин вакили, замонамизнинг энг атоқли сўз санъаткорларидан бири – Расул Ҳамзатов. У 1923 йилда Іада қишлоғида халқ шоири Ҳамзат Іадаса оиласида туғилди. У бир неча йил ўқитувчилик қилди. 1945-1950 йилларда Москвада М. Горький гомидаги Адабиёт институтида таҳсил олди.

Р.Ҳамзатовнинг ижоди 1937 йилдан лирик шеърлар ёзишдан бошланди. У шу вақтга қадар совет китобхонларига “Ҳароратли ишқ ва куйдирувчи ғазаб”, “Менинг Ватаним”, “Бизнинг тоғлар”, “Акам қиссанаси”, “Дөғистон баҳори”, “Туғилган йилим”, “Қалбим тоғлари” сингари ўнлаб шеърий тўпламларни, шунингдек, “Тоғ қизи” ва ”Отам билан суҳбат” достонларини тақдим этди.

Р.Ҳамзатов шеър ва достонларининг мавзуси хилма-хил. Уларда шоир ҳамюртларининг Ватанга бўлган муҳаббатини, Ватан душманларига ғазаб-нафратини ҳамда Дөғистондаги қайноқ ва қувноқ ҳаётни зўр кўтаринки рус билан тараннум этди.

“Туғилган йилим” ва “Юксак юлдузлар” тўпламлари учун мамлакатнинг олий мукофотлари билан тақдирланди.

1968 йилда Р.Ҳамзатов янги шеърий тўпламлардан ташқари фалсафий-публицистик характердаги “Менинг Дөғистоним” насрий асарини эълон қилди.

1974 йили Р.Ҳамзатовга Меҳнат Қаҳрамони фаҳрли унвони берилди.

Истеъдодли таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатган шоир А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.В.Маяковский, Н.С.Тихонов асарларини авар тилига муваффақият билан таржима қилди. У катта жамоат арбоби ва ёш адибларни тарбиялаб етиштирувчи мураббий сифатида Кавказ халқлари адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келди.

Р.Ҳамзатовнинг кўп асарлари, жумладан, “Юксак юлдузлар” (М.Бобоев таржимасида), “Менинг Дөғистоним” (Э.Воҳидов таржимаси) ўзбек тилига таржима қилинган, унинг шеърларига (“Турналар”) қўшиқлар басталанган.

Шоир ижодига хос энг муҳим хусусият – унда ҳамиша шарқона доноликнинг барқ уриб туриши. Ҳаётдаги энг мупраккаб, етуқ ҳодичсалар ҳам бу шоир ўзига хос зукколик билан. Қийналмасдан мароқли бир равишда ифодда қилиб бера олади. Бу фазилат р.ҳамзатовнинг шеъриятигагина эмас, балки прозасига ҳам, умуман, бутун ижодига хос. Ҳамзатовдай шоирни такрорлаб бўлмайди. Унга тақлид қилиб, асар ёзиш аслида сира мумкин эмас. Чунки унинг истеъдоди бармоқ изи каби ўзига хос, қайтарилилмасдир.

Р.Ҳамзатовнинг саккизликлари адиб шеъриятида бир мустақил шакл бошланишига асос бўлди. Тўғри адабиётда учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва ҳоказолар чексиз равишда учраши мумкин. Лекин саккизликнинг қўпчилик томонидан севиб қарши олинишини Р.Ҳамзатовнинг қудратли истеъоди тақдим этди. У миллийлик ва умуминсонийликни ниҳоятда зукколик билан уйғуллаштирган. Ҳар бир шеърий мисрасида тоғлик юртдошлариҳақида гап очади ва дунё халқларига мурожаат қиласи. Муҳими, бу икки жиҳат декларатив, қуруқ баёнчилик билан эмас, балки нуктадонлик, закийлик, кучли бадиий воситалар орқали кўринади.

Р.Ҳамзатов ўзбек адабиётининг доимий дўстидир, – дейди А.Орипов. У бизнинг адабиётимизни ғоят синчковлик билан кузатиб келди. Кўпчилик атоқли адибларимиз ҳақида Р.Ҳамзатов илиқ сўзлар айтди. Мен бир муҳлис сифатида Р.Ҳамзатовни замонамизнинг улуғ шоирларидан бири деб аташга журъат этар эдим. Ушбу даражага шоирнинг ижоди тўла асос бўла олади.

Р.Ҳамзатовнинг ўзи шундай дейди: “Мен авар шоириман. Аммо мен ўз қалбимда нафақат Аваристон, нафақат Доғистон, балки бутун мамлакат, бутун сайёрамиз, бутун Йигирманчи аср олдида қарздорман. Бошқача яшаб бўлмайди”.

“Менинг Доғистоним”дан айрим мисоллар келтирамиз.

1. Ҳ. Цадасанинг Москва таассуротлари: “Масков” деганинг ғалати шаҳар экан. Бу ерда одамлар олов ёқмайди, овқат пиширмайди шекилли. Шунча юриб деворга таппи ёпаётган биронта хотинни қўрмадим. Бирорта уйдан тутун чиққанини учратмадим. Москваликлар томда пичан қуритмас экан, Ҳайронман, сигирларини нима билан боқишиди. Бир боғ ўтин ё бир бойлам хашак кўтариб ўтган қизни учратганим йўқ. Бирор марта на сурнай, на ногоранинг овозини эшитмадим. Қизиқ, бу шаҳарда йигитлар тўй қилмаса, уйланмаса керак. Бу ғалати шаҳарнинг кўчаларида шунча кезиб бирорта қўй қўрганим йўқ. Бу одамлар уйига меҳмон келганда нима сўяркин? Ростини айтсан, шаҳаринг менга ёқмади. Ўзимнинг қадрдон овулимга кетаман...”

2. Ёзувчининг калласига келган хаёл хотин кишининг қорнига илинган боладай. У албатта туғилиши керак. Фақат фурсат ўтиши, бола етилиши керак. Ёзиш азоби туғиши тўлғогига ўхшайди.

3. Чиройли хотинлар қўпинча ақлсиз бўлади ва, аксинча, ақли тўлиқ хотинлар хунук бўлади.

Лекин шундай баҳтли аёллар ҳам борки, уларда ҳам ҳусн мукаммал, ҳам ақл равшан. Чинакам иқтидорли шоирларнинг китобини ана ўшанака аёлларга ўхшатиш мумкин.

4. Адабиёт институтида бир авар йигитига домласи шундай савол берибди: реализм билан романтизмнинг фарқи нима? Студент бу ҳақда китобларда ёзилган гапни билмас экан шекилли, ўйлаб туриб шундай дебди:

– Бургутни бургут деса реализм бўлади, хўроҳни бургут деса романтизм бўлади.

Домла роса кулибди ва элатдошимга зачёт қўйиб берибди.

5. Адабиёт пандурга ўхшайди, ёзувчилар эса бу пандурнинг торлари. Ҳар битта тор ўз садосига эга. Торлар қўшилиб оҳанг пайдо қиласи.

6. Тилларни осмондаги юлдузларга ўхшатаман. Бу юлдузларнинг ҳаммаси қўшилиб баҳайбат бир юлдуз бўлишини сира истамасдим. Осмонга бита қуёш, битта ой етади. Юлдузлар ўз жилvasи билан гўзал. Ҳар бир инсоннинг ўз юлдузи бўлсин.

Менинг юлдузим – ўз она тилим, авар тили.

Тоғлик хотинлар бир бирини жудп қаттиқ қарғаганда: ”Илойим болаларинг она тилидан жудо бўлсин, – дейишади”.

7. ”Тоғ қизи” деган достонимни ёзаётган кезларим эди. Достонда бир хотиннинг қарғишини ишлатадиган ўрни келиб қолди.. Бир-иккитаси менга узоқ бир овулда яшайдиган хотиннинг дарагини айтишди. “Бу атрофда унга етказиб қарғайдиган Хотин зоти йўқ, – дейишди. – Ҳар қанча қарғиш керак бўлса ўшандан ёзиб оласан”.

Бордим. Баҳор пайти эди. Ҳамма ёқ кўкаламзор, табиатда ажойиб беғуборлик. Бундай пайтда қарғиш эмас, фақат ширин сўз эшитгинг келади. Ҳалиги хотиннинг уйини топиб кирдим. Мақсадимни айтдим, ”Зўр қарғиш топиб беринг”, дедим.

– Тилгинанг кесилсин сени! Дунёдан яхши кўрганингнинг номини билмай ўт! Одам боласи тилингга тушунмасин! Узокдан келганда юртига саломсиз киргур! Тишларин тўкилиб оғзингга шамол кириб хуштак чиқсин!.. Шағалвачча, дунёда кулгу кўрмагур! Мен қандай қилиб хурсанд бўлмасам қуламану, уйимдан ўлик чиқмаса йифлайман? Мени ҳеч ким хафа қилмаса бекордан бекорга нега қарғар эканман? Сенга қарғиш керак бўлса жаҳлим чиққанда кел. Тур, йўқол, кўзимга кўринма!

Рахмат, опажон, – дедиму туриб жўнадим.

8. Мен шундай ёзайки, менинг шеърларим ҳар бир она учун, ҳар бир тоғлик учун, ҳар бир инсон учун равшан ва юрагига яқин бўлсин. Мен диққатпазлик эмас, қувонч тарқатсан дейман. Агар мен тилни бузсан, ёзганларим қуруқ, совуқ, зерикарли бўлса, мен учун бундан даҳшатли нарса йўқ.

9. Доғистонлик ёзувчилар ўнта тилда асар ёзиб, тўққизта тилда нашр этишади. Ўнингчи тилда ёзадиганлар нима қилишади? Бу қандай тил бўлди? – деб сўрарсиз.

Ўнинчи тилда асар ёзувчилар ўз она тилини унуглан, аммо бошқа халқнинг тилини ҳали ўрганмаган ёзувчилар. Улар аросатда қолган ёзувчилар.

Майли, бошқа тилда ёз, лекин, уни ўз тилингдан яхши билсанг ёз, ўз тилингда ёз, лекин уни бошқа ҳамма тиллардан яхши билсанг ёз, қайси тилда ёзсанг, майли, ёз, лекин зинҳор ўнинчи тилда ёзма.

Ҳа, мен ўнинчи тилнинг душманиман. Тил минг йиллик кўхна тарихга эга бўлиши керак. Шундагина у ҳақиқий адабиёт яратишга қодир бўлади.

10. Кунларнинг бирида икки тоғлик бўйинтуруққа ёғоч кесиб келгани ўрмонга боришибди.

Биринчиси мўлжалдаги дарахтни дарров топибди-да, бўйинтуруқбоп иккита шохни кесиб қайтибди. Иккинчиси бу дарахтга қараса, униси яхшироқ, унисига қараса наригиси яхшироқ кўриниб, кечгача ўрмон кезибди. Охири у иккита ёғоч кесиб қайтибди, лекин бу ёғочлар дастлаб учраганидан анча ёмон

екан. Уйга қайтаётиб кўрса, ўртоғи аллақачон ерини ҳайдаб, уйига келаётган эмиш.

11. Одамлар турли тилларда сўзлашишлари мумкин. Қанийди қалблари битта бўлса. Менинг баъзи дўстларим киндик қони тўкилган қишлоқларини ташлаб кетиб, катта шаҳарларда бошпана топганлар. Сирасини айтганда, бунинг ёмон жойи йўқ. Полапонлар ҳам қанот ёзгунига қадар ўзларининг уяларида ўтиришади, кейин уни тарк этадилар. Аммо катта шаҳарларда яшаб, энди бошқа тилда китоб ёзаётган баъзи дўстларим ҳақида нима десам экан? Тўғри, бу уларнинг ўзларининг иши. Менинг уларга ақл бўлиш ниятим йўқ. Аммо мен уларни бир кўлтифида иккита тарвузни кўтариб кетаётган одамга ўхшатгим келади.

Мен улар билан гаплашиб, шунга иқрор бўлдимки, уларнинг тили авар тили ҳам эмас, рус тили ҳам. У менга ҳафсаласиз дараҳт кесувчилар ишлаётган ўрмонга ўхшаб кетади.

Ха, мен шундайларни кўрганман. Уларнинг назарида она тили кичик ва камбағал, шунинг учун улар ўзларига бошқа, бой ва катта тилни қидириб кетишган. Ва охири нима бўлди денг? Авар халқ эртакларидағи ўрмонга бориб, бўриникидай дум ўстириб қайтаман деб, шохидан ҳам айрилган эчкига ўхшаб қолишиди.

Яна уларни хонаки ғозларга ўхшатаман: шўнғишни ва сузишни биладиу – балиқ эмас, баъзан уча оладилар, аммо эркин қуш ҳам эмас, сайрай ҳам оладилар, аммо барибир булбул эмас. Ҳеч нарса уларнинг қўлидан келмайди.

САККИЗЛИК

Шошилмай ёздилар боболар қадим
Ханжарлар юзига ханжарлар билан.
Мен зўрға қийналиб ёзаман ҳадеб
Уни қалам билан, бўш сшзлар билан.

Жангга от сурдилар боболар қадим
Хайрларишиб севган ерлари билан,
Менинг сиёҳ билан зўрға ёзганим
Тошга ёзди улар қонлари билан.

ТОПШИРИҚ: Р.Ҳамзатов ҳикматлари ҳақида ўз фикрларингизни далиллаб, эссе ёзинг. Шеърни ёд олинг ва таҳлил қилинг.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОГИСТОН ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

Бу гурӯҳ Ўрта Осиё ва Қозогистон тупроғида қадим замонлардан буён яшаб келаётган ўзбек, тоҷик, туркман, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқлари адабиётларини ўз ичига олади. Бу гурӯҳга кирувчи адабиётларнинг ҳаммаси

(тожик тилидан ташқари) туркий тилларда сўзлашувчи халқларга тааллуклидир. Уларни, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги умумийликдар ташқари, географик яқинлик ҳам бирлаштириб туради.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари адабиётининг ўзига хос томони шундаки, биринчидан, унда фольклор яхши ривожланган ва ёзма адабиёт тараққиётига катта таъсир этган. Иккинчидан, бу халқлар адабиётнинг ҳар бирида шеърият қадим замонлардан етакчи рол ўйнаб келди. Шунинг учун 1930-йилларда шаклланган наср ва сахна асарларида ҳам назмнинг салмоғи сезиларли бўлган. Учинчидан, бу адабиётлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқа шунчалик кучли эдики, форс-тожик адабиётининг атоқли ёзувчилари Фирдавсий, Умар Хайём, Ҳофиз ва Саъдийларнинг ижоди қўп асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари адабиётининг бойлиги саналиб келди. Ўз навбатида, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ижоди бир қанча тожик ва қозоқ адиблари учун ибрат мактаби бўлди.

Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги шахсий дўстлик ва ижодий ҳамкорлик; Лутфий, Навоий, Турди, Гулханий, Махмур, Садриддин Айний ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийларнинг икки тилда ҳам (ўзбек ва тожик тилларида) ижод қилишлари қон-қардош ўзбек ва тожик халқлари адабиёти ўртасидаги яқинлик ва ўхшашликнинг ёрқин далилидир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг Россияга қўшиб олиниши билан бу ўлка халқлари адабиёти ва маданиятига ҳам Россиянинг таъсири ўтмай қолмади. Янги адабий жанр ва йўналишлар қарор топа бошлади. Шўролар хукмронлиги даврида бу анъаналар янада илдиз отди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, С.Айний, Ойбек, М.Турсунзода, М.Авезов, С.Муқонов, Б.Кербобоевлар томонидан яратилган “Куллар”, “Дохунда”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Абай йўли”, “Дадил қадам” каби йирик тарихий романлар, ўнлаб пьеса, қисса ва достонлар ҳамда шеърий туркумлар Ўрта Осиё халқлари адабиёти, шунингдек, жаҳон адабиёти хазинасига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари адабиётида кейинги йилларда турли жанрларда яратилган сара асарлари бу адабиётнинг жаҳон миқёсидаги аҳамияти, қудрати ва кенг имкониятларини намойиш эта олди.

8. ТОЖИК АДАБИЁТИ

Тожик адабиётининг тарихи тожик халқининг тарихи каби жуда бой ва қадимийдир. Ўзининг келиб чиқиши ва тил хусусиятлари билан тожиклар қўшни Эронда яшовчи форсларга жуда яқин туради. Айниқса X-XV асрларда, тожиклар ва форслар бир бутун давлат байроғи остида ҳаёт кечирган даврларда бу яқинлик янада кучайди. Шу сабабли ўша замонда яшаб ижод этган Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Ҳофиз ва Саъдий сингари оламга машҳур ёзувчиларнинг ижоди, ҳақли равища, ҳам тожик, ҳам форсларнинг адабий мероси ҳисобланади.

Тожик халқи кўп асрлардан буён ўз тақдирини Ўрта Осиё ва Қозогистонда яшовчи туркий халқлар – ўзбек, қирғиз, туркман, қозоқ, қирғиз ва

қорақалпоқлар тақдири билан боғланган ҳолда яшаб келмоқда. Бу халқлар узоқ даврлар мобайнида ёнма-ён туриб чет эл босқинчилариға қарши кураш олиб бордилар, чоризм ва кейин мустабид тизим азоб уқубатларини бошидан кечирдилар.

Қадимий ва навқирон тожик адабиётининг Ўрта Осиёда яшовчи қардош халқларнинг адабиёти билан, айниқса ўзбек адабиёти билан чамбарчас боғловчи ажойимб анъаналар мавжуд. Хоразмий, Камол Хўжандийдан тортиб, Алишер Навоий, Гулханий, Махмур, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва С.Айнийларгача бўлган бир қанча ўзбек ва тожик шоир вап ёзувчилари ўз асарларини ҳар икки тилда – ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида ижод этдилар. Улуғ тожик шоири Абдураҳмон Жомий билан буюк мутафаккир Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, С.Айний билан Ҳамза ижодидаги ғоявий-бадиий уйғунлик бу икки қардрш халқ ва улар адабиётининг бир-бирига яқинлигидан гувоҳлик беради.

Тожик халқининг қадимий маданиятга эга бўлганлигидан дарак берувчи муҳим маълумотларни бизгача етиб келган фольклор асарларидан, “Авесто”га ўхшаш қадимий диний манбалардан, Муғ тоғида олибильган археологик қазилмалар материалларидан, ниҳоят, форс-тожик ёзувчи ва олимлари ёзиб қолдирган дурдона асарлардан олиш мумкин. Бу манбалардан маълум бўлишича, жуда кўп шарқий халқларнинг, жумладан тожикларнинг отабоболари бир вақтлар Ўрта Осиё ва Хурросонда ҳаёт кечирган ўтроқ ва кўчманчи сўғдий, хоразмий, шак, массагет ва парфиан қабилалариға мансуб бўлганлар.

Турли тарихий даврларда бунёд этилган ”Гўрўғли“ мажмуидаги ишқий ва қаҳрамонлик достонларида, ашула, қўшиқ ва латифаларда тожик халқининг адолатли, осойишта ҳаёт тўғрисидаги орзу-умидлари, чет эл босқинчилариға қарши олиб борган курашлари ўз аксини топган.

Халқ оғзаки ижодида яратилган баҳодир Рустам, Сўхроб, исёнкор темирчи Кова, Борзу, инсонпарвар Фарҳод ва гўзал Ширин, ўлмас ва енгилмас Гургули, унинг ўғиллари – Ҳасан, Аваз, донно ва тадбиркор Мулло Мушфиқий ва Мулло Насриддин образлари ўзларида меҳнаткаш омманинг олижаноб фазилатларини мужассамлантирганлар.

Фольклор асарлари узоқ вақтлар давомида оғиздан оғизга кўчиш жараёнида тобора пишиб ва мукаммаллашиб борган. Эзувчи синф вакиллар бу бу асарларни ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга уринганлар. Шунга қарамай, халқ оғзаки ижодида илғор фикрлар ҳар доим билдириб келинган.

XIX асрга келиб фольклорда меҳнаткаш халқнинг озодлик ҳаракатини акс эттиришга бағишлиланган бир қанча асарлар яратилди. 1885-1887 йилларда Бухоронинг шарқий томонларида Восе бошчилигига кенг қулоч ёйган дехқонлар қўзғолони ҳақида тўқилган қўшиқлар бунга далил бўла олади. Тожик халқи орасида ажойиб бахшилар етишиб чиқди. Худойдодзода, Юсуф Вафо, Ҳикмат Ризо, Сайдали Вализодалар халқ достонларини ижро этишдан ташқари, ўзлари яратган терма, қўшиқ ва достонларида меҳнаткаш халқнинг ҳаётини ва озодлик учун курашини акс эттирдилар.

Фольклор заминида аста-секин тожик ёзма адабиёти ҳам шаклланди. Унинг классик даври IX асрдан бошланади.

Рустам ҳақидаги ҳикоятлар, "Савдогар ва унинг хизматкори" сингари асарлар милоддан бир неча асрлар илгари ва милодий IV-V асрларда яратилган бўлиб, диний ва дунёвий мазмун билан суғорилган.

Тожик адабиётининг йирик вакиллари: Абутоқийи Аббос ибн Тархон Самарқандий, Абулҳафс Самарқандий, Ханзол Боғдисий, Масъуд Марвозий, Феруз Машрикий, Муҳаммад ибн Восиф Сағзий, Абусолих Гургоний, Аббос Марвозий, Басом Курд Хорижий, Муҳаммад ибн Муҳаллид. Улар кўпроқ фольклор мотивлари асосида асарлар яратганлар.

Абулҳасан Рудакий – тожик-форс адабиётининг отаси. У Панжакентдаги Панжруд қишлоғида дунёга келди. Жуда ёшлигидан шеърлар айта бошлаган. Унинг шуҳрати ўша замоннинг машҳур ҳукмдорлари Сомоний подшоҳликларига етиб, у Бухорога чақириб олинди. Рудакий у ерда замонасининг машҳур шоирлари, файласуфлари, тарихчилари билан танишиди.

У жуда кўп ишқий ғазаллар ва фалсафий-дидактик қасидалар ёзган ажойиб инсонпарвар шоир эди. У ўрта аср мумтоз шеъриятини ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бойитиб, уни юқори поғонага кўтарди. Рудакий Сарой шоири бўлишига қарамай, асарларида дунёвий муҳаббатни куйлади, халқнинг ҳаётини ҳаққоний тасвирилашга интилди. Шоирнинг "Қарилқдан шикоят", "Май онаси" қасидалари, ўнлаб ўйноқи, равон мазмундор ғазаллари кишини ўзига мафтун этади. Рудакийни "Калила ва Димна"ни назмга айлантирган биринчи форс-тожик таржимони сифатида баҳолаш мумкин.

Рудакий ўзининг илгор дунёқараши ва халқпарварлик руҳи билан суғорилган ижоди орқали сомонийлар саройига тўпланган маддоҳ шоирларга қақшатғич зарба берди. Реакцион Сарой шоирлари ва қорагуруҳчи амалдорлар қариган чоғида унинг икки кўзини ўйиб оладилар. Хўрланган шоир ўз ватанига қайтиб, қашшоқликда вафот этади. Рудакий Панжруд қишлоғида дафн этилган. Унинг ватандошлари ҳозиргача шоир айтган ажойиб қўшиқларни ёд айтиб юрадилар. 1957 йилда жаҳон аҳли шоирнинг 1100 йиллик юбилейини нишонлади. Тожикистон ҳукумати эса энг яхши бадиий асарлар учун Рудакий номидаги мукофотни таъсис этди.

X-XI асрларга келиб тожик мумтоз шеъриятида рубоий (Ибн Сино ва Умар Хайём), ғазал (Унсурий, Фаррухий, Манучехрий) ҳамда қасида жанрлари билан бир қаторда достончилик равнақ топди. Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Асадийнинг "Гуршаспнома" ва Фахриддин Гургонийнинг "Вис ва Ромин" достонлари бу давр форс-тожик адабиётида яратилган янгилик эди.

Фидавсийнинг "Шоҳнома" асари "Зол ва Рудоба", "Бижан ва Маниж", "Баҳроми Чўбина", "Темирчи Кова" каби бир неча достонларни ўз ичига олади. "Шоҳнома" қаҳрамонлик достони бўлиб, унда, асосан, икки бир-бирига зид йўналиш борлигини пайқаш қийин эмас: биринча йўналиш тангрини, афсонавий ва тарихий подшоларни мақтاشдан иборат бўлса, иккинчи – асосий йўналиш халқ афсоналарини ва Маздак бошчилигидаги дәҳқонлар кўзғолонини хайриҳоҳлик билан тасвирилашда кўринади. Асарда иккинчи йўналиш устун келади. Фирдавсий ўз достонининг кўп қисмини подшоларни таъриф-тавсиф

қилишга эмас, балки халқ орасида шұхратқозонган баһодир Рустам ва Исфандиёрларнинг қаҳрамонликларини тасвирлашга бағишилаган.

Бу давр форс-тожик шеъриятида Носир Хисрав ва Умар Хайём ижоди салмоқли ўриен әгаллади. Улар ўзларидан илгари ўтган мұмтоз шоирлар ижодидаги фалсафий мотивлардан озиқланиб, даврининг илғор ғояларини илгари сурдилар.

XII асрда Собир Тирмизий (лирика), XIII-XIV асрларда Жалолиддид Румий (тасаввуф), Хусрав Дехлавий (хамсачилик), Саъдий Шерозий (ғазал) кабилар форс-тожик адабиётининг йирик вакилларидир. Дехлавий Низомийнинг ”хамса”чилик анъанасини давом эттирди. У Низомий яратған сюжет ва образларни тамомила янгича талқинини берди. Шерозий ажойиб ишқий-лирик ғазаллари, ”Бўстон” ва ”Гулистон” каби йирик асарлари билан дунё адабиётига катта ҳисса қўшди, ғазалнавислик ва бадиий наср тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Немис шоири Гёте, буюк жаҳонгир Амир Темур унинг бадиий салоҳиятини юксак қадрлаганлар.

XV асрда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот шаҳарларида адабий ҳаёт анча жонланди. Бу даврда ўзбек-тожик шоирларининг дўстлиги, ўзаро ижодий ҳамкорлиги кучайди. Икки тилда асар ёзиш расм бўлиб қолди. Ана шундай шароитда буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомий ва мутафаккир Алишер Навоийлар яшаб ижод этдилар. Жомийнинг ”Баҳористон”, ”Ҳафт авранг” (етти достон), учта шеърий девон ёзди. Уларда халқ манфаатини ҳимоя қилди, мулқдорлар зулмини қоралади, меҳнатга даъват этувчи асарлар битди, Ҳўжа Аҳрор Валийнинг фалсафасини тарғиб қилди.

Бу даврда тожик тилида Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан ”Калила ва Димна” мотиви асосида ”Анвори Суҳайлий”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг антологияси, Хондамирнинг ”Фирдавсул-иқбол”, ўзбек тилида Навоийнинг ”Малолисун-нафоис” асарлари битилди.

XVI аср тожик адабиётида Абдураҳмон Мушфиқий ижодида ҳажвчилик ривожланди. Халқ орасида тўқилган кўпгина кулгили латифалар унинг номи билан боғланади. Тожик халқ латифаларида, худди Афандига ўхшаб, золим подшолар, реакцион амалдорлар, очкўз ва хасис бойлар, савдогарларнинг ножӯя ишлари фош қилинди.

XVIII-XIX аср тожик шеъриятида Мирзо Абдуқодир Бедил ижоди салмоқли ўрин әгаллайди. У асарларида замонасининг илғор ғоялари ҳамда реакцион ақидаларини куйлади. Шеъриятга ўзига хос бадиий тил ва услуб яратди.

XIX аср тожик демократик адабиётининг йирик вакили, янги тожик адабиётининг асосчиси Аҳмад Доңиш эди. Унинг ижодини Мирзо Ф.Охундов, А.Қўнонбоев, Фурқат ва Завқийлар ижоби билан қиёслаш мүмкін. У замонасининг энг илғор зиёлиси, пешқадам маърифатпарвар шоири ва носири эди. А.Доңиш Бухоро амирининг элчилари қаторида 3 марта Петербургга сафар қилди. Россиядаги ижтимоий ҳаёт, давлатни бошқарув усуллари, рус ёзувчиларининг ижоди билан қизиқди. Шоирнинг ”Наводирул-вақоे” ва ”Бухоро мангит амирларининг тарихи” номли тарихий биографик асарларида унинг сиёсий-фалсафий ва дидактик қарашлари ёрқин акс эттирилган. Аҳмад

Донишнинг адабий мактабида тарбияланиб камолга етган илғор ёзувчилар Савдо, Шоҳин, Возех, Ҳайрат, Асирий ва Садриддин Айний ўз устозлари ижоди ва маърифатпарварлик фаолиятидаги энг яхши анъаналарни янги ижтимоий шароитда ривожлантирилар.

С.Айний, П.Сулаймоний, М.Раҳимий ва А.Лоҳутийлар яратган мазмунан янги, сиёсий ўткир шеърий асарларда хотин-қизлар озодлиги, халқлар дўстлиги, байналмилаллик каби турли-туман ижтимоий масалалар майдонга ташланди.

М.Горький, Вл.Маяковский, С.Айний ва А.Лоҳутийлар адабий мактабида тарбия олган М.Турсунзода, А.Деҳотий, Ҳ.Юсуфий, М.Миршакар, Р.Жалил, Ж.Икромий, С.Улуғзода, Ф.Ниёзий ва Б.Раҳимзода сингари истеъододли адиблар ўзларининг шеър, достон, роман ва пъесалари билан тожик адабиётини юксалтирилар.

М.Турсунзоданинг ижоди 1929-1930 йилларда бошланди. У ўнлаб шеърий тўпламлар ва достонлар ёзди. Шоир асарларида қуллик кишанини парчалаб ташлаган баҳтиёр тожик халқининг эркин ҳаёти ҳам, қардош ҳинд халқининг мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган мардонавор кураши ҳам, тинчлик тарафдорларининг ер юзида осойишталикни барқарор қилиш учун олиб борган кураши воқеалари акс этган.

М.Турсунзода 30 йил давомида Тожикистон ёзувчилар уюшмасини бошқарди. У Тожикистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Бирқанча юксак Давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Тожик ва ўзбек халқларининг дўстлиги қадимий бўлганидан бу икки қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқалар тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Ўзбек ва тожик фольклор асарларининг кўпчилигига ўхшаш мавзуу, ўхшаш қаҳрамонлар (Мулла Насриддин, Гўрӯғли, Ҳасанмард, Тоҳир ва Зухра сингари), ўхшаш сюжет ва мотивлар кўзга ташланади. Асрлар давомида жуда кўп ўзбек ва тожик ёзувчилари (Рудакийдан тортиб С.Айний, С.Улуғзода ва Ғ.Абдуллогача) ёнма-ён туриб ижод этганлар, бир-бирларини устоз-шогирд деб билганлар. Буюк Жомий ва Навоийларнинг олижаноб дўстлиги, Навоий, Гулханий, Махмур, Ҳамза ва С.Айнийларнинг икки тилда ҳам бир хил бадиий кучга эга бўлган асарлар яратганликлари, ўзбек ва тожик халқларига бир хил хизмат қилганликлари бу икки қўшни халқнинг қон-қардошлиги, дўстлигига далиллар.

Тожикистон Фанлар академиясининг академиги А.Мирзоевнинг уқтиришича, Алишер Навоий – Фоний буюк форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозийни ўзига устоз деб билган. У ўзининг “Девони Фоний” асарига кирган 485 ғазалнинг тахминан 220 тасини Ҳофиз ғазаллари таъсирида яратган. Бу ғазалларда Навоий забардаст шогирд сифатида ўз устози билан беллашиб кўрган, баъзан унга етолмаган, баъзан ундан ўзиб ҳам кетган. Бундай адабий-ижодий мусобақа ва ҳамкорликни Фирдавсий – Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳусрав Деҳлавий – Алишер Навоийдан бошлаб ўнлаб ўзбек ва тожик шоирлари ижодида яққол кўриш мумкин. Тожик ва ўзбек халқлари ўртасида асрлардан буён давом этиб келган бу дўстлик, ҳамкорлик анъаналари кейинги йилларда янада барқарорлашли ва мустаҳкамланди. Агар бир вақтлар шоир Сайфи

Сарой (XIV аср) Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” асарини, шоир Кутб (XIV аср) Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”ини форс-тожик тилидан таржима этиб, ўзбек китобхонларини бу ажойиб асарлардан баҳраманд қилган бўлсалар, бизнинг замонамида тожик тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан тожик тилига таржима қилиш иши кенгқулоч ёйди. Навоийнинг ”Фарҳод ва Ширин”, Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”, Аскад Муҳторнинг “Опа-сингиллар”, Ш.Рашидовнинг ”Бўрондан кучли”, А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романлари тожик китобхонларини қувонтирганидек, тожикистонлик адиблардан Рубакий девони, А.Донишнинг ”Наводирул-вақое”, А.Лоҳутийнинг ”Европа сафари”, “Бахт париси”, М.Турсунзоданинг ”Ҳасан аравакаш”, “Ҳиндистон қиссаси”, Р.Жалилнинг ”Пўлод ва Гулрў”, Ж.Икромийнинг ”Олов қизи”, “Бухоронинг 12 дарвозаси”, “Қулатилган таҳт”, С.Улуғзоданинг ”Ёшлигимиз тонги”, “Восе” асарлари ҳам ўзбек адабиёти хазинасига қимматбаҳо дурдоналар бўлиб қўшилди.

Минг йиллардан буён ва ён қўшни бўлиб яшаб, бирга чет эл босқинчиларига қарши курашган, эндиликда ҳамдўст мамлакатлар қардошлиқ оиласида баҳтиёр ҳаёт кечириб, бирга чўлларда паҳта, ғалла етиштираётган, биргаликда оғир ва енгил саноат иншоотларини бунёд этаётган тожик ва ўзбек ҳалқларининг дўстлиги абадий. Бу дўстлик уларнинг ўз туғма, оригинал миллий адабиёти – санъати асарларида зўр кўтаринкилик билан куйланиб, улуғланиб келмоқда.

ТОПШИРИҚ: Рудакийнинг қуидаги ҳикматларини таҳлил қилинг:

1. Замон менга жуда қиммат насиҳат этди,
Агар билсанг, замон тўла насиҳат эрур.

Деди: ўздан баландроқни кўриб ғам ема,
Кўп киши бор, сен бўлишни орзу қилур.

Ўз нафсини мағлуб этолган марддир,
Ғийбатдан узоқ-узоқ кетолган марддир,

Номард тепиб ўтар йиқилганларни,
Ожиз кишилар қўлин тутолган марддир.

Илонни ҳар қанча қилсанг тарбият,
Охир заҳрин сочиб, етказар заҳмат.

Нокас табиати илон кабидир,
Юзин кўрмасликка этгил ҳаракат.

9. ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ

Хозирги Қозогистон худудида қадим замонларда ҳосилдор экин майдонлари, савдо-хунармандчилик марказлари, халқнинг бой миллий маданияти бўлган. Лекин уларни XIII асрда мўғул босқинчилари ер билан яксон қилдилар. Асрлар бўйи давом этган феодал-патриархал тузум натижасида қозоқлар юртида фақат тарқоқ кўчманчи чорвачилик хўжаликлари ташкил этилди, холос. XVI асрга келиб ташкил топган каттажуз, ўртажуз ва кичикжуз деб аталадиган уруғ уюшмалари 1723 йилда мамлакатга ёпирилиб келган қолмиқлар (жунгорлар) хужумига бардош беролмади. Қозоқларнинг чет эл босқинчилариға қул бўлиш ҳавфи туғилди. Қозоқ уруғ уюшмалари Чор Россиясига нажоткор сифатида қаради. Лекин Россия империяси қозоқ чўлига зулм ва зўровонлик келтирди. Шу билан бирга иқтисодий, сиёсий, маданий юксалиш ҳам юз бера бошлади. Саноат ўчоқларида маҳаллий ишчилар синфи шаклана борди.

Қозоқ ёзма адабиёти анча кеч шаклланди. XIX асргача қозоқларда адабиёт, асосан, халқ оғзаки ижодиёти шаклида ривожланди. Қадим замонлардан бери оғиздан-оғизга кўчиб келган халқ мақоллари, ашула ва қўшиқлари, эртак ва достонларида қозоқ меҳнаткашларининг оғир аҳволи, озодлик учун олиб борган курашлари акс эттирилган.

Қозоқ халқ қўшиқлари, эртак ва достонлари турли-туман мавзуларни қамраб олган. Уларда қозоқ мазлума аёлларининг оху фифони ҳам, халқ қўзголончиларининг мардлик-шижоати ҳам, тадбиркор, доно Алдаркўсанинг мароқли саргузаштлари ҳам, Кўбланди ботир, Эртарғин ва Қамбар ботир сингари халқ баҳодирларининг қаҳрамонликлари ҳам ўз аксини топган. Қозоқ фольклорида турли ижтимоий табақаларнинг ҳаётиним акс эттирувчи шахслар образи билан бир қаторда афсонавий ва мажозий образлар ҳам учрпайди. Топишмоқ ва эртаклардаги бўри, аждаҳо, дев, семурғ қуш, достонлардаги учқур отлар яхшилик ва ёмонлик тимсоли сифатида гавдаланадилар.

Фольклор асарларининг яратувчиси меҳнаткаш халқдир. Шунинг учун уларда жамиятдаги синфий тенгизлиқ, бойлар билан камбағаллар ўртасидаги қарама-қаршилик, босқинчи ёвлар билан ватан ҳимоячилари ўртасидаги тўқнашувлар ҳамма вақт меҳнаткаш халқ манфаати фойдасига ҳал бўлади.

Қозоқ фольклорида қаҳрамонлик достонлари салмоқли ўрин тутади. “Кўбланди ботир”, “Қамбар ботир”, “Эртарғин” достонларида қаҳрамонлик, дўстлик ҳамда ватанпарварлик ғоялари романтик бўёқларда акс эттирилган. Шу жиҳатдан қозоқ халқ қаҳрамонлик достонлари машҳур ўзбек эпос ”Алпомиш”га жуда яқин туради.

Қозоқ фольклорида “Қиз жибек”, “Кўзи кўрпеш ва Баян сулув” ҳамда “Сулув шаш” сингари ишқий-лирик достонлар ҳам жуда кўп. Бу достонларда пок инсоний муҳаббат тараннум қилиниб, жамиятдаги ярамас иллатлар очиб ташланади. Масалан, “Кўзи кўрпеш ва Баян сулув” достонида тасвирланишича,

ошиқ ва машуқанинг чин инсоний муҳаббатига Баян сулувнинг бой хонадондан, Қўзи кўрпешнинг эса камбағал оиласдан бўлганлиги тўсқинлик қилади. Жамиятдаги синфий тенгсизлик – бойлик ва камбағаллик ўртасидаги қарама-қаршилик ошиқ ва машуқаларнинг фожиали ҳалок бўлишига олиб келади. Ишқ-муҳабbat воқеаларининг шу тариқа фожиали якунланишини ”Сулув шаш”, ”Қиз жибек”, ”Биржон ва Сора” достонларида ҳам кўриш мумкин. Шунга қарамай, бу ишқий-лирик достонларда адолатпарварлик, инсонпарварлик ғоялари етакчи роль ўйнайди. Чунки Қўзи кўрпеш ҳам, Баян сулув ҳам, Сулув шаш ва Олтой ҳам, Қиз жибек ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида эзувчи табақаларнинг зуғумига қарши кураш олиб борадилар, уларни аёвсиз фош қиладилар ва кўпинча, ўз душманларидан ўч оладилар.

XVIII-XIX асрларда Қозоғистонни Россияга қўшиб олиш учун интилиш кучайган даврларда қозоқ фольклорида достончилик айниқса ривожланди. Асрлар бўйи оғиздан-оғизга кўчиб келган ҳалқ қаҳрамонлик достонларини айтиш билан бирга, ўzlари ҳам оригинал достонлар яратадиган кўплаб ҳалқ оқинлари, жировлар етишиб чиқдилар. Булардан Бухор жиров, Нисанбой, Дўсхўжа, Махамбет Утемисов ва Холибой Мамбетовларни кўрсатиш мумкин. Бу оқинлар ўzlари яшаган замонадаги турли-туман ижтимоий ҳодисалар ҳақида достон тўқиб куйлаганлар. Бу оқинларнинг айримлари меҳнаткаш ҳалқ манфаатини қўйловчи ҳалқпарвар оқин бўлсалар, айримлари, масалан Бухор жиров, ҳукмрон доиралар манфаатини кўзлаб ижод этганлар.

Ўзининг зўр ижрочилик маҳорати билан шуҳрат қозонган қозоқ оқини Жамбул Жабаев бўлган. У Жамбул тоғи этакларида камбағал оиласда дунёга келди. Ёшлиқдан шеъриятга қизиқкан, қўшиқлар тўқиган Жамбул анча мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Ҳалқнинг аянчли аҳволини тўғри акс эттирувчи ”Камбағалнинг шўри” шеъри, амалдорларни ҳажв қилувчи ”Шалтабойга”, ”Мирзобек волостилинг бошлиғига” ва, айниқса, ”Қодирбойнинг ити” номли асарлари тез орада Жамбулнинг шоирлик шуҳратини бутун қозоқ чўлига ёйди.

XIX аср бошларига келиб, қозоқ ҳалқ оғзаки ижоди таъсирида ёзма адабиёт ривожлана бошлади. Бунда рус адабиётининг таъсирини сезмай бўлмайди. Ч.Валихонов, Иброй Олтинсарин, А.Қўнонбоев бу икки адабиёт ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг жарчилари бўлдилар.

Ч.Валихонов рус Фани вамаданиятини чуқур билган маърифатпарвар олим эди. У кўп саёҳатлар, илмий экспедицияларда бўлди. Қозоғистон ва қушни Қашқар юртини ўрганишга оид бир қанча илмий асарлар яратди. У фольклоршунос ва публицист ҳам эди. Қозоқ ва қирғиз фольклори асарлари, жумладан, баҳшилар оғзидан қирғизларнинг улкан ”Манас” достонидан парчалар ёзиб олди. Унинг бир талай публицистик ва мақола ва очеркларини биринчи қозоқ насрый адабиёти намунаси сифатида қабул қилиш мумкин.

И.Олтинсарин ўзининг шоирлик ва маърифатпарварлик фаолиятини болаларни ўқитиши – ўқитувчилик билан боғлик равища олиб борди. У бутун умрини болаларни янгича усуlda ўқитиши ишига бағишлиди. Ўзи ҳам шеърлар ёзиб, болаларни ўқишга, илм олишга даъват этди. Рус тилидан таржималар қилди, адабиёт хрестоматиясини яратди. Масалан, ”Келинг, болалар, ўқийлик”

шеърини олайлик. Бу шеърда Олтинсарин илм-хунарни кишининг кўз нурига, унинг парвоз қилиши учун зарур бўлган қанотга ўхшатади. Олтинсарин кўпгина реалистик ҳикоялар ёзган. Унинг қаҳрамонлари оддий меҳнаткашлар орасидан етишиб чиқсан кишилардир. Масалан, ”Қипчоқ Сайитқул” асарида эзувчи синф вакилларининг салбий образларига меҳнаткаш халқ фарзандларининг ижобий образлари қарама-қарши қўйилиб, меҳнат билан суюги қотган камбағал боласининг ишда ҳам, ақл-фаросатда ҳам бой боласидан устун эканлиги қайд қилинади.

Қозоқ мумтоз адабиётининг отаси Абай Қунонбоев ўз шеърий ва насрый ижоди ҳамда маърифатпарварлик фаолияти билан демократик тенденциядаги қозоқ адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. У бой хонадонда туғилиб вояга етган бўлишига қарамай, рус революцион-демократлари ғоялари ва қозоқ халқ оғзаки ижодидаги илғор анъаналар таъсири остида халқ манфаатини куйловчи асарлар яратган шоир ва маърифатпарвар даражасига кўтарила олди.

Абай шеъриятни халқ ҳаётига яқинлаштира олди, ўз лирикасида илғор ғояларни тараннум этди, халқ ҳаётининг турли-туман муҳим ижтимоий масалаларини ўз замонасининг илғор зиёлиси сифатида ҳал қилди. Унинг лирикаси халқ ҳаётини акс эттирувчи таъсирчан, шўх лирикадир. Дўмбира ёрдамида ижро этилган ва қисман ёзиб қолдирилган реалистик ўланлари турли-туман мавзуларда ижод қилинган эди. Агар ”Шўрлик қозоғим” шеърида у қозоқ сахросидаги тарқоқ ўруғ ва қабилаларни бирлашишга, иноқ яшашга даъват этса, “Бой боласи билан камбағал боласи” шеърида бойлик билан камбағаллик ўртасидаги катта фарқни реалистик сатрларда чизади. Абай 1885 йилда ёзган бир шеърида илм ва ҳунар ўрганишнинг аҳамиятини шундай талқин қилади:

Ёшлиқда билим излаб югурмадим,
Ҳайрон бўлдим, бироқ юз ўгирмадим,
Улғайганда қарасам, қўлим қуруқ,
Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.
Изласам бўлармидим шунчалик хор?

Мұхаббат, Абай лирикасида тасвирланишича, икки томонлама, пок вас амимий бўлмоғи керак. Шундагина севги ошиқ-машуқларга лаззат бағишлай олади. Абайнинг ишқий лирикаси халқ қўшиқларига хос ўйноқи вазнда, сода тилда тўқилган. Шунинг учун у ўқувчи юрагини ҳаяжонлантиrmай қўймайди. Масалан:

Бердим салом, қаламқош,
Сенга қурбон мол ҳам бош,
Сени ўйлаб туну кун
Оқар қўздан қайноқ ёш.

Асил одам айнимас,
Ишқ ўтида қайрилмас,
Кўрсам ҳам, кўрмасам ҳам,
Кўнгил сендай айрилмас.

Абайнинг бир қанча лирик шеърларида қозоқ чўлининг реалистик манзараси она-юрга бўлган зўр эҳтирос билан чизилган.

Абай қозоқ шеъриятига достон жанрини олиб кирди. Унинг ”Искандар“ ва ”Масъуд“ номли достонлари ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, улкан шоирнинг кичик бир воқеа орқали Искандар ва Масъудга ўхшаш ҳақиқий образлар ёрдамида илғор гояларни олға суриш маҳорати яққол кўринди.

Абай бадиий проза соҳасида ҳам қалаб тебратган ёзувчидир. Умрининг охирларида яратган ”Насиҳат“ номли асари кичик-кичик дидактик ва фалсафий мазмундаги насрый ҳикоялардан иборат бўлиб, уларда адебнинг илғор фалсафий ва ижтимоий қарашлари ўз аксини топган. Унинг рус тилидан қозоқ тилига қилган таржималари (у ”Евгений Онегин“ романидан айрим парчаларни қозоқ тилига таржима қилган), бир томондан, қозоқ китобхонларини рус адабиёти ютуқлари билан таништирса, иккинчи томондан, Абайнинг ўзи учун катта ижодий мактаб бўлди.

Шундай қилиб, қозоқ маърифатпарварлари Ч.Валихонов, И.Олтинсарин, А.Қўнонбоевларнинг ижоди XIX аср қозоқ адабиётида янги, катта воқеа бўлди. Улар ўзларининг ажойиб реалистик ижодлари билан қозоқ мумтоз адабиётини юқорипоғонага кўтардилар. Бироқ уларнинг дунёқарашида ўша замон тарихий шароити билан изоҳланадиган чекланган томонлар ҳам кўп эди. Улар меҳнаткаш халқоммасининг оғир ҳаётини ва кескин синфий тенсизликни ўз асарларида акс эттирган бўлсалар ҳам, меҳнаткаш халқни озодликка чиқаришнинг ягона, тўғри, инқилобий йўлини кўрсата олмадилар.

XX аср қозоқ адабиётининг ривожланишида И.Жонсуғуров, С.Сайфуллин ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Уларнинг таъсирида камол топган М.Авезов, С.Муқонов,Ғ.Мурепов,Ғ.Мустафинлар қозоқ адабиётида проза, поэзия, драматургия жанрларини тараққий эттиридилар. Ҳозирда уларнинг номи нафақат Қозогистон, бутун МДҲ мамлакатларида маълум.

Абай Кўнонбоев (1845-1904) – қозоқ мумтоз шеъриятининг асосчиларидан бири. Мадрасада кейин рус мактабида ўқиди. Аввал Фирдавсий, Навоий, Низомий, кейин Пушкин, Толстой, С.-Шчедрин асарлари билан яқиндан танишди. Ёшлидан у шеър, ўлан айтиш билан шуғулланди ва шу соҳада катта ютуқларга ҳам эришди. Маърифатпарвар шоир Абай шеърларида тарқоқ қозоқ қабилаларини бирлашишга унади, бойлик ва камбағаллик ўртасидаги зиддиятларни кўрсатиб берди, юртдошларин и билим олиш ва ҳунар эгаллашга чорлади. Бастакор бўлган. Бу ролда ўз ўланларига куй басталади. ”Евгений Онегин“нинг бир неча бобини қозоқ тилига ўғирди. Унинг ўланлари ва шеърлари ўзбек тилига ўғирилган.

Абай ҳақида тетралогия ёзган машҳур қозоқ адаби Мухор Умархонович Авезов (1897-1961) ватан ва жаҳон адабиётига салмоқли ҳисса қўшди. 1928 йилда Ленинград давлат университетини битириб, САГУ (ҳозирги Тошкент миллий ун-ти) нинг аспирантурасида ўқиди. 1917 йилдан умрининг охиригача 20 дан ортиқ сахна асари, ”қозоқ халқи ҳаётининг қомуси“ (З.Кедрина) деб ҳақли равишда тан олинган ”Абай йўли“ эпопеяси ва бир қанча публицистик

асарларни ёзди. Академик, Давлат мукофотлари совриндори. Асарлари барча МДХ халқлари тилларига таржима қилинган.

“Абай” – тарихий-биографик роман. Унда, бир томондан XIX асрнинг иккинчи ярми қозоқ тараққийпарвар зиёлиларига хос фазилатларни ўзида мужассамлантирган Абайнинг шахсий ҳаёти, таржимаи ҳоли мукаммал тасвирланган бўлса, иккинчи томондан, қозоқ халқи ҳаётидаги ярим асрлик тарихий даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалари тарихан тўғри ва ҳаққоний чизилади. М.Аvezов салбий ва ижобий образларнинг мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган типик хислатларини уларнинг ҳар бирига хос портрет, юриш-туриш ва дунёқараш орқали белгилайди. Натижада Абай, отаси қўнонбой, онаси Улжон, бувиси Зере кампир, акаси Такежон, севимли хотини Айгерим, дўсти Эрбўл образларининг ҳар бири асар воқеасида ўзига яраша ўринни эгаллаб, роман ғоясини очишга хизмат қиласди. Масалан, золим Кўнонбой портретини ёзувчи мана бундай чизади: ”Кўнонбойнинг от юзли келган чўзинчоқ боши ғознинг тухумига ўхшайди. Усиз ҳам катта, чўзинчоқ юзини қуршаб турган узун соқоли қўшилганда, боши билан юзининг ўзи бутун бошлиқ бир ўлкага ўхшайди. Шу пайтларда Кўнонбойнинг ягона соғ кўзи ўша ўлканинг чап томонидаги ўрмон билан қопланган тепаликда туриб олиб, шу ўлкани кўздан кечириб турган соқчига ўхшайди. Соқчи бўлганда ҳам, ҳормай-толмай қузатадиган сергак, беомон соқчи, Бу ягона кўз коспсидан хиёл ирғиб чиқсан, ўқдек қадалиб, ғазаб билан қарайди, камдан-кам киприк қоқади”.

Яна бир атоқли қозоқ ёзувчиси – Собит Муқонов (1900-1971). Батрак (подачи), талаба, журналист, олим, олий мактаб ўқитувчиси, академик, шоир, ёзувчи – С. Муқоновнинг ҳаёт йўлининг чизгилари. Ўнлаб шеърий тўпламлари, ҳикоя, қисса, романлари билан машҳур. С.Айний, Ойбек сингари, тарихий-автобиографик повесть ёзди. Унинг ”Бўтакўз”, ”Ҳаёт мактаби” романлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ғабиден Мустафин ҳам автобиографик роман устаси. Унинг биринчи насрий асари ”Ҳаёт ёки мамот” (қайта ишланган варианти ”Қарағанда”) романида қозоқ ишчилар синфининг шаклланиши ва ривожланиши кўрсатилган. Қарағанда кўмир конларига ишлаш учун келган кўчманчи қозоқлар асарнинг етакчи қаҳрамонларидир. Шахтадаги ҳаёт бу саводсиз ва қолоқ кишиларнинг тақдирини таг-томири билан ўзгартириб юборади, уларнинг онг ва тушунчасига кучли таъсир кўрсатади. Шахтёрлар шахрининг ўзгариши билан уни обод қилаётган ишчиларнинг ўzlари ҳам вояга етадилар.

Ғабит Мусрепов ҳам ”Уйғонган ўлка” романида юқорида сўз кетган ”Қарағанда” романида тасвирланган мавзуга мурожаат қиласди. Ёзувчи бу асарда қозоқ ишчилар синфининг шаклланиш жараёнини катта бадиий маҳорат билан акс эттириди. Романда ҳикоя қилинишича, камбағал кўчманчи Бойжон топган мұжизавий қоп-қора тош (тошкўмир) қозоқ чўлига эзувчи синф табақа вакилларининг ёпирилиб келишига сабаб бўлади. Ёлланиб ишлаётган кончилларнинг аҳволи тобора оғирлашиб бораверади. Қозоқ ишчилари билан рус рус шахтёрлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик инқилобий ҳаракатнинг кенг кулоч ёйишига замин ҳозирлайди.

Қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Бу икки халқ оғзаки ижодида қўплаб учрайдиган жуда ўхшаш мотивлар, руҳан яқин образлар (Алпомиш ва Гўрўғли билан Қўбланди ботир ва Эртарғин; Мулла Насридин билан Алдар Кўса образлари ва ҳоказо) дан ташқари, буюқ Алишер Навоий ижодининг маъифатпарвар Абай шеъриятига ижобий таъсир кўрсатиши қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқанинг ёрқин мисолидир.

Қозогистонда Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва К.Яшиннинг пьесалари, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Ш.Раўидовнинг “Бўрондан кучли”, А.Муҳторнинг “Опасингиллар” романлари, А.Қаҳхорнинг “Синчалак”, И.Рахимнинг “Оловкорлар”, О.Ёқубовнинг “Муқаддас”, Н.Фозиловнинг “Юрак амри билан” повестлари, Уйғун, Р.Бобожон, Миртемир, Ҳ.Ғулом, Шухрат, Мирмуҳсин ва Зулфияларнинг шеърлар тўпламлари қозоқ тилида чоп этилди. Қозогистон ва Ўзбекистонда ўтказилган икки халқ адабиётлари ва санъати ўн қунликлари улар ўртасидаги дўстона алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

ТОПШИРИҚ: ўқинг, уқинг, таҳлил қилинг.

Абай Қўнонбоев.
“Насиҳатлар”дан парча:

Ўттизинчи сўз. Бизда бир мақтанчоқлик деган ярамас нарса бор. Асли шу нарсанинг нима кераги бор ўзи? Зотан, бу – ор-номуссизлик, нодонлик, ўйсиз-хаёлсизлик ҳамда на ботирлик ва на одамгарчиликдан хабари йўқликнинг аломатидир! Тағин, безрайиб туриб: ”Э, бор худоё! Кимдан ким ортиқ экан шунчалик!” – деб керилади...

Ўттиз биринчи сўз. Киши эшитган нарсасини унумаслик учун тўртта шарт бор: аввало, бунинг учун зеҳнли бўлмоқ керак; иккинчидан, бир нарсани кўрганда ё эшитганда – унга чин юракдан ихлос қўйиб, фаҳм-фаосат билан уқиб олмоқлик лозим; учинчидан, эшитганларини ичида бир неча марта такрорлаб, кўнгилга жо қилмоқ керак; тўртинчидан, кўнгилга бошқа нарсаларни мутлақо келтирмаслик ва келса ҳам унга заррача эътибор бермаслик керак. Масалан: беғамлик, бепарволик, ўйин-кулги ёки қайғу-ҳасратга берилмаслик ва бошқа нарсага ихлос қўймаслик керак. Акс ҳолда, бу тўрт нарса ақл билан илмга путур етказадиган омиллардир...

Ўттиз иккинчи сўз. Илм ўрганишни талаб қилган киши, аввало, уни билиши керак. Бунинг бир нечта шартлари бор. Буларни билмай туриб, ўрганилган илм юқмайди.

Аввало, ўрганилаётган илм-ҳунарни охир бир кун келиб бирон кори-ҳолимга яраб қолар, деб ўрганмасдан, ҳаётда уни турмушга татбиқ қилиш мақсадида ўрганмоқ керак. Чунки илмни фақат билиб қўйиши учунгина ўргансанг ва шу билан қаноат ҳосил қилсанг, бундай илмнинг укимга кераги бор? Киши ўзининг билмаган нарсасини билиб ўрганса – бундан қанчалик хузур-ҳаловат топишини асти қўяверинг! Агар сен илмга астойдил меҳр қўйиб ўргансанг, сенда, яна кўпроқ билсам экан, деган муҳаббат пайдо бўлади.

Шундагина сен кўзинг кўрган ҳар бир нарсани кўнглингга маҳкам тушиб, уқиб оладиган бўласан...

Иккинчидан, илмни ўрганганда яхши ният билан ўрганиш керак (масалан, ҳозиргидек, фақат дипломлик бўлиши учун эмас – К.Ж.). Аммо бирор билан баҳс бойлашмоқ, талашишмоқ учун ўрганиш керак эмас. Баҳс, аввало, кўнгилдаги ишончни мустаҳкамлаш учун бўлса – бу зарар эмас, лекин ҳаддан ошиб кетса – кишини тузатишдан кўра ҳам кўпроқ бузиб қўйиши мумкин. Бунинг сабаби, баҳс қилувчилар кўпроқ ҳақиқатни аниқлаш учун эмас, балки бир-бирларини енгмоқ учун ҳаракат қилишади. Бундай баҳс хусуматни кучайтириб, одамгарчиликни йўқотишгача олиб боради. Бундай ҳолда асосий мақсад илм ўрганиш бўлмай, одамнинг юзини ёлғон сўзга бурадиган бўлиб қолади. Бундай мақсад фақат бузук кишилардагина бўлади. Тўғри йўлдан кетаётган юзта одамни адаштирган киши, эгри йўлдан кетаётган битта нотавонни тўғри йўлга солган кишидан сатқаи кетсин! Баҳс – бу ҳам аслида илм ўрганишни бир йўли. Бироқ унга ортиқча ҳирс қўйиш ярамайди. Чунки баҳсга ортиқча ҳирс қўйишдан мағрурлик, мақтанчоқлик, хусумат, ёлғончилик, ҳатто арзимаган нарсадан жанжал чиқариш ва бирорга мушт кўтариш каби ёмон фазилатлар туғилади.

Учинчидан, ҳар бир ҳаракатин туфайли ҳақиқатга эриша оладиган бўлсанг, ўлсанг ҳам бу йўлдан қайтма, маҳкам тур! Ахир ўзинг шубҳа қилган нарсага ўзгалар қандай қилиб ишонч билдириш? Ўзинг ҳурмат қилмаган нарсани ўзгалар нега ҳурмат қилсин?

Тўртингидан, илмни кўпроқ ўрганиш учун одамда яна икки нарса бўлиши лозим: бири – молоҳаза юритиш, иккинчиси эса – муҳофаза қилимшлиkdir. Бу икки хусусиятни борган сари кучайтира бориш керак. Бу нарса кучаймай туриб илм ўрганиш қийин.

Бешинчидан, ... ақл касали деган тўрт нарса бор, шундан эҳтиёт бўлиш керак. Шуларнинг орасида беғамлик, бепарволик деган нарса бор, зинҳор-зинҳор шу нарсадан эҳтиёт бўл! Чунки бу, биринчидин – худонинг, иккинчидан – халқнинг, учинчидан – давлатнинг, тўртингидан – ибратнинг, бешинчидан – ақлнинг, ор-номуснинг душманидир; ор-номус бўлган ерда булар бўлмайди.

Олтинчидан, сенда илмни, ақлни бир меъёрда сақлайдиган феъл-атвор, хулқ деган нарса бор. Сен шу нарсани эҳтиёт сақла! Кўрган нарсангга қизиқаверсанг: ё бирорнинг ўринли, ё бирорнинг ўринсиз гапига ишониб кетсанг, ёки тўғри келган нарсаларга кўнгил қўяверсанг – феъл-атворингнинг бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Феъл-атворинг бузилгандан кейин эса ўқиб илм ўрганганингдан ҳеч фойда йўқ. Кўкрагингда унга ўрин бўлмагандан кейин, уни қаерда сақлайсан! Аксинча, киройи илминг бўлгандан кейин, уни эҳтиёт қиладиган фаҳм-фаросатинг, ақлу-хушинг, ор-номусингни қўлдан бермайдиган феъл-атворинг ва ғайратинг бўлса – нур устига аъло нур! Лекин бу эҳтиёткорлигинг, шубҳасиз, ақл учун, ор-номус учун қилинган бўлсин!

10. ҚИРГИЗ АДАБИЁТИ

Тяньшань водийсида ва тоғларда жойлашган қирғиз ўлкаси – бир томондан Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон билан, иккинчи томондан Хитой билан қўшни.

Қирғизлар тўғрисидаги энг қадимги ёзма маълумотларни милоддан илгариги II асрга оид манбаларда топамиз. Ўтмишда, асосан, чорвачилик билан шуғулланган бу қўчманчи халқ узоқ асрлар давомида чет эл босқинчилари зулми остида элилиб келди. Қирғизистонда VIII асрда араблар, XII асрда кўчманчи қорахитойлар, XVI асрда мўғул босқинчилари, ва, нихоят, XVIII асрнинг охирларида Кўқон хонлари хукмронлик қилган давларда мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва маданиё ҳаёти инқирозга юз тутди.

Қирғиз халқининг ота-боболари жуда қадим замонларда ёк Ўрта Осиё, Тяньшань ва Еттисув вилоятларида хуннлар, шунингдек, саклар, скифлар ва бошқа қўшни қабилалар билан яқин алоқада бўлиб. Уларнинг маданияти, дини ва урф-одати таъсири остида яшаганлар. VIII асрда араб истилочилари томонидан забт этилган Қирғизистонга ислом маданияти кириб келди. К.Ейинчалик “буюк ипак карvon йўли”да жойлашган қирғиз шаҳар ва қишлоқларида адабий-маданий ҳаёт бирмунча жонланди, дехқончилик, чорвачилик ўсади. Савдо-сотик ишларининг йўлга қўйилиши Қирғизистонга хитой. Форс ва юнон маданиятининг кириб келишига сабаб бўлди. XIV асрнинг охирларида темурийлар давлатига қарам бўлган Қирғизистон мўғуллар истилоси оқибатида юз берган жароҳатларни тузата бошлади. Харобага айланган шаҳар ва қишлоқлар қайта тиклана бошлади, иқтисодий ва маданий ҳаётда силжишлар кузатилди.

Аввалги машғулотларда айтилганидек, Қирғизистоннинг Россияга “ихтиёрий” қўшиб олиниши (1863 йилда), бошқа *тақдирдош* мамлакатлардаги каби, қирғизларнинг ҳам икки томонлама азоб-уқубатларни бошидан кечиришига сабаб бўлди.

Қирғиз адабиёти ва маданияти ҳам бошқа ҳалқларники каби оғзаки ижод шаклида ривожланди. Бизгача етиб келган халқ ашула ва қўшиқлари, мақол, эртак ва достонларида қирғиз халқининг узоқ асрлар давомидаги қўчманчи-чорвачилик ҳаёти, уларнинг ўз хўжайинларига қарши олиб борган курашлари ҳаққоний акс эттирилган. Фольклор асарларида қирғиз халқининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва адолатпарварлик ғояларини ифодаловчи жуда кўп қўшиқлар, эртаклар, достонлар мавжуд. Уларда айниқса халқ қаҳрамонлик достонлари машҳур. Асрлар оша бизларга етиб келган “Эртобилди, ”Эртуштук”, “Жонил мирзо” каби халқ қаҳрамонлик достонлари орасида, шубҳасиз, “Манас” достони ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

“Манас” қирғиз халқининг кўп асрлик ҳаётини ва чет эл босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашини кенг миқёсда ёритиб берувчи салмоқдор шеърий асардир. Ҳажми жиҳатидан дунёда тенги йўқ бу асар бошдан-оёқ шеърий йўл билан яратилган бўлиб, у 500 мингдан ортиқ мисрадан иборат. Достон З та катта қисмдан иборат. Биринчи қисмда халқ қаҳрамони Манас, иккинчи қисмда Манаснинг ўғли Семетей ва учинчи қисмда Манаснинг набираси Сейтекнинг ҳаёти, саргузашти ва қаҳрамонларни тасвирланган.

“Манас” эпоситнинг сюжети мураккаб. У жуда кўп достонларни ўз ичига олади. Уларда дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғоялари илгари сурилган. Манаснинг қалмоқ хони юборган Алвости Кожарт алп, Кучку, Жолой каби паҳлавонлар устидан ғалаба қозониши, Фарғона водийсида Бободеҳқон билан учрашиб, ундан дехқончиликни ўрганиши, турли ўлкалардан келган, Ажибой, Чумак, Сергак ва Алмамбет каби баҳодирлар билан дўстлашуви халқни афгон ва қалмоқ хонлари зулмидан қутқариб қолиши эпизодлари уни китобхоннинг кўз ўнгига ажойиб инсон. Халқ қаҳрамони ва вафодор дўст сифатида гавдалантиради.

Эпоснинг Семетей ва Сейтек ҳаётига бағишланган қисмларида бу икки авлод қаҳрамонларининг душманга қарши олиб борган жангларидан кўра, уларнинг оиласи ҳаёти ва ишқ-муҳаббат воқеалари билан боғлиқ ички ҳистийгуларини акс эттиришга кўпроқ эътибор берилган.

Қирғиз фольклорида “Манас” эпосини куйловчи профессионал манасчи шоирлар етишиб чиқди. Улар эпосни ижро этиш вақтида унга ижодий тарзда айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритганлар. Шунинг учун бизгача етиб келган достон вариантларининг ҳаммаси ҳам ғоявий мазмуни ва бадиийлиги жиҳатидан бир хил эмас. Масалан. Машҳур манасчи С.Қаралаев оғзидан ёзиб олинган вариантда Манас ва унинг сафдошлари кўпроқ халқ ва ватан учун хизмат қиласидаги қаҳрамон сифатида талқин этилса, достоннинг Сағинбой Ўразбеков ижросидаги вариантида Манасни кўпроқ хон, қўшни элларни босиб оловчи саркарда тимсолида кўрамиз. Бу ҳол турли тарихий даврларда ҳукмон доираларнинг ”Манас” эпосидан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринишларининг натижасидир.

XIX аср қирғиз адабиётида катта мавқега эга халқ оқинлардан бири Тўғалоқ Мўлда эди. Оқинликни ўз бобосидан мерос қилиб ролган шоир (асл исми Байимбет Абдираҳмонов) нинг ёшлиги азоб-уқубатда ўтди. Аввал қирғиз манапи (бойи) қўлида, кейин рус помешчиги эшигига батраклик қилди. Унинг ижодида қирғиз мумтоз оқин шеърияти, қозоқ шоири Абай, татар шоири А.Тўқай ижодининг таъсири кўп бўлган.

У дастлаб халқ қўшиқларини қайта ишлади, кейинчалик халқ эртак ва масаллари асосида ўзининг оригинал ”Жонбоқти”, ”Кемчентой”, ”Эшак ва Булбул” сингари масал ва ҳажвий достонларини яратди. Бу асарларда мажозий образлар орқали замонасининг амалдорлари, уларнинг золимлиги ва фаросатсизлигини фош қилди, жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршиликларни тўғри тасвирлай олди-ю уларни бартараф этишнинг тўғри йўлини кўрсата олмади.

Тўхтағул Сотилғанов (1864-1933) – улуғ оқин ва бастакор. Ёшлик чоғларидан бошлаб қўбиз чертиб, халқ қўшиқ ва достонларини айтишни машқ қилган Тўхтағул аста-секин ўзи ҳам жир айтадиган, оригинал куйлар басталайдиган бўлди. ”Қизларга”, ”Алимхон” каби лирик ва халқпарварлик руҳидаги шеърларини битди. Тўхтағулнинг ошкор халқона ижоди чоризм амалдорларига ёқмади. У 1898 йил Андижон қўзғолонида қатнашган деб айблаб Сибирга сургун қилинди. Сибирь темир йўл қурилишларида ишлади. Рус маслакдошлари ёрдамида 7 йиллик сургундан қочишга муваффақ бўлади ва

1910 йилда ўз юртига қайтиб келади. Аммо маҳаллий ҳокимият уни яна қамоққа олади.

Тўхтағул Сибирда ўз бошидан кечирганларини ”Тутқуннинг жири”, ”Қувғинди”, ”Эшмамбет билан учрашув” номли асарларида жуда яхши тасвирлаб берди. ”Беш қобон” шеърида ”қобон” номи билан танилган бешта амалдорга мурожаат қилиб, шундай дейди:

Етим-есир ҳолсизни
Саваладинг, беш тўнғиз.
Одам ўрнида йўқсулни
Санамадинг, беш тўнғиз.

Еб-ичишдан бошқани
Тан олмадинг, беш
тўнғиз.

...Жаҳлингиз чиқса, қутуриб
Уй-жойимни таларсиз.
Қонхўрлигинг авж олса,
Ўлдириб, қоним яларсиз

Тирноғи заҳар беш қобон,
Ялинмайман ҳеч қачон.
Майли, ўлдир, дунёга
Қайтиб келмас чиқса жон.

Шоирнинг сургунда юрган даврида ва сургундан қайтгач яратган энг яхши қўшиқлари (“Алвидо, халқим”, “Хайр, она”, “Сургунда”, “Тоғ бургуги”, “Салом, меҳрибон халқим”, “Софиниш”, “Уч хўжа”, “Мунгли қушча” ва бошқалар) ўзининг сиёсий ўткир ғоявийлиги ва фош қилувчанлиги билан ажralиб туради.

Шоирнинг ”Софиниб келдим” тўплами ўзбек тилида босилиб чиқди.

Халқ оқинлари ўтмишда юз берган тарихий воқеаларни, масалан, 1916 йил кўзғолонини реалистик асосда тасвирловчи кўпгина асарлар яратдилар. Исҳоқ Шойбековнинг ”Бечора халқ”, Актан Тинибековнинг ”Мухожирлик”, Муса Чагатовнинг ”Исён” қўшиқлари шулар жумласидандир. Бу қўшиқлар кўп хусусиятлари билан ўзбек халқ шоирлари Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан яратган ”Жиззаҳ қўзғолони” ва ”Мардикор” достонларига жуда ўхшайди.

30-йилларда қирғиз адабиётида тажрибали ёзувчилар билан бирга Т.Сидикбеков, А.Осмонов, Т.Уметалиев, А.Тўхтамишев каби шоирлар етишиб чиқди. 40-йилларда Т.Сидикбеков ва К.Рахматуллиннинг ”Манас ва Алмамбет”, А.Тўқумбоевнинг ”Манас”, К.Жонтошевнинг ”Қурманбек” пьесалари, Ж.Боконбоевнинг ”Олтин қиз” асарлари эълон қилинди. Тўғулбой Сидикбековнинг ”Кен сув” ва ”Темир” романларида М.Шолоховнинг ”Очилган қўриқ” романи таъсири сезилиб туради.

Шу 40-йилларда адабиётга С.Эралиев, Н.Бойтемиров, С.Шимеев, К.Акаев, М.Алибоев сингари умидли адиллар кириб келди. Кейинчалик С.Шимеев Алишер Навоийнинг ”Фарҳод ва Ширин” достонини маҳорат билан она тилига таржима қилди.

Т.Сидикбековнинг 1948 йилда босилиб чиқсан ва Давлат мукофоти билан тақдирланган ”Замонамиз кишилари” романи қирғиз халқининг немис фашист босқинчиларига қарши кураши, уларнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, халқлар дўстлиги, янгича севги, оила масалалари қўрсатилган. Шу

йили эълон қилинган “Азамат” повестида немис фашистларига қарши урушда тобланган қирғиз учувчиларининг қаҳрамонларини кўрсатди. 1953 йилда нашрдан чиққан ”Тоғ болалари” романида янги даврда яётган қирғиз болаларининг ҳаёти, ўқиши ҳақида ҳикоя қиласиди. 1958 йилда Москвада бўлиб ўтган қирғиз адабиёти ва санъати декадасида юксак баҳоланганди “Юлдузхон” романида аввалда батрак оиласидан чиққан бир қирғиз қизининг давлат арбоби, Мехнат қаҳрамони, олий кенгаш депутати даражасига чиққан қирғиз аёлининг ҳаёти тасвириланган. Ёшлидан ота-онасиз қолиб, акаси Тотибек оиласида тарбия топади. Эскиликка муккасидан кетган ака синглисининг ўқишига тўскенилик қиласиди. Лекин Юлдузхон фидокорона меҳнати туфайли обрў топади, халқ ишончини қозонади, колхозга раиса этиб тайинланади, Халқ хўжаликлари ютуқлари кўргазмасига боради ва депутат этиб сайланади. Т.Сидиқбековнинг “Аёллар” трилогияси ҳам қирғиз халқи орасида катта шуҳрат топди.

Ч.Айтматовнинг ижоди қирғиз адабиётида алоҳида ўринга эга. “Оқ ёмғир”, “Рақиблар”, “Қизил олма” ҳикояларида, “Жамила”, “Биринчи муаллим”, “Сарвқомат дилбарим”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Бўтакўз”, “Юзма-юз”, “Сомон йўли” (“Момо ер”), “Байдамтол соҳилларида”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси ёхуд Икс-зурриёд” қисса ва романларининг ўзи буюк қирғиз адабининг ижод йўлинни аниқ тасвифлаб беради. Кейинги йилларда чиққан ва ўзбек тилига таржима қилинган ”Қояда қолган овчининг кўз ёшлари” номли янгича жанр – бадиий-публицистик асарида юксак маҳорат билан Марказий Осиё халқлари ҳаёти, маданияти, тарихи ҳақида аниқ маълумотларга асосланган воқеа-ходисаларни тасвирилаган. Ч.Айтматовнинг барча асарлари ўзбек тилига зўр маҳорат билан таржима қилинган. Бу соҳада таржимашунос олим Асил Рашидовнинг ўрни катта.

Охирги йилларда қирғиз адабиётида А.Тўқумбоев, Қ.Маликов, Ш.Бейшеналиев, М.Байжиев каби ўнлаб истеъододли носир, шоир ва драматурглар етишиб чиқди.

ТОПШИРИҚ: Аали Тўқумбоевнинг ”Алишер Навоий” шеърини таҳлил қилинг.

Беш юз йил! Назар солиб кўр-чи ерни,
Шу йиллар ўзгартибди талай элни.
Ва лекин у ўзгарта олгани йўқ
Бобомиз – улуғ шоир Алишерни.

Алишернинг шуҳрати ошар доим,
Шеърият тожи шуъла сочар доим.
Озодлик қўшиқлари йиллар оша,
Эрк тонгин нур пардасин очар доим.

Алишер ўлмас шоир бир умрга,
Биз билан доим куйлаб юрар бирга.

Беш юз йил сайраб келган толмас булбул,
Жүш уриб, тинмай ўтар тилдан-тилга.

Алишер, сенинг тилинг – менинг тилим,
Алишер, сенинг дилинг – менинг дилим.
Кел, бирга жүр бўлайлик, орзуларинг
Очилди чаман бўлиб мана бугун. (1948)

11. ТУРКМАН АДАБИЁТИ

Туркман халқининг адабиёти ва маданияти, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар адабиёти ва маднияти сингари, фольклор асарлари шаклида ривожланди. Туркманлар ҳам, бошқа қардош халқлар каби, бошидан қўп қийинчиликлар кечирди. Дастреб араб халифати, кейин мўғул истилочилари ва ниҳоят эроний ва маҳаллий хонликлар зулми остида яшаган халқ ўз орзуумидларини эртак, қўшиқ, достонларда куйладилар. Халқ ривоятлари ва эртаклари сюжети бора-бора йирик қаҳрамонлик ва ишқий-саргузашт достонларнинг юзага келишига туртки берди.

Хозир, бугунги кунда илм-фан ва техника ривожида қўринаётган глобализация ҳодисасининг илдизларини ўша қадимги туркман адабиётининг ҳам тараққиётида кўрса бўлади. Масалан, туркман халқ достонларининг бир қисми Шарқ мумтоз адабиёти (айтайлик, "Лайли ва Мажнун", "Юсуф ва Зулайҳо") мазмунини қамраб олган бўлса, бир қисми учун эртак ва ривоятларнинг ("Шасанем ва Ғариф", "Зўҳро ва Тоҳир", "Асли ва Карам") сюжетлари асосий манба бўлган.

Ёзма адабиёт асарларининг қўпчилиги халқ оғзаки ижодиёти таъсирида битилган. Мумтоз адабиёт вакилларини ҳам халқ баҳши-достончиларидан ажратиш қийин.

Туркман фольклорида "Гўрўғли" мажмуига кирган достонлар анчагина. Бу сюжет ўзбек, тоҷик, қирғиз, озарбайжон фольклорида ҳам бисёр ва уларнинг барчасида халқнинг чет эл босқинчиларига қарши кураш акс эттирилган. Бу достонларда Гўрўғли адолатли, халқпарвар, доно ҳукмдор сифатида тасвирланган. У қўп юришларда, жангларда мардлик, қаҳрамонлик кўрсатади. Гўрўғлининг хотини хонзодалардан эмас, балки афсонавий мамлакат париларидан эди. Гарчи Гўрўғли хон бўлса-да, у ҳар вақт меҳнаткаш халқ бошини силовчи, ватан мудофааси учун курашувчи халқпарвар, ватанпарвар сифатида гавдаланади. Бу достон ўзбек эпик асарлари каби қисман шеърий, қисман насрый йўл билан ёзилган.

Ёзма адабиёт Туркманистонда XI-XII асрларда, дастреб Аҳмад Яссавий ва ҳазрат Али сингари диний мотивларни куйлаган шоирларнинг ижоди таъсирида туркий (чиғатой) тилида юзага келди. XIV асрда Бурхониддин Сивосий ва Сайд Имониддин Насимий туркман ёзма адабиётининг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Туркман тилида биринчилардан бўлиб шеър ёзган ва бу шеъриятга аруз вазнини олиб кирган ҳам Сивосий бўлди.

XVI асрда Байрамхон, Анисий, Абдураҳим, XVIII асрда Андалиб, Озодий, Махтумкули, Мулла Напас, Маъруфий, Ғойибий, Шайдоий, Шобанда каби етук шоирлар етишиб чиқди. Шобанданинг "Шоҳбаҳром", "Гулу Булбул", "Хўжамберди" достонлари ва кўплаб лирик шеърлари, Маъруфийнинг "Сайфул-Мулук-Мидҳал Жамол", "Юсуф ва Аҳмад", "Давлат Эр" достонлари, Савдоийнинг "Қиссаи Санавбар", Андалибинг "Лайли ва МАжнун" достонилари халқ орасида машҳур бўлди.

Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб XII асрларда бошланиб, кейинроқ Шарқ адабиётида авж олган ва академик **В.М.Жирмунский назирағўйлик** деб баҳо берган анъаналарни давом эттириди.

Адабиётшуносликда *назирағўйлик* деган тушунчалар бор. Буни, баъзи тадқиқотчиларга ўхшаб, кўчирмачилик, нусха олиш, ёки яна ҳам қўполроғи – таржима қилиш деб англmasлик керак. Улар бир неча минглаб йиллардан бўён такрорланиб, жилоланиб, силлиқланиб, ривожланиб келаётган адабий жараённи билдиради. Масалан, «"Хамса" панжасига панжа уриш» анъанаси Амир Хисрав ёки ундан ҳам аввал Низомий Ганжавийдангина бошланмаган. "Беш китоб" (бешлик) ёзиш илдизларини улардан ҳам узоқ давр билан боғлаш мумкин. Аллоҳ таолонинг инояти билан Мусо алайҳис-салом орқали, Исо а-с тавалудидан аввалги XI-VI асрларда, нозил этилган "Ибтидо", "Чиқиши", "Ловий", "Чўлда" (ёки "Сонлар") ҳамда "Иккинчи Қонун"дан иборат бешлиги (яъни "Қадимий Аҳд"), Конфуций (Исо а-с тавалудидан аввалги 552-479 йй) нинг "Шицзин" ("Кўшиқлар Китоби"), "Шуцзин" ("Тарих китоби"), "Ицзин" ("Ўзгаришлар Китоби"), "Лицзи" ("Урф-одатлар Китоби"), "Чуньцю" ("Баҳорлар ва Кузлар") дан ташкил топган бешлиги шу анъананинг бошланиши деса бўлади.

Мусо а-с ва Конфуцийларнинг "Бешлик"лари мазмунан биз назарда туваётган "Хамса"ларга ўхшамаса-да, истилоҳ сифатида фанда ўз ўрнини топган.

Жаҳон адабиётида халқ оғзаки ижоди асарларидан илҳомланиб ёки таъсирланиб ёзилган "Хамса" сюжетлари, Рустам-Достон, Баҳром, Гўрӯғли, Алпомиш, Робинзон, Тристан ва Изольда, Юсуф ва Зулайҳо ва бошқалар ҳақида шунчалик кўп ўхшаш ҳикоя ва ривоятлар, достонлар борки, улардан бирортасини ҳам "кўчирмачилик" ёки таржима маҳсулни деб бўлмайди.

Кўп хорижий тадқиқотчилар, масалан, Навоийни "Хамса" ва "Лисонут-тайр"ни яратища Низомий, Жомий, Атторга тақлид қилган деб ёзишадики, гўё Навоий шунчаки бир тақлидчи, ўртамиёна, балки ундан ҳам паст савиядаги шоир бўлиб гавдаланяпти. Ҳақиқатда эса Низомийдан кейин ўтган асрлар давомида ҳамсачилик айрим шоирларнинг ижодий анъанасига айланиб қолган бўлса, Навоийда бу Низомий – Дехлавий – Жомий ораларидағи "шахсий" ижодий баҳснигина эмас, айни замонда форсий-туркий тиллар, маданиятлар ва адабиётларнинг ҳам беллашувига айланди. Ўзининг худди шу сифати билан Навоийнинг хизмати бекиёс. Зеро, унинг туркийда ижод қилган бешлиги навбатдаги яна бир "Хамса" эмас, балки ўз салоҳияти, довруги, янгича талқини, гояси, мазмуни ва мундарижаси билан ҳам – тўртинчи тажриба эмас, – бирламчи туркиёна бунёдкорлик намунаси эди. Жаҳон адабиёти тарихи бундай миллий-адабий жасорат тажрибасини билмайди.

Алишер Навоий ўзининг ижодий усули ҳақида ёзади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлгай,
Улусқа майли беандоза бўлгай.

Йўқ эрса, назм қилғонни ҳалойик
Мукаррар айламак сендин не лойик.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон күрди, терди.

Хамул ерда эмас гул истамак хўб
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп [7 жилд:23].

Яъни ўзигача ёзилган "Хамса"ларни туркийга таржима қилиш ёки тақорлаш, "мукаррар айламак"лик эмас, мутлақо янги, бетакрор асар яратиш ниятини билдиради. Аммо баъзи мутахассислар буни айрича тушунганга ўхшайди. Академик В.М. Жирмунский Навоий ижодини ўрганиш бўйича анча салмоқли ишлар қилди. 1960 йили "Адабиётларни қиёсий-тариҳий ўрганиш масалалари", 1967 йили +иёсий адабиётшунослик Халқаро уюшмасининг V конгрессида қилган маъruzасида ва ўша уюшманинг навбатдаги VI йиғилишидаги "Ўрта аср адабиёти – қиёсий адабиётшунослик предмети" деб номланган маъruzасида [қаранг: Жирмунский В.М. Средневековая литература как предмет сравнительного литературоведения // Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979.- С.158-173] Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётларидаги назирагўйликни романтик эпос асарларини ижодий қайта ишлаш ёки таржима, Навоий, Фузулий ва бошқаларни эса таржимонлар деб атайди [Жирмунский,164]. Ҳатто В.В. Бартольддек жаҳонга машҳур шарқшунос ҳам шундай фикрни айтган эди.

Масала шу даражага бориб етдики, Навоий асарларини рус тилига таржима қилиш шартмikan, ахир, бу сюжетлар унинг салафларида бор-ку, дейдиганлар ҳам топилиб қолди. Бундай ғайри илмий қарашлар, ҳайрият, вақтида барҳам топди: профессор Е.Э. Бертельс масалага одилона ёндошиб, катта фидойилик намунасини кўрсатди. Унинг "Навоий ва Шарқ адабиёти" мақоласи даврнинг ана шундай жиддий талабга жавоб тарзида битилди. У дастлаб "Дружба народов" журналида (1941, № 6, 230-239-б.) босилди, сўнг эса олим "Танланган асарлар"ининг "Навоий ва Жомий" деган жилдига киритилди (М., 1965, 432-440-б.).

Аслида, Андалиб достонида Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарининг сюжети, образлар тизими тўлиқ сақланган бўлса ҳам, унда шоир XVIII аср туркман халқининг ҳаётини акс эттиришга интилган. Халқ оғзаки ижодидар баракали фойдаланган. Достондаги наср ва назмнинг чатишиб келиши бунга далил. Андалиб достони Навоий асарига қарагандা анча сода, ихчам, ҳатто баъзи эпизодлар тушириб қолдирилган. Лайли, Қайс, Зайд, Қайснинг ота-онаси образлари жуда ёрқин баён қилинган. Туркман шоири, юқорида қайд этганимиз, Жирмунскийга қўйиб берсак, Навоийнинг қўр-қўрона тақлидчисига айланиб қоларди. Аслида эса, шоир ўз асарида мутлақо мустақил ижод қилган. Насрий парчаларда шоир воқеа-ходисаларни достоннинг сюжетидан келиб чиқиб баён қилса, шеърий қисми, ғазал, маснавий, шеърий диалогларда қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, ички дунёси – психологиясини очиб беради.

Лайли ва Мажнунларнинг фожеали севгисини ҳикоя қилиш жараёнида туркман шоири баъзан юмордан фойдаланади. Масалан, Қайс билан Лайли бир мактабда ўқиб, бир-бирларини севадилар. Бундан хабар топган Лайлининг отаси қизини мактабга юбормай қўяди. Қайс мактабга келиб Лайлини учратмагач, қаттиқ ҳаяжонланади, муаллимнинг "Кечаги сабоқ нима эди?", деб сўраганида, Қайс жавоб қиласди:

Ҳар сабо келарди гулдек очилиб,
Кулганда оғзидан дурлар сочилиб,
Ё ўлдими, кафан тўни бичилиб,
Не бўлди, билмайман, келмади Лайли?

(Р.Муқимов таржимаси).

Давлатмамед Озодий ўз шеърларида, хусусан, “Ваъзи Озод” асарида ўзбек, форс-тожик ва туркман мумтоз шеъриятини ривожлантириди.

Туркман мумтоз адабиётининг отаси саналган забардаст лирик шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий (1730 й. да туғилган) шоир Озодий оиласида дунёга келди. Аввал қишлоқ мактабида, кейин Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсил олди. Туркман, ўзбек, форс-тожик шеърияти, Алишер Навоий бадииятини чуқур ўрганиш шу даврларга тўғри келди. Махтумқули “Геленendir” деб номланган шеърида мумтоз Шарқ шеъриятидаги Лайли ва Мажнун, Фарход ва Ширин каби машҳур бадиий тимсолларни муҳаббат билан тилга олади. Шу ерда шоир Алишер Навоий билан шоҳ Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатни куйлади. Махтумқули шеърларининг Фузулий асарлари каби мафтункор бўлишини орзу қилди.

Буюк туркман шоирининг Шарқ мумтоз шеърияти руҳида битилган ғазаллари ўзбек халқи орасида кенг тарқалган, уларга қўшиқлар басталанганд. Насиҳатгўйлик руҳидаги асарларида юксак ахлоқ, одоб меъёрлари куйланади. Масалан, “Бўлмас” шърига эътибор қилайлик:

Ҳар аҳмоққа айтма дарду сўзингни,
Ҳасрат ўти жисминг ёқканча бўлмас;
Гусса билан дона-дона кўзингдан
Аччиқ ёшларингни тўкканча бўлмас.

Қаноатда, иззатда тут ўзингни,
Тама қилиб, сарғайтирма юзингни,
Ҳар номардга ҳайф айлама сўзингни,
Сўзингнинг биносин йиққанча бўлмас.

Мағрур бўлиб кезма умринг гулига,
Дуч бўларсан бир кун хазон елига,
Юз йил яшаб тушсанг ажал қўлига,
Чапингдан ўнгингга боққанча бўлмас.

Кўнгли қора билан бўлманглар улфат,
Юқар ундан турли-туман касофат,
Кўмирга ҳар неча айласанг иззат,
Манглайга қораси юққанча бўлмас.

Махтумқули ҳаргиз топмади омон,
Ёмон тилнинг заҳри тифлардан ёмон,

Ёмон тил ёнида захри кўп илон, –
Чақса-да, бир чивин чақсанча бўлмас.

Буюк шоирнинг шеърларига басталанган қўшиқлар М.Узоқов, Матниёз Юсупов, Болабахши Абдулаев, К.Отаниёзов, Алижон Ҳасанов ва бошқаларнинг репертуаридан жой олган. Ҳозир Ўзбекистоннинг барча аҳолиси шоирнинг “Уссадындан айрылма” (“Устозингдан айрилма”) қўшигини яхши билишади.

Местана йөрүнчән гайры иллerde,
Өнүп-өсен өз юрдундан айрылма.
Бир магрур кәклиқ дей небсиң угрунда
Дамга душүп, ганатындан айрылма.

Гедаларның көңли шалыкны истийр,
Надан кишилер ялган сөзге раст дийр.
Бигадыплар душманына дост дийр,
Гадрың билген үлпетинден айрылма.

Намартлар хем муханнеслер-начарлар
Тагамың ийп, ишиң болса гачарлар,
Сырың билип, айыбыңы ачарлар,
Тәлим Берген уссадындан айрылма.

Кимсе гарып болса, кимсе бай болар,
Хер кимсән багты-ыкбалы болар,
Херне гелсе баша, дилинден геллер,
Магтымгулы, халк ядындан айрылма.

Махтумқули туркман шеъриятида шакл ва мазмунга янгилик руҳини киритди, ғазалчиликни ҳар томонлама мукаммалаштириди, ундаги ишқ-муҳабbat ғоясини ижтимоий мавзу билан боғлаб ривожлантириди. Махтумқули шеърларининг вазни равон, ўйноқи, тили эса жуда содда бўлғанлимгидан халқ орасида тез тарқалди, куйга солиниб айтиладиган бўлди.

XX асрдан бошлаб Махтумқулининг номи Россия, Венгрия, Франция, Германия, Туркия, Англияда машҳур бўлди. Рус ёзувчиси М.Е.Салтиков-Шчедрин уни ”Шарқнинг Шиллери“ деб баҳолади, шоирни А.С.Пушкин билан ёнма-ён қўя оламан, дейди.

1958 йили Жуманиёз Шарипов Махтумқулининг шеърларини ўзбек тилга ўгириб, 3000 нусхада чоп эттириди. 1960 йили иккинчи марта тўлдирилган холда 25000 нусхада нашрдан чиқди. Ўша вақтдаги “Қизил Ўзбекистон” газетасининг хабар беришича, Тошкент китоб магазинида бир соатда 300 та китоб сотилган.

Мулло Напас – туркман мумтоз шеъриятининг яна бир вакили – ўзининг лирик ва эпик ижоди билан ҳам халқ оғзаки ижодида, ҳам ёзма адабиётда

муносиб ўрин эгаллайди. Шеърлари сода ва равон ёзилган. Мулло Напас ўз асарлари орқали туркман мумтоз шеъриятига озарбайжон, ўзбек ва форс-тожик шоирларининг яхши анъаналарини сингдирди, ишқий мавзуда ёзилган шеърларида ҳам ўз халқининг кундалик ҳаётини ёрқин акс эттирди. У иккита мазмундор достони билан машҳур: бири – “Гелмишам”, иккинчиси – “Зўҳро ва Тоҳир”. Биринчи дастонда дунёвий пок севгининг ҳамма нарсадан устун эканлигини ошиқ йигит ва унинг садоқатли маъшуқаси образларида усталик билан баён қилган. Иккинчи достон ҳам халқ орасидаги машҳур фольклор сюжетлари, афсона ва образлардан ижодий фойдаланиб ёзилган оригинал асар саналади. Достонда Тоҳир билан Зуҳро бир-бирларини севадилар, лекин золим хон Бобохон ва ўша замондаги феодал муҳит бу икки ёш қалб севгисининг фожеали яқунланишига сабаб бўлади, Тоҳир ва Зўҳро эски урф-одатлар ва зўровонликнинг курбони бўладилар. Аммо инсонпарвар шоир достон воқеасининг фожеали тугалланишини истамайди, севимли қаҳрамонларининг ҳалоқк бўлишини эп кўрмайди. Золим Бобохон тахтдан йиқитилиб, унинг ўрнига Одилшоҳ номли маърифатпарвар, адолатли ҳукмрон ҳокимият тепасига чиқади. Мехнаткаш халқ эркин нафас олиб, мамлакат обод бўлади, Тоҳир ва Зўҳро қайта тирилиб, душманларидан қасос оладилар. Пок дунёвий севги ўлим устидан ҳам, қора кучлар устидан ҳам ғолиб келади.

Камина – Мулло Напаснинг замондоши, ажойиб лирик ва сатрик шоир. Асарлари билан халқ орасида катта обрӯ ва шуҳрат қозонди. Шеърлари оғиздан-оғизга кўчиб, халқ онгига сингиб, кейинчалик фольклор асарларига айланиб кетди. Ҳатто, худди тожик шоири Мушфиқий ва ўзбек шоири Машраб сингари, ҳукмрон доираларни шафқатсиз танқид остига оловчи сатирик сиймо бўлиб қолди. У халқ латифаларида тадбиркор, доно, қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Қирғиз шоири Қ.Маликов хотирлайди: “Мен уруш бўлаётган 1942 йилнинг август-ноябр ойларида Туркманистоннинг Мари шаҳрида яшадим. Ўша йиллари мен буюк туркман шоирлари Махтумқули, Мулла Напас ва Каминанинг асарлари билан яқиндан танишдим. Айниқса Махтумқули, унинг ижтимоий мавзудаги асарларининг ғоявий теранлиги, яратган образларининг бетакрорлиги ва халқчиллиги менда чукур таассурот қолдирди. Унинг шеърияти халқ донишмандлиги руҳида битилган ва оддий меҳнаткаш халқ оммасининг дидига жуда мос келади. Шунда мен тушундимки, агар туркман халқининг ўтмиши, тарихини аниқ тасаввур қиласай десанг, Махтумқулининг барча асрларнини қолдирмай ўқимоқ даркор.

Мулла Напаснинг ”Зуҳра ва Тоҳир“ини мен туркман тилида ўқидим ва унинг тилини бемалол тушундим. Бизга таржима қилиш учун берилган асар тагламаларидан кўра аслий матн яқинроқ ва тушунарлироқ кўринди. Биз, қирғиз шоирлари, Махтумқулининг шеърларини бевосита туркман тилидан қирғизчага ўғирдик. Махтумқули қирғиз шеъриятининг гулшанига ўзининг булбулидай кириб келди”.

ХХ аср бошларида Мискин Қилич, Байрам Шоир, Кўрмулло, Мулло Мурт ва Дурди Қилич ҳамма ерда юз бераётган янги ижтимоий тузум

адабиётининг вакиллари миллатчилик руҳидаги реакцион туркман адабиётига қарши курашдилар.

Б.Кербобоев (1894-1975) туркман насрининг асосчиси саналади. У ”Қизлар дунёси”, “Одатнинг қурбони”, “Амударё”, “Айлар”, “Туркманистон” достонлари, “Дадил қадам”, “Небитдоғ”, “Давр ўғлони” романлари, “Ойсултон” қиссаси, “Махтумқули”, “Ватан ўғли”, “Қурбондурди”, “Абадан” пьесаларини ёзди. М.Горькийнинг ”Она”, Л.Толстойнинг “Ҳожимурод”, М.Шолоховнинг “Очилган қўриқ”, Пушкиннинг “Евгений Онегин” романларини туркман тилига таржима қилди. Икки марта юксак Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Б.Кербобоевнинг роман ва повестлари ўзбек тилига таржима қилинган.

1971 йили Москвада Жаҳон адабиёти институти ташаббуси билан туркман халқ ишқий достонлари “Хурулқо ва Ҳамро” ҳамда “Саёт ва Ҳамро” туркман ва рус тилларида босилиб чиқди. Иккинчи достонда куйланишича, Озарбайжон подишлоҳи Ошиқ Аҳмаднинг ўғли болалигига унаштириб қўйилган Сарвинозга уйланиш арафасида шаҳарда меҳмон бўлиб турган хорижий меҳмонлардан узок Қизил Олма деган томонда Саётхон исмли тенги йўқ гўзал қиз борлигини эшитади-ю ошику беқарор бўлиб қолади. Уни излаб, ҳавфли ва мashaққатли сафарга отланади. Унга отаси ҳамроҳ бўлади. Қизнинг юртини топиб, унинг даргоҳига келади ва барча туркий, жумладан, ўзбек халқ достонларида ҳам куйланганидек, ота ўзининг барча сўз маҳоратини ишга солиб, шарқона услубда ”гапни айлантириб”, боғ ва боғбон, олма ва анор, ов ва овчи, булут ва ёмғир, паривашнинг қўнғироқ гажаги, чиройли оғзи ва лабларини эслатувчи арабча лам [Л], жим [Ҷ], син [Ҵ] ҳарфлари ёрдамида ўғли Ҳамронинг ошиқлиги, уни излаб бу ерга келганлигини айтади, Мана ўша қўшиқдан парча:

Гел, балам, сени истэйин,
Истеглиң багдадыр багда.
Херне бела мен дөзейин,
Саят хан багдадыр-багда.

Гарадыр селбениң гөзи,
Гөмәге Саядың йузи,
Мәммет хан патышаң гызы,
Саят хан багдадыр - багда.

Сынасы дагларың гары,
Мәмеси Гүржустан нары,
Кыркынжи гызың сердары,
Бал Саят багдадыр-багда.

Сөхбети бар созлар билен,
Өрдеги бар газлар билен,
Он уч, он дөрт гызлар билен,
Саят хан багдадыр-багда.

Яр багына гирер болсан,
Гызыл гулүн тирер болсан,
Саят ханы гөрер болсан,
Бал саят багдадыр-багда.

Гел Ахмет, уйгун аллага,
Йўзүң дөндер қыблагәге,
Дийдилер: гелсин Хемрага,
Саят хан багдадыр-багда.

Комилжон Отаниёзов репертуаридаги бу машхур қўшиқни сўзлари ва оҳангидан осонгина таниб олиш мумкин.

Ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги ва қардошлиқ тарихини шоир Ғайратий, "Амудай узун" деб таърифлайди. Бу қардошлиқ уларнинг адабиёти ва оғзаки ижодиётида чуқур из қолдирган. Гўрӯғли бир қанча туркман халқ эпосларининг бош қаҳрамони бўлганидай, 40 дан ортиқ ўзбек халқ достонлари ҳам унинг мардлик, олижаноблик хислатларини тасвирилашга бағишиланган. Тоҳир ва Зухра, Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо сингари пок севги тимсоллари ҳар иккала халқда ҳам севиб куйланади, зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади. Навоийни Махтумқули ўз устози сифатида қадрлади, унинг инсонпарварлик гояларини янги тарихий шароитда ривожлантирди.

Туркман китобхонлари Ойбек, А.Мухтор, Ж.Шарипов, Ш.Рашидов, А.Қаҳҳор, Ф.Гулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун, Зулфия, М.Бобоев, Э.Воҳидов, А.Орипов ва бошқа ижодкорларнинг асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар.

Мундарижа

Сўз бош
Украин адабиёти.....	
Белорус адабиёти.....	
Молдаван адабиёти.....	
Озарбайжон адабиёти.....	
Арман адабиёти.....	
Грузин адабиёти.....	
Доғистон адабиёти.....	
Ўрта осиё ва қозоғистон халқлари адабиёти	
Тожик адабиёти.....	
Қозоқ адабиёти.....	
Қирғиз адабиёти.....	
Туркман адабиёти.....	

Комил ЖҮРАЕВ
Салимахон МИРЗАЕВА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР
ХАМДҮСТЛИГИ (МДХ) АДАБИЁТИ

Муҳаррир Р.Субҳон
Мусаввир Р. Зуфаров
Саҳифаловчи Н. Сувонов

Босишга рухсат этилди 10.05.2006.бичими 60x84^{1/16}
Офсер қофози. Адади 1000 нусха. 18-сон буюртма.

“Истиқлол” нашиёти, Тошкент ш., Навоий кўчаси,30-уй.
Шартнома № Г-32

“Мутаржим” ШК матбаа
Бўлимида чоп этилди.
Тошкент ш., Хуршид к., Қошиқчи-1.